

Олимжон ДОЛИМОВ  
Исҳоқжон НИШОНОВ

# ТЕРГОВЧИ ХОТИРАЛАРИ

*Ҳаётий лавҳалар*



«НАМАНГАН» нашриёти  
2004.


67.401.213



*Ушбу китоб ажойиб, бағри кенг, очиқ кўнгил, самимий инсон - милиция майори Маҳмуджон ака Камоловнинг ёрқин хотирасига бағишланади.*

461 - 824,89 - 1085540  
НГ  $\frac{\quad}{462 - 6,0 - (11) - 04}$  2004

© О. Долимов, И. Нишонов. «Наманган» нашриёти



10

## СЎЗ БОШИ

Маҳмуджон акани вилоятимиздан ташқарида ҳам яхши танишади. У ёки бу шаҳарда танишлари, ёр-биродарлари, ҳамкасб дўстлари ва шогирдларини учратиш мумкин. У кишини, одатда, узун бўй, тўладан келган, қалин қошлари бир оз хурпайган, алпомиш келбатли, қалби кенг, қўли очик, мард инсон, деб эслашади. Дарвоқе, Чустнинг Варзик қишлоғида унинг ҳали битмаган, аммо катта орзу-ҳаваслар билан қурилиш бошлаган ҳовлисида кўпгина одамлар Маҳмуджон аканинг қўлидан чой ичишган. Варзикнинг суви қанчалик татимли ва ширин бўлса, дилкаш бу инсоннинг суҳбати ҳам ундан-да мазали. Суҳбатини олсангиз ўрнингиздан туролмай қоласиз. Ундаги яхши ниятларни, орзу ҳавасларни тезда ўзингизга юктириб оласиз. Маҳмуджон аканинг ишини давом эттирмаган, деб тинчингизни, ҳаловатингизни йўқотиб қўясиз. Хуллас, Маҳмуджон ака сизни ишлашга, меҳнат қилишга ўргатиб қўйганини, яшаш завқидан лаззат ола билишни юрагингизга сингдириб қўйганини кейинчалик тушуниб етасиз. Суҳбатининг хумори тутиб, Варзик қишлоғига қайтиб келганингизни ўзингиз ҳам билмай қоласиз.

Маҳмуджон аканинг танишлари бисёр дедик. Айниқса, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларида хизмат қилган касбдошлари, унинг тарбиясини олган ёшлар устозларини тез-тез эслашади. Ҳа, у чорак аср милиция идораларида Ватанга садоқат, халққа муҳаббат, касбга ҳурмат билан хизмат қилди. Эл осойишталиги, тинчилиги йўлида узун тунларни бедор ўтказди. Шогирд ва ҳамкасбларининг айтишича, Маҳмуджон ака оддий бир ўғирликка ҳам бефарқ қарамаган. Жиноятчини топмагунча ором нималигини билмаган. Касб тақозоси билан не-не жиноятчилар билан юзма-юз келди. Унга қарши пичоқ кўтаришган, қашқирдек дафъатан устига ташланган, ҳатто кўксига милтиқ тираган кимсалар ҳам бўлди. Бақувват инсон эди. Уларга бўйин эгмади. Қасамёдига содиқ қолди. Порахўрларнинг домига тушмади. Боболаридан, момоларидан қолган ўғитга амал қилди. Покиза қўлини ифлос қилмади. Улар узатган чой-чақага сотилмади. Умри давомида бировдан тама қилмади. Унво-нимни оширай, мансабга минай, деб оқни қора демади. Столни муш-лаб, ўз ҳукмини ўтказишга интилмади. Бола-чақаларини ҳам ҳалол, пешона тери билан топган пулига боқди. Милиция ходимиман, деб меҳнатдан ўзини олиб қочмади. У яшайдиган қишлоқ адирликлардан иборат эмасми, ишдан бўш вақтларида елкасига кетмон ташлаб ер

ўзлаштирди. Ўн-ўн беш сотих ерга тут кўчати экиб, аёли, бола-чақаси билан парвариш қилди. Хўжаликларга арзон сотса сотдики, қимматга пулламади. Виждонли одам эди. Виждонига хиёнат қилишни ор билди, Унинг меҳнатига шум ният билан кўз тикканлар бўлди. Фаразгўйлик ҳам қилишди. Номарднинг ишини тутиб, вазирликка «хат» йўллашди. Текшириб келган вазирлик ходими Маҳмуджон аканинг даладаги ишларини кўриб, дили яйраб, «қани, энди бошқалар ҳам сиз каби меҳнат қилса», деб бағрига босиб кетди.

Маҳмуджон ака қишлоқда, деҳқон оиласида туғилиб ўсди. Отасидан ёш қолди. Муштипар ва мунис онажони, сингиллари бағрида ўсди. Ким билсин, онажони билан сингилларини боқиш ўз гарданига тушганини у ёшлигидаёқ англаб етдими, елкасига отасидан қолган кетмонни ташлаб далага чиқди. Кетмон чопиб, гўзаларга сув таради. Адирдан ариқ қазиб, сув келтирди. Бироқ юрагидаги ўқишга бўлган муҳаббат бот-бот кўзиб кўярди. Унинг ҳалоллигими ёки меҳнатсеварлигими, ҳамқишлоқларига ёкиб қолди, бир йилдаёқ ёш йигитчани ўзларига ҳисобчи қилиб сайлашди. Бироқ у кетмонни елкасидан қўймади. Мен «табелчи»ман, деб соя жойни кўзламади. Қалбини, меҳрини юрт бойлиги - пахтага тўқди. Кўпчилик билади: Чустнинг Варзик қишлоғидаги далалар ўнқир-чўнқир, паст-баланд ерлардан иборат. Ташқаридан қараган одамга бу ерлар туянинг ўрқачини эслатади. Ернинг таркиби ҳам турлича, ярми арзик, ярми қизариб кетган тошлоқ. Ерга ташланган уруғни ундириб, айтган ҳосилингни ололмайсан. Деҳқончилик қилиш ўзи бир азоб. Сув келтириш ундан-да азоб.

Нихоят, Маҳмуджон ўз ҳамқишлоқларига дилидаги ниятини тилига чиқариб айтди:

– Оғалар, опа-сингиллар фотиҳа беринглар, ўқишга борай, - деди.

Одамлар унинг бу ниятидан беҳабар эдилар. Бир-бирларига қараб олишди. Ҳамқишлоқлари алпдек йигитдан айрилиб қолишни ишашмагани уларнинг кўзларидан маълум эди. Уни тўғри тушунадиган одамлар ҳам топилди.

– Шийпон олдига бир ҳовуз қазийсан. Ичимлик сувини шу ердан ичиб турайлик, – дейишди улар.

Шарт оғир эди. Бу ерга ҳовуз қазиш учун қанча вақт, қанча куч керак. Яна битта ўзи-я.

– Ҳай, – деди йигит қалин қошларини чимириб. - Шартларинг шу бўлса бажарганим бўлсин. Қани фотиҳа беринглар!

Йигирмага яқин эркак ва аёл фотиҳага қўл кўтаришди.

– Ҳазрати Хизр бувам йўлдош бўлсин!

Қўллар оқин сув каби юзларни силаб, ювиб тушди.

– Отамдан қолган каттагина кетмон бор эди, - дея ўша воқеани хотирлайди Маҳмуджон ака. - Уйга бориб ўша кетмонни олиб келдим. Кун тиккада эди. Дўппидай салқин жой йўқ. Билагимни шимариб, «ё Али», дея кетмонни ерга урдим. Ишонасизми, кетмоннинг бети қайрилиб кетди. Аммо, мен ниятимдан қайтмадим. Иккинчи бор кетмон урганимда бир ховуч тупроқ кўчди. Атрофимдагилар «у» деб юборишди.

Маҳмуджон ака бир сўзли, айтганини кесадиған одам эди. Ер метин каби қаттиқ бўлса- да, ишни бошлаб юборди. «Эй биродарлар, бу шартларинг бўлмади, бошқасини айтинглр», деб турмади. Кечани-кеча демай меҳнат қилди. Икки кун деганда одам бўйи келадиган ўша ҳовуз сувга тўлди. Эл эрталаб далага чиққанда ҳовуздаги сувни кўрди. Кимдир пиёласини тўлдириб муздек сувдан ичди, яна кимдир бир ҳовуч сувни олиб юзини чайди.

– Етказганингга шукур.

Кўпчилик кўпчилик-да улар яна дуога қўл кўтаришди.

– Муродингга етгин, Худонинг ўзи қўлласин!

Эл дуосини олган Маҳмуджон эртаси куни чамадонини кўтариб Тошкентга йўл олди. Хўжжатларини ички ишлар вазирлигига қарашли Тошкент олий милиция мактабига топширди. Элнинг дуоси ижобат бўлди. Имтиҳонларни аъло баҳоларга топшириб талаба бўлди.

Кеч кузда Чустнинг Варзигига йўлимиз тушди. Маҳмуджон ака билан салом-алигимиз бор эди. Бир пиёла чой устида ўша кунларни ёдга олдик. Қизиқувчанлигимиз қурсин, ўша ҳовузни бир кўрсак, деган ният юрагимизга тинчлик бермади. Маҳмуджон ака бизни ўша ҳовуз қазилган далага бошлаб кетди. Ҳовуз тепасида бир соатча ҳангомалашиб ўтирдик. Бир пиёла сув олиб ичдик. Таъми бошқача. Бундай мазали сувни, тўғриси, ҳали бирор жойда ичмаганмиз. Ичган сари ичгинг келади. Одамни кўмадиган ҳовузни икки кунда бир ўзи қазиб ташлаганига бир оз ишонгимиз келмади. Уйга қайтганимизда Маҳмуджон ака одамнинг қучоғига тёнг келадиган ўша золворли кетмонни кўрсатди.

– Ўша ҳовузни мана шу кетмон билан қазиганман- да!

Яширмаймиз, кетмонни қўлга олиб, ерга бир-икки урганда дарров хансираб колдик.

Ўша кетмон ҳозир ҳам Маҳмуджон аканинг уйида турибди. Ўша ҳовуз

ҳозир ҳам дала шийпонининг ўртасида оби ҳаётга тўла. Ундан ҳар куни юзлаб одамлар ҳовучини тўлдириб сув ичишади. Чанқоқларини қондиришади. Аммо Маҳмуджон ака бугун сафимизда йўқ. Кутилмаганда уни сафимиздан йўқотиб қўйдик. Шафқатсиз ажал олиб кетди уни.

Софдил, меҳнатсевар, ўзининг бойлиги билан эмас, меҳнати, қилган ишлари билан қувониб юрадиган қувноқ бу инсон ҳаммининг юрагини ларзага солиб, дорилбақога рихлат қилди.

Ёдимизда, бир гал бизни уйларига таклиф қилдилар. Чойни далада ичамиз, деб қирга олиб чиқиб кетдилар. Рўпарамиздаги шўрдан оқариб, гоҳида арзик қатлами юзага қалқиб чиққан далалар томон борар эканмиз, Маҳмуджон ака бу ерларда боғ яратаётганлигини сўзлаб қолди. Бир оз ишонгимиз келмади. Ички ишлар идораларида узоқ муддат меҳнат қилган, эл-юртнинг ҳурматини қозонган бу одам нега келиб- келиб адирлиқдан ер олиб, боғ яратаяпти. Ахир эшигининг олдидан ер сўраса, биров қаршилик қилмасди-ку. Ҳаёл билан бўлиб қанча йўл босганимизни билмай қолибмиз. Икки томони баланд чўққилар билан ўралган адир ўртасига етиб келдигу, яшнаб турган дов-дарахтларни кўрдик. Адир ён бағрида ўсаётган дарахтларнинг олди мева тугиб қолган. Бирдан ўзимизни жаннатда тургандек ҳис этдик. Салқин ҳаво кўксимизга урилди.

– Бу ерларни ер қилгунча бир ой бульдозер ишлатдим. Ернинг қаймоғи чиққунча хайдатдим. Эккан кўчатларим нобуд бўлмади ўсди. – Маҳмуджон аканинг сўзларидан ўз ишидан фахрланиш, гурурланиш ҳиссини сезиш қийин эмасди. – Мана шу ерлар менинг боғим. Ҳали қараб турасиз, янаги сафар келганларингда бу ерларни танимай қола-сизлар. Ниятим ерга ер қўшиш, қир қўйнида боғ яратиш. – Унинг катта-катта кўзларида болаларга хос беғуборлик акс этарди. Қани, энди ўзига қўйиб берсанг, боғ қўйнига кириб кетса, ҳар бир ниҳолни меҳр билан парвариш қилса. Йўқ, у шундай ҳам қилди. Ариқдан бир сакраб ўтди- да, қаршимизда турган ўрикнинг танасига тирмашиб чиққан печакни юлиб олди.

Бу йил Маҳмуджон аканинг боғларига баҳор эрта келди. Бир кечадаёқ ўрик шохлари оппоқ гулга бурканди. Олислардан бол арилар учиб келишди. Тўрт томони қирлик, ўнқир- чўнқирлар ичида гулга кирган ўриклар бирдан бошларини эгиб қолди. Ўша баҳор шохларга балдоқ тақиб кетган табиатнинг мўъжизаси туфайли гуллар гўрага айланган-ди. Варзикликлар ўзининг элга содиқ бир ўғлонини йўқотиб қўйдилар.

Боғлар боғбонидан айрилди. Оҳ, юракларимиз зирқираб қолди.

Бугун ундан орзу- армонларга айланган катта боғ қолди. Уйнинг тўрида одамнинг қучоғига сигмайдиган кетмон қолди. Ўтган-кетганларнинг чанқоғини қондириб турган ҳовўз қолди.

Йигирма беш йилга яқин ички ишлар идораларида меҳнат қилиб, иш жараёнида содир этилган қизиқарли воқеалар ёдгор бўлиб қолди. Биз у кишининг бир мухлиси сифатида Маҳмуджон Камоловнинг оғзидан эшитган воқеаларни тартибга келтириб «Терговчи хотиралари» китобини яратдик. Бу китобдаги воқеалар Маҳмуджон аканинг ҳаётида бўлиб ўтган. Уларни ўзгартиришсиз, муболағасиз сизнинг ҳукмингизга ҳавола этишни лозим топдик. Қаҳрамонларимизнинг исми-шарифи, воқеа жойлари ўзгартирилганлиги боис Сиздан узримиз бор. Тилагимиз, мазкур китобни ўқиб, марҳумни ёдга олиб, ҳаққига бир дуо қилиб қўйсангиз, бас.

**Эсонали ҚУРБОНОВ,  
милиция подполковниги.**

1968 йили Поп туман ички ишлари бўлимида терговчи бўлиб иш бошладим. Бўлимда ходимлар озчиликни ташкил қиларди. Бунинг устига ҳудуд бошқа туманларга қараганда катта эди. Кўплаб жиноятлар содир этилар, айбдорларни излаб толиш учун эса кўп вақт сарф қилинарди. Бу эса ходимларни туну-кун ўз хизмат жойида сергак туришини тақозо этарди. Маҳмуджон Камолов билан 1971 йилда танишганман. Ўша пайтда Маҳмуджон ички ишлар вазирлигига қарашли Тошкент Олий милиция мактабини битириб, Наманган шаҳар ички ишлар бўлимида терговчи бўлиб иш бошлаганди. Ёш йигит ўз касбининг ҳақиқий эгаси эди. Ёш бўлишига қарамай жиноят ишларини очишда анчагина тажрибага эга эди. Кейинчалик биз Поп туманида тергов бўлимида бирга ишладик. Иш жараёнида мен Маҳмуджонни кўп қирраларини кашф этдим. У тинимсиз ишларди, вақтнинг қадрига етарди. Дақиқаларни самарасиз ўтишини ёқтирмасди. Ҳеч қачон жиноятчининг шахсига тегмасди, кўнглига оғир ботадиган гап айтмасди. Эски танишлардек суҳбатлашарди. Уларнинг юрагига кириб бора оларди. Баъзи кимсаларни ўз ҳуқуқларини билмаслигидан афсусланарди. Бирор кишини ноҳақ айбдор бўлиб, қамалиб кетишини хоҳламасди. Жиноят қилган кимсаларни ҳақиқий жазо олишини талаб қиларди. Шу

билан бирга имкон қадар уларга ёрдам берарди. Йигирма йилдан кўпроқ бирга ишлаган бўлсак, бирор мартаба столни мушлаганини, гумон қилинувчини мажбурлаб айбини бўйнига қўйишга ҳаракат қилганини сезмаганман. У билан ишлаш жараёнида мен кўп нарсаларни ўргандим. Ўзимнинг устозим, деб айта оламан. Тўғри, Маҳмуджон аканинг бироз қайсарлиги ҳам бор эди. Очилмай қолган жиноят ишларини ёпишга уринган ходимларни аяб ўтирмасди. Ҳалоллиги ва тўғри сўзлиги учун айрим раҳбарлар билан келишолмасди. Эсимда 90-йилларда раҳбарлардан бири уни ноҳақ айблади. Таниш билишчилик қилиб, авто авария билан боғлиқ жиноий ишни ёпишни буюрди. Аммо Маҳмуджон бошлиқнинг талабини бажармаслигини, жиноятчи жазосини олиш кераклигини талаб қилиб туриб олди. Бироқ бошлиқ унинг талабини рад этди. Маҳмуджон ноҳақликка чидаёлмади, ариза ёзиб уйига жўнаб кетди. Раҳбар ўз хатосини тушуниб етди чоғи, ўзи унинг олдига бориб кечирим сўраб уйдан олиб келди. Жиноятчи эса жазосини олди. Юрагида гина сақламайдиган, оччиқкўнгилик йигит эди. У киши кўплаб шогирдлар етиштирди. Меҳнатни севарди. Дам олиш кунлари ўзи яшаб турган қишлоқнинг адир ерларини ўзлаштирирар, кетмон олиб, сув чиқарар, бир қарасангиз мевали кўчатлар экаётган, бир қарасангиз тутзор барпо қилаётган. Биродаримиз боғ яратишни хуш кўрадиган одам эди-да. Қилган ишидан, гапирган гапидан жаннатнинг ҳиди уфуриб турарди. Бугун у кишини йўқотиб қўйдик. Қилган ишлари, ширин сўхбатлари, берган маслаҳатлари хотирамизда қолди. Биз қуролдош ва сафдош дўстлари устозимиз Маҳмуджон Камолов билан ҳар қанча фахрлансак арзийди...

\* \* \*

### **Ҳожирахон ҚИРФИЗБОЕВА,**

**Наманган шаҳар собиқ прокурори, адлия полковниги.**

Алп қоматли, кенг пешонали, кўзлари катта-катта, қоп-қора қошлари чеҳрасини очиб турадиган бу йигит ҳозир ҳам кўз ўнгимдан кетмайди. Маҳмуджон билан қисқа муддат бирга ишладик. У шаҳар ички ишлар бўлимида терговчи бўлиб иш бошлаганди. Айрим масалаларда сўхбатлашиб, гоҳида тортишиб қолардик. Ёш бўлса ҳам ўз касбига меҳр кўйган йигит эди. Ўз фикрини ўтказишга ҳаракат қиларди. Ҳалол, ўзига ишонган одамлар ўзи шунақа бўлади-да! Кунларнинг бирида у олдимга ёшгина мактаб ўқувчисини олиб кирди. Маълум бўлишича у ўғирлик



билан шугулланиб келаётган бир тўдага илакишиб қолган экан. Маҳмуджон бола ҳақида менга сўзлаб берди.

– Опа, агар шу болани жазога тортадиган бўлсак давлатга хиёнат қилган бўламиз, – деди кутилмаганда. Хайрон бўлдим. Гап нимадалигини тушунмагандимда.

– Тушунтириброқ гапиринг, – дедим.

Маҳмуджон бола ҳақида анчагина маълумотга эга экан. Бир бошдан гапириб берди. Сўнг бола билан суҳбатлашдим. Ҳақиқатдан ҳам бола ота-она қарамоғидан йироқлашиб қолган экан. Суҳбат жараёнида боланинг яхши ҳулқ эгаси эканлигини, мактабда олаётган билими ҳам анча яхшилигини билдим. Маҳмуджоннинг таклифи билан болани унинг назоратига топширдим. Орадан кўп ўтмай Маҳмуджон Поп туманига ишга ўтиб кетди. Бу воқеаларни унутдим. Олти йилдан кўпроқ вақт ўтганди. Хонамнинг эшиги тақиллаб қолди. Ёшгина ўспирин йигит кириб келди. Кўзимга иссиқ кўринди. Бироқ эслаёлмадим. Шундан кейин бу йигит ўзини таништирди. Ўрнимдан туриб йигит билан омонлашдим. Бу ўша – бир вақтлар Маҳмуджон қамоқдан олиб қолган йигит экан. Ҳозир олийгоҳни битириб нуфузли идорада иш бошлаганини айтди. Мендан Маҳмуджоннинг ишлаш жойини сўради. Эшитишимча ўша куни йигит Маҳмуджоннинг олдига ўтиб, ўзининг миннатдорчилигини изҳор қилиб қайтибди. Бу йигит билан кейинчалик ҳам учрашиб турдик. Ҳар кўришганимизда алабатта у Маҳмуджон Камоловнинг номини алоҳида ҳурмат билан тилга оларди. Маҳмуджон инсон психологиясини яхши ўзлаштириб олган терговчи эди. Ҳаётда унинг ўз ҳурмати ва ўз ўрни бор эди. У билан суҳбатда бўлган одам хоҳ у жиноятчи бўлсин, хоҳ амалдор бўлсин, албатта Маҳмуджоннинг суҳбатини соғиниб қолади.

\* \* \*

### **Маҳамед САЛИМГАРИЕВ, Истефодаги милиция подполковниги.**

Урушдан қайтганимдан сўнг Поп туман ички ишлар бўлимида хизматни давом эттирдим. Дастлаб паспорт бўлимида, кейинчалик тергов гуруҳининг бошлиғи лавозимида ишладим. 1971 йилда Маҳмуджон Камолов бизнинг бўлимимизга ишга ўтди. Иккимиз тез орада дўстлашиб кетдик. Ёш ходим ўзининг бошқа ҳамкасбларидан тиришқоқлиги, меҳнатсеварлиги билан ажралиб турарди. Жиноятнинг турига қараб

Ўтирмасди. У гоҳ ўғирлик бўлсин, гоҳ қотиллик бўлсин бирдай ёндашарди. Тергов жараёнини пухта олиб борарди. Жиноятчига нисбатан ҳурмат билан қараган. Унинг битта пиринципи бўларди. «Бирорта жиноят оқибатсиз қолмайди». У пенсияга чиққунича шу сўзга амал қилди. Жиноятчи у кишидан ноҳақ жабр кўрмаган. Жиноятни яширишга, ёки жазони енгиллаштиришга, ҳеч қачон ҳаракат қилмади. Четдан кўнғироқ қилувчи, ишга ҳалақит берувчи кимсаларни ёқтирмасди. Бундан ташқари Маҳмуджон ким билан қандай гаплашишни, жиноятчининг қўйнига қандай қўл солишни, кўнғилдан кечаётган гапларни кўзидан уқиб оларди. Узоқ йиллар тергов идорларида ишлаган бу инсоннинг тергов иши на суддан, на прокуратурадан қайтмаган. Поп туманининг ҳудуди катта. Ходимлар етишмасди. Туманнинг гоҳ у, гоҳ бу қишлоғида тез-тез жиноятлар содир этилиб турарди. Эринмасдан бориб, жиноят сабабларини ўрганарди. Ҳафталаб эмас, балки қисқа муддат ичида аниқлаб қайтарди. Эринмасди, интилувчан, меҳнатсевар инсон эди. У билан бирга ишлаганимдан мен ҳамиша гурурланиб яшайман.

\* \* \*

**Жамолиддин КАМОЛИДДИНОВ,  
истефодаги милиция подполковниги.**

Маҳмуджон ака билан оға-ини тутингандик. У киши билан бирга ўтказган кунларим хотирамда муҳрланиб қолган. Ўз шогирдларига ўта меҳрибон ва талабчан инсон эди. Қобилиятли, иқтидорли шогирдлари билан фахрланарди. Уларни ўсишига кўлидан келганча ёрдам берарди. Бунга бир мисолни келтиришим мумкин. Варзиклик Шокиржон Ашурматов устознинг қалдирғоч шогирдларидан бири эди. Шокиржон ёш бўлишига қарамай ўз касбини севарди. Тунни-тун демай хизмат бурчини бажарарди. Ўзининг тиришқоқлиги ва меҳнатсеварлиги билан тез орада раҳбарларнинг ҳурматини қозонди. У пайтларда мен вилоят ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув бўлимининг бошлиғи вазифасида хизмат қилардим. Кунларнинг бирида Маҳмуджон ака.

– Шогирдларимдан бирини бўлимингга ишга қабул қилсангчи, – деб қолдилар.

– Ким экан? - деб сўрадим.

– Шокиржон Ашурматов, ўта меҳнатқаш, қобилиятли йигит. Ўйлайманки у сенинг ҳам ишончингни қозонади.

Эртаси куни Шокиржонни хонамга таклиф қилдим. Иккимиз суҳбатлашдик. Устоз адашмаган эканлар. Шокиржон тез орада ўзини кўрсатди. Берилган хизмат топшириқларини аъло даражада бажарди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Поп туман ички ишлар бўлимига ўтганимдан сўнг Маҳмуджон ака билан ёнма-ён ишлашимга тўғри келди. Шунда бу инсоннинг ўзга терговчиларда бўлмаган кўп хислатларини топдим. Қўли пок инсон эди. Оиласини, бола-чақаларини ҳалол, пешона териси эвазига топилган маош билан боқарди. Бўш пайтларида деҳқончилик билан шуғулланарди. Ёдимда, кимдир бу одамнинг устидан вазирликка шикоят хати жўнатибди. Унда «Маҳмуджон Камолов рухсатсиз ҳолда ер ўзлаштириб, тут кўчатлари экмоқда», дейилганди. Вазирликдан келган вакил, хатда кўрсатилган тут кўчатлари ўтқазилган ерни кўриш учун қирга борди. Баланд тепа устида кўкариб турган тутзорни кўриб, бир Маҳмуджон акага, бир қўлидаги хатга боқди. Уни ҳайрон қолдирган нарса бу ерга қандай қилиб сув олиб келинганлигида эди. Дилидаги сўзни яширолмади.

– Бу ерга сувни қаердан олиб келасиз? – деб сўради.

Шунда Маҳмуджон ака ўзи, аёли, бола-чақалари, опа-сингиллари ва мека онаси билан бирга ҳафтада бир маротаба ердан йигирма метр пастилқдан, икки юз метр масофадан пақирлаб сув олиб келиб, кўчатларни суғорганини сўзлаб берди. Текширувчи бу одамнинг меҳнатига, ғайратига қойил қолиб, шикоят хатини шу ернинг ўзида ёқиб юборганди. Бу ҳам бўлса Маҳмуджон аканинг меҳнатсеварлигини, оғир ишдан қочмаслигини, қалби ҳамиша яратиш ва яшнатиш иштиёқида бўлганлигининг намунаси эди.

Бир гап. Устознинг дўстлари кўп эди. Москвадан келган ҳамкасбимиз Маҳмуджон аканинг боғини кўриб, меваларидан татиб: «Сен, ўзбекнинг энг бой одами бўласан», – деганди. Бунга жавобан устоз: «Менга бойлик керак эмас, сендек биродарларим ўз қўли билан мен яратган боғдан бир дона мева узиб, ҳузур қилса, шунинг ўзи катта бойлик», – дегандилар.



## ТЕРГОВЧИ ХОТИРАЛАРИ

Мен олий милиция мактабини битириб, ички ишлар бошқармасининг йўлланмаси билан вилоятдан анча олис бўлган туманга ишга юборилганимда ҳаёт тажрибаси етарли бўлмаган ўспирин йигит эдим. Ота- онам кексайиб қолган, опаларим турмушга чиқиб кетишганди. Қийинчилик азобларини тортиб, ниҳоят, ўз юртимга қайтганимдан бағоят хурсанд эдим. Ўн беш кунлик таътил кўз очиб юмгунча ўтиб кетди. Елкамдаги мундирда икки дона юлдузча порлаб турарди. Хуллас, муддатидан олдинроқ бўлса-да, йўлланма берилган туманга ишга жўнадим. Туманга етиб келганимда қош қорайиб қолганди. Ички ишлар бўлимида навбатчи ва яна икки-учта ходимдан бошқа ҳеч ким йўқ эди. Раҳбарлар йиғилишга кетишганини айтишди. Олийгоҳни мендан икки йил аввал битириб келган, бу ерда терговчи лавозимида иш бошлаган танишимнинг хонасида тунаб қолишимга тўғри келди. Ярим кечагача танишим билан гурунглашдик.

Эртаси куни бошлиқ хузурига кирдим. Ёши эллиқдан ўтиб қолган, кўринишидан баджаҳл қиёфадаги, ўрта бўйли бу одам мен билан узок суҳбатлашди. Ортиқча насиҳат қилмади. Кўнглимни чўктирадиган гап айтмади.

– Ҳали ёшсан, астойдил меҳнат қилиб, тер тўкишингга тўғри келади ўғлим. Мен ҳам сендайлигимда милицияда иш бошлаганман. Бутун бир туманда атиги тўрт киши ишлардик. Хузур-ҳаловат нималигини билмасдик. Сенга бу соҳада фақат омад ва ҳалол меҳнат қилишингни, таъмагирликдан қочишингни, эл-юрт олдида виждонинг, қўлинг пок бўлишини хоҳлайман. Охунов шундай деб қўлимни маҳкам сиқиб қўйди.

19... йилнинг августидан жиноят-қидирув бўлимининг инспектори лавозимида иш бошладим. Бўлимда очилмай қолган жиноят иши йўқ эди. Беш йил ичида туманда содир этилган жиноят ишлари билан танишиб, шунга ишонч ҳосил қилдим. Бўлим бошлиғи ўттиз ёшлардан ўтиб қолган, озғин, камгап йигит эди. Асли исми Элбек бўлган бу йигитни ишхонадагилар Эдик, деб чақиришарди. Эдик билан тез орада тил топишиб кетдим. Иккимиз ҳам идорадан унча олис бўлмаган қаровсизгина бир бинода истиқомат қилардик. Кўп вақтимиз ишхонада ўтганлиги боис уйга кам борардим. Кўпроқ, чақирувга жўнаб кетардик. Туман вилоятда энг кўп ер майдонини эгаллагани боис олис қишлоқлар-

да содир этилган жиноятларни ўрганиш мақсадида баъзан кунлаб қолиб кетардик. Ўша кеча мен қаттиқ ухлаб қолгандим. Шофёр йигит тунги соат 10 ларда уйғотди.

Кўзнинг охириги кунлари бўлганлиги учун атроф- тевааракка барвақт қоронғулик чўкканди. Олисларда милтираётган чироқлар худди денгиз тубидаги марваридлардек ялтирарди. Машинанинг олдига тушиб олган тўлин ой мўл-кўл нурларини сочиб, борлиқни ёритганди. Шофёр йигит кўзларини бир нуқтадан узмасди. Кўзларимдан уйку кетмаганди. Киприкларимни зўрға кўтариб, гоҳи-гоҳида кимсасиз йўлга қараб кўярдим. Бўлимга келганимизда бошлиқ Охунов Эдик билан суҳбатлашаётган эди. Уларнинг юз- кўзларидан қандайдир ташвишли ифода акс этиб турарди.

– Дарёдан жасад чиқибди, – деди бошлиқ Охунов тунда чехрасини мен томонга буриб. – Зудлик билан воқеа жойига боринглар. Вилоятга хабарнома жўнатиб, ортларингдан етиб бораман! Бошлиқ «гапим тушунарлими», дегандек бизга каради, сўнг ичкарига кириб кетди. Эдик ўз касбининг устаси эди. Бундай пайтларда унинг мияси тез ишлар, қиладиган ишларини бир зумда кўз олдидан ўтказарди, кўпгина изкуварларда бўлганидек, унда тезкорлик мавжуд эди. Биз машинага ўтириб, жасад топилган қишлоқ томон йўл олдик...

## БОШСИЗ ЖАСАД

Машина асфальт йўлдан жануб томон елдек учиб борарди. Бир соат йўл юрдик. Туман маркази олисда қолди. Машина дала йўлига бурилди. Филдираклар остидан кўтарилган чанг димоққа урилди. Рўпарамиздаги дарёнинг бўтана суви ой нурида ялтирарди. Соҳилда гулхан ёқиб ўтирган уч йигит бизни қарши олди. Машина тўхташи биланоқ улар ўринларидан туришди. Саломлашиб, пастлик томон йўл бошлашди. Қирғоқда саксовул шохига илиниб қолган қопни кўрсатишди. Эдик кўлидаги чироқ билан қоп турган томонни ёритди. Йигитлардан бири тезгина ечиниб сувга тушди. У худди қармоқ пўкидек липиллаб турган қопни шохдан зўрға ажратиб олиб, соҳил томон судради. Қоп ҳаддан ташқари оғир эди. Уч киши кўтариб қирғоққа чиқардик. Чирмовуқдек ўраб ташланган бандини зўрға ечдик. Қоп ичидан қўланса ҳид анқирди. Эдик қопни ағдарди. Дастлаб зобит шинелига ўралган нарса, сўнгра боши танасидан узилган одамнинг жасади тушди. Жасаднинг кўкрак

қисми куйиб, қорайиб кетганди. У мисоли ёниб тугаган ғўлага ўхшарди. Шинел ичидан эса жасаднинг кесилган боши чиқди. Шишиб, чирий бошлаган жасадни таниш амри маҳол эди. Бу орада Охунов бошчилигидаги оператив гуруҳ ходимлари ҳам етиб келишди. Улар орасида криминалист ва суд тиббий экспертлари ҳам бор эди. Атрофга ёриткичлар ўрнатилди. Мурданинг сурати олинди. Хужжатлар расмийлаштирилди. Суд тиббий экспертизаси ходими мурдани кўздан кечирар экан;

– Жасаднинг сувга ташлаб юборилганига ўн беш кундан кўпроқ вақт бўлган. Дастлаб ўтда куйдириб ўлдирилган, сўнг боши узилган, – деди.

Мурда шаҳар суд тиббий экспертизасига олиб кетилди. Эксперт ва бошқа мутахассислар икки ҳафта давомида мурданинг ташқи қиёфасини тиклаш учун куну тун меҳнат қилишди. Ниҳоят, фоторобот ёрдамида қиёфаси асл ҳолига келтирилди. Эдик иккимиз мурданинг қайси қишлоқдан оқиб келганлигини аниқлаш мақсадида қўшни туманларга бориб келдик. Афсуски, бу қишлоқларда бедарак йўқолган кимсалар топилмади. Касбимнинг нақадар машаққатли, заҳматли ва айни пайтда халқ учун зарур эканлигини ўшанда тушуниб етдим. Беҳаловат ўтган кунларнинг бирида қўшни тумандан телефонограмма олдик. Унда фоторобот ёрдамида ташқи қиёфаси тикланган одамга ўхшаш шахс Марғизор қишлоғида яшаши айтилганди. Эдикнинг ишлари кўпайиб кетганди. У Марғизорга мени юборди. Бошлиғимнинг ишончини оқлаш учун ўзимнинг ҳамма куч ва билимимни сарфладим.

Расмдаги шахснинг уйини излаб топдим, аёли бор экан.

– Эрим савдо ишлари билан бир ой муқаддам Сибирга кетганлар, – деди аёл. У дадил ва эркин гапирди. Эрининг қачон қайтишини сўрадим.

– Бир ой ичида қайтсалар керак, – деди аёл. Унинг кейинги сўзлари юрагимда шубҳа уйғотди. Назаримда, у ниманидир яшираётгандек туюлди. Эрининг беш ойдан бери Сибирда юриши ақлга сиғмасди.

Қишлоқни айланиб, Каримжоннинг (марҳумнинг исми шундай эди) таниш-билишлари билан суҳбатлашдим. Улар ҳам аёлининг сўзини такрорлашди.

Каримжоннинг уйдан чиқиб кетган куни билан унинг жасади топилган кун ўртасида қандайдир узвий боғлиқлик бордек туюлди. Йигитнинг саксон ёшли отаси бўлиб, у қишлоқнинг чекка жойида ёлғиз ўзи истиқомат қилар экан. Қария мени хушламай кутиб олди. Бир қарашда қўпол,

камгап ва кўрс одамга ўхшарди. Қариянинг кўнглига йўл топишга уриндим. Бир дам ўтган-кетганлардан гаплашиб ўтирдик. Афтидан, сўзларим чолга хуш ёқди чоғи, дил қулфи очилиб, мен билан анча суҳбатлашди. Ниҳоят, ўзим билан бирга олиб келган шинелни кўрсатдим. Кутилмаганда унинг ранги оқариб кетди.

– Нега бундан қон ҳиди келаяпти? Буни қаердан олдинг?! - деди қўллари титраган ҳолда ва менга яқин келди. Унинг важоҳати хунук эди. Қария ҳозир ёқамдан олади ва қўллари билан бўғиб, «Ўғлимга нима килди, қаерда у?», дея сўроқ-саволга тутади, деб ўйлагандим. Нима дейишимни билмай қолдим. Қария менга яқин келди ва паст овозда сўради.

– Ёлғизгинамга бирор гап бўлдим, ахир, у қишлоқда бир ойдан бери кўринмай қолди...

Нима дейишимни, қарияни қандай юпатишни билмадим. Бор ҳақиқатни қарияга сўзлаб беришга мажбур бўлдим. Қария сўзларимни йиғлаб-йиғлаб эшитди.

Ойиниса опа менда шубҳа уйғотди. Яна унинг хонадонига йўл олдим. Бу гал у билан жиддий суҳбатлашдим. Саволларимга қийналиб, баъзида тутилиб жавоб қайтарар экан, кўзларида аччиқ ёшлар ҳалқаланди. Сўридаги шолчага тез-тез нигоҳ ташладим. Ойиниса опа ҳаракатимни сезиши учун шолчанинг бир бўлагини кўтариб, орқасига қараб қўйдим. Шунда у ўзини йўқотиб қўяй деди. Шолча мурда ўралган матога ўхшаш эди. Пояндоз илғари бутун бўлганлиги, кейинчалик ўртасидан иккига бўлингани билиниб турарди. Сабрим чидамади. Сумкадан шолчани олдим. Шунда Ойиниса опа уввос солиб йиғлаб юборди. У икки қўли билан менинг билагимдан тутди:

– Кўрсатманг, кўрсатманг, ука, бас, яширинг!! Юрагим адо бўлади.

Ойиниса опанинг йиғиси оддий йиғи эмасди. Ич-ичидан отилиб чиққан фарёд бир неча кунлардан бери юрагининг тубига чўккан дарду аламни ўзи билан ташқарига олиб чиқарди. Аёл узок йиғлади. Мен унга сув тутдим, юпатдим, тасалли бердим. Шундан кейин Ойиниса опа ўзига келди... Жирканч ва шармандали воқеани ёдга олишдан ҳазар қилгандек қўл-оёқлари титраб, хиқичоқ тутиб, ниҳоят, ёрилди...

– Мен қўшни қишлоқдан Каримжонга иккинчи рўзғор бўлиб тушганман, – дея сўз бошлади аёл. – Эрим мактабда болаларга дарс берарди. Турмушга чиқаётганимда ўзим билан ўн икки ёшли ўғлимни ҳам бошлаб келгандим. Эрим мактабда энг кўп ойликни олар эди. Бироқ бир тийин йўқотиб қўйса, туни билан ухламай чиқарди. Берухсат меҳмонга дастур-

хон ёзолмасдим. Ҳовлидаги пишган нокни санаб кўярди, десам ишонмайсиз. Ўн йилдан кўпроқ у кишининг инжиқликларини кўтардим, чидадим. Бу орада қанча- қанча байрамлару, ҳайитлар ўтди. Эгнимдаги кийимим эскириб, тўкилди. Ямоқ тушмаган жойи қолмади. Байрам ҳафтаси эди. Ишга кетаётганларида:

– Эгнимдаги лозимим йиртилиб, адо бўлди, қайтишингизда бирор кийимлик мато олиб келинг! – дедим кўрқа-писа.

Каримжон кўча эшикка бориб қолганди, тўхтаб менга қаради. Кўкариб кетган лабларининг билинар- билинмас титраётгани сезилиб турарди.

– Ишдан келиб, ўзим сенга янги лозим тикиб бераман! – дедилар. Бу гапни нима мақсадда айтди, билмадим-у, аммо суюндим. Ишдан қайтишларини орзиқиб кутдим. Бисотимдаги ширин сўзларим билан кутиб олдим. Бироқ, қўллари бўм-бўш эди. Юрагим шув этди. Балки иш билан бўлиб эсларидан кўтарилгандир, деган хаёл юрагимга юпанч солди. Орадан икки соат ўтиб, ичкаридан чиқдилар. Қўлида мато.

– Мана, сенга лозим! – деди ўн беш хил рангда товланиб турган матони кўрсатиб. – Ишонасизми, у бир боқишда байроққа, бир қарашда қизчаларнинг қўғирчоғига ўхшарди. Хўрлигим тутди, йиғлаб юбордим. Шунча йил бир ёстиққа бош кўйиб топган обрўйим шу бўлдимми? Бу қандай кўргулик, қандай шармандалик?! Биров кўрса нима дейди? Шу тун сабр косам тўлиб, унга бўлган меҳрим қаҳрга айланди. Ўзимни кўярга жой тополмай, кўз ёшларимни тўхтатолмасдим. Уйқум ҳам келмади. Ярим тунда оғилдан ойболтани олиб чиқдим. Пишиллаб ухлаб ётган эримнинг тепасига келдим. Шунда кўзим осмондаги ойга тушди. «О, ҳаёт, сен қанчалар ширинсан? Сени тарқ этгим келмайди! Нега энди шу ширин ҳаётдан мен бенасибман?! Гуноҳим нима? Қачонгача хўрланишим керак? Бор-ей, деб уйни ташлаб кетай десам, ўғлимнинг ёши улғайиб қолган. Ота-онам аллақачонлар ўлиб кетган. Бошим сиғадиган бошпана бўлмаса. Қаёққа бораман?» деган хаёллар миямда чарх урарди. Бўйгинангдан опанг ўргилиб кетсин, укагинам-а, ўша тун мени шайтон йўлдан оздирди. Қўлимдаги ойболтани қандай қилиб бошим узра кўтарганимни ўзим ҳам пайқамай қолибман... Қўлимни қонга белаб, ташқарига чиққанимда эл уйқуда эди.

Аёл гапиролмади. Кўзидан ёмғир мисол тўкилаётган ёшлар, ичидан отилиб чиқаётган хўрсиниқ унинг бўғзидан олганди. Билдимки, юрагини нимадир гижимламоқда. Аёлнинг сўзларини тинглар эканман, ўз



болалигимни эсладим. Отадан ўн ёшда етим қолганман. Негадир онам бошқа рўзгор кўришни истамадилар. Умрларининг охиригача ёлғиз ўтдилар... Балки, «ўғлим ўгай ота қўлида ўксимасин» дегандирлар...

Ўша куни Ойиниса опанинг фарзанди Ботиржон билан ҳам суҳбатлашдим. Ботиржон шаҳарга тушиб кетган экан, кечки пайт қайтди. Ойиниса опа ўғлини ёнига чақириб:

– Болам, бу киши милиса эканлар, дадангнинг иши юзасидан келибдилар. Мен бор гапни айтдим. Ўша куни нимани кўрган бўлсанг ҳаммасини сўзлаб бер, деди.

Ботиржоннинг ранги ўзгариб кетди. Афтидан, ўзини қандай жазо кутаётганлигини билди, шекилли, беҳолгина ёнимга ўтирди. Йигитнинг мўйлови эндигина сабза урганди. Ўқиб, илм ўрганадиган бир пайтда жиноят кўчасига кириб қолганидан пушаймонлигини ҳолатидан сезиш қийин эмасди. Шу сабаб йигитни ўз ҳолига қўйдим. Ўзи сўз очмагунча гапирмадим. Ниҳоят, бошини кўтарди. Ёшга тўлган кўзларини қаерга яширишни билмай дудуқланиб гап бошлади:


– Кимнингдир хириллаб нафас олишидан уйғониб кетдим. Уйнинг чироғи ёниқ эди. Ичкарига кирсам, онам қўлида қонга ботган болтани ушлаганча ҳайкалдек қотиб турарди. Дадамнинг бўйнидан шаррос қон оқиб, танаси типирчиларди. Онамни бу мудҳиш ишга қўл уришга мажбур қилган нарса дадамнинг бемехрлиги, шафқатсизлиги, адолатсизлиги оқибати деб билдим. Онам унинг хўрлашларига, камситишларига, ҳаттоки калтаклашларига бардош бериб яшади. Бугун тўғриси айтман, дадам мунтазам мени ўртоқларим олдида камситиб келарди. Шу боис ўлиб ётган дадамнинг афтига қарашга, ачинишга ўзимда куч топа олмадим.

– Қўйинг, эна, йиғламанг, бўлар иш бўлди, кўз ёш тўкканингиз билан дадам тирилмайди, – дедим.

Йигит гапида давом этди.

– Энам ёмғирда қолгандек дилдирарди. «Энди бирор чора ўйлаб топайлик. Ҳали замон тонг ёришади, кўчалар одамларга тўлади», дедим зўрға.

Бундай пайтларда одамнинг хаёлига нималар келмайди. Ҳовлига чуқур қазиб қўймоқчи ҳам бўлдик, бироқ бу ишимиз қачондир ошкор бўлиб қолишидан қўрқдик. Миямга «ёқиб юбориш керак», деган фикр келди. Ҳовли ўртасига ўтин тўпладим. Бир шиша керосин сепиб, гугурт қақдим. Гуриллаб олов ёнди. Қон-қушга беланган дадамнинг жасадини



олиб чиқдим-да, сўнг олов ичига ташлаб юбордим. Уфқ аста- секин бўзариб келмоқда эди. Аланга илондек тилини чиқариб, вишиллаб кўкка ўраларди, онам кўрқиб кетди. «Оловни ўчир, кўни- кўшнилар бу ерда ёнгин бўлаяпти, деб, югуриб чиқишмасин», деди. Олов тобора ваҳимали тус оларди. Жасаднинг сочлари, эгнидаги кийимлари бир зумда ёниб куйди. Амаллаб ўтти ўчирдик. Олов ичидаги жасад таниб бўлмас даражага келганди. Унинг калласини кесиб олдим-да, шинелга, танани шолчанинг бир қисмига ўрадим. Қопга солиб, велосипедга юклаб, Қорадарё томон йўл олганимда тонг ёриша бошлаганди...

Ботир гапини тугатди. Сўнг бошини кўтариб, менга қаради.

– Бор гап шу, – деди пичирлаб. Мен ҳам ўрнимдан турдим. Ойиниса опа ичкарига кириб кетди. Хиёл ўтмай бошига рўмолини ташлаб чиқди. У ўзини қонун ихтиёрига топширишга тайёр эди.

## ДЕВОРГА САЧРАГАН ҚОН

Мен бир пайтлар бу ерга ишга келганимда тажрибали ходимлар йўқлигидан бир оз дилим ранжиган эди. Ҳаётнинг ўзи инсон учун тажриба мактаби экан. Қолаверса, бўлим бошлиғи Эдик ҳам унча- мунча изқуварлардан қолишмасди. Жиноятчилар билан шундай тил топишиб кетарди-ки, баъзида «Бу уларга шерик эмасмикин» деган шубҳали хаёл кўнглимдан кечарди. У жиноятчиларга нисбатан дўқ- пўписа қилмасди, айрим изқуварларга ўхшаб столни муштламасди ҳам. Аксига олиб жиноятчилар ҳам бу изқувар йигитнинг қандай қилиб кўнглидаги гапларни уқиб олаётганидан ўзлари ҳам ҳайрон бўлишарди. Қотиллик билан боғлиқ бўлган ушбу жиноят ишини ҳам иккимиз биргаликда очгандик...

...Тун ярмида кўча эшик тақиллади. Умарнинг кўзларига уйқу келмаганди. У ёстикдан бошини кўтарди ва паст овозда «ким» деб сўроқлади.

– Бу мен, Фафурман, – деди эшик ортидаги кимса.

Уй эгаси ўрнидан турди. Гандираклаб бориб эшикни очди. Фафур ўзини ичкарига урди.

– Қочдингми? – кўрқа- писа сўради Умар.

– Беш кунга рухсат беришди, атайлаб сенинг олдинга келдим!...

Фафурнинг сўзи уй эгасини титратиб юборди. Ноилож меҳмонга кўрпача солди. Фафур тиз чўқди.

– Менга қара, Умар, – деди меҳмон уй эгасининг уйқусираган

кўзларига тикилиб. – Қорним оч, бирор егулигинг бўлса олиб кел!

Умар овқат тайёрлаётганда ҳам Фафурнинг нима мақсадда келганини ўйлади. «Ишқилиб, бирор ишкали чиқмасинда», деган хавотирли ўй кўнглига бир парча муз солди.

– Ўғирликни иккимиз қилдик, аммо сени сотмадим! Айбни бўйнимга олдим. Сен учун мен турмада азоб чекаяпман. Эшитишимча, бирор маротаба бизнинг уйга ўтмабсан?!

Умар бундан олти ой муқаддам содир этган ўғирликни эслади. Ўшанда Фафурга қўшилиб қўшни қишлоқдаги бир одамнинг бўрдоқига боқётган сўқимини ўғирлашганди. Бозорда молнинг эгаси таниб қолди. Фафур қўлга тушди. Ҳамма айбни бўйнига олиб, қамалиб кетди. Турмага кетаётганда, «ортимдан борарсан» деганди. Бирор ишининг тайин- туйини бўлмаган Умар йўл кирага ҳам пул тополмади.

...Умар овқатни иситиб, Фафурнинг олдига қўйди. Тунги меҳмон курук келмаганди. Ёнидан ароқ олиб, иккита пиёлага тўлдирди. Икки дўст бир симиришдаёқ пиёлаларни бўшатди.

– Менга 100 минг сўм пул керак? – ниҳоят, Фафур нима мақсадда келганлигини ошкор қилди. – Жуда зарур, ўйинда бой бердим... Тақдирим шунга боғлиқ.

– Юз минг! – ҳайратдан Умарнинг юзлари оқариб кетди. – Ҳазил-лашаяпсанми, менда бунақа пул йўқ! Зўрга кунимни кўриб яшаяпман!

– Менга қара, Умар, бизнинг даврамизга тушдингми, тамом, бошқа гап бўлиши мумкин эмас. Акс ҳолда, ўзингга ёмон бўлади!

Фафур яна пиёлаларга ароқ қуйди. Иккинчи қадахдан сўнг Умар бир оз дадиллашди.

– Нима, йўқ десам урасанми?! – деди шеригининг афтига қараб.

– Мени тушунмадинг дейман, боя айтган пулни ернинг тагидан бўлса ҳам топасан!

– Сен билан атиги бир маротаба ўғирликка бордим, қандай қилиб сенга шерик бўлиб қолишим мумкин? Орамиз очиқ, мен сени танимайман!

– Шундай де, – кайфи ошган Фафур қўлига тиралиб ўрnidан турди. Умар жағига тушган тепкидан гандираклар ерга йиқилди.

– Яхши, – деди Умар кафтининг орқаси билан қон сизиб чиқётган лабини артар экан, – бир дақиқа сабр қил. Ҳаммаси сен айтгандек бўлади.

Фафур ўрнига ўтирди. Умарга ўз уйида келгинди бир кимсадан калтак

егани алам қилди. У ошхонага ўтди. Токчадаги тешани костюмининг ички чўнтагига солиб қайтди. Кайфи кўтарилган Фафур пиёлага ароқ қуймоқчи бўлиб, энкайганда Умар тешани чўнтагидан олди...

Фафур турмага қайтмади. Уйдагилар уни кута- кута тоқатлари тоқ бўлди. Акаси, «Балки, бизга индамай турмага кетгандир», деган хаёлга борди. Она катта ўглини Оҳангаронга жўнатди. Бироқ у ердагилар Фафурни қайтмаганини айтишди. Шундан сўнг жиноятчининг акаси туман ички ишлар бўлимига ариза билан мурожаат қилди. Аризани менга топширишди. Эртаси куниёқ Фафур билан боғлиқ бўлган воқеаларни ўрганишга киришдим. Қўшқайрағоч қишлоғига ўтиб, Умарни излаб топдим. Кўплаб одамлар Фафурни шу қишлоқда кўришганини айтишганди. Қишлоқда фақат Умаргина у билан алоқа қиларди, холос.

Кўринишида содда, меҳнаткаш йигитга ўхшаган Умарнинг бир оз хаяжонланишини ҳисобга олмаганда ҳар бир гапни шошмасдан, ўйлаб гапирарди. Бир қарашда у менда ҳеч қандай шубҳа уйғотмади. Гаплари ростдек эди.

– Бундан етти кун муқаддам Фафур уйга келди. Бир оз суҳбатлашиб ўтирдик. Гап орасида Наманганга боришини айтди ва тезгина жўнаб кетди.

– У сизнинг олдингизга қайси пайтда келди ва уйингизда неча соат ўтирди?! – сўрадим ундан. Умар бошини қашлади.

– Тўғриси айтсам, бунин билмайман...

– Кечки пайт келганмиди ёки кундузимми?

Шу савол билан уни қармоғимга илинтиришим мумкин эди.

– Кундузи соат учларда, – деди Умар бир оз ўйланиб.

– Лекин сиз кеч соат еттигача қишлоқ гузариди бўлгансиз. Сизни кўрган одамлар бор?!

Умарнинг юзи оқарди. У ўзининг ёлғон кўрсатма берганини тушунди. Лекин отдан тушса ҳам эгардан тушмади.

– Мен бир саводсиз одамман, ука, қўлимда соатим бўлмаса, келган одам мен палон соатда сенинг олдинга келдим демаса, мен қаёқдан билай. Хуллас, ўша куни Фафур уйимга келди-ю кетди-да!

Умар гумондор сифатида қамоққа олинди. Фафурни қидириш ишлари давом этарди. Гумондорнинг уйига бориб текширув ўтказдим. Ховли деворидаги қон доғлари диққатимни тортди. Сачраган қон доғлари қотиб, қорайиб қолганди. Доғлардан нусха кўчирдим. Ўша куниёқ суд тиббий экспертизасига олиб бордим. Қон одамники эканлиги аниқлан-

ди. Умарга бўлган гумоним янада кўпроқ ортди. У ётган камерага миттигина овоз ёзгич мосламасини ўрнатиб қўйдим. Хонага ҳеч кимни киритмасликни тайинладим. Ўша куни қор ёғди. Эрталаб Умар тўйнуқдан ташқарига боқиб, бир қарич ёққан қорни кўрди-ю, «хайрият-ей», деб юборганини ўзи ҳам сезмай қолди. Гумондорни сўроққа олиб чиқдим.

– Уйингиздан деворга сачраган қон доғларини топдик, – дедим Умарнинг ич-ичига ботиб кетган кўзларига қараб.

– Қўй ўғирлаб, уйда сўйгандим, – деди гумондор гапим тугамасданок.

– Бироқ қон қўйники эмасда.

– Гапимни охиригача эшитмадингиз, – дедим мен ҳам унинг сўзини бўлиб. – Қон қўйники эмас экан, бу одам қони эканлигини суд тиббий экспертизаси тасдиқлади!

– Нима, сиз мендан шубҳаланаёпсизми? Айбни менга тўнкамоқчимиз? Билиб қўйинг, Фафурни мен ўлдирмаганман! Унинг йўқолишига менинг алоқам йўқ. Бундан ташқари сиз аввал унинг ўлик-тириклиги ҳақида далилий ашё топинг! Балки у турмада ўтиришни хохламай қочиб кетгандир!

– Сизга сўнгги савол: нима учун ташқаридаги қорни кўриб «хайрият-ей», деб юбордингиз?

Умарнинг кути ўчди. Лекин ўзини тезда қўлга олди.

– Қор ёқса ким қувонмайди? – деди бепарволик билан у.

Эртаси куни ҳаво исиб кетди. Ёққан қор ер остига сингди. Гумондорнинг ҳовлисини квадрат шаклида қазиб чиқдик. Бироқ нам тепчиб турганлиги боис ҳамма томон бир хил эди. Ниҳоят, бўшлиқ эътиборимизни тортди. Бир метрча чуқур қазилгач, курак қандайдир жисмга тегди. Қуёш нурлари чуқур ичидаги тупроққа қоришиб кетган ҳаво ранг матони ёритиб турарди. Фафурни сўнгги маротаба кўрганлар унинг эғнида шундай қўйлак борлигини айтишганди. Бу ҳақда ички ишлар бўлими бошлиғига, туман прокурорига хабар бердим. Орадан кўп ўтмай тезкор гуруҳ ходимлари ўзлари билан бирга Умарни ҳам олиб келишди. Бу орада мурдани ер остидан қазиб олгандик. Умар ҳовлида ўзи қазиган қабр тепасига келди-ю, ерга мук тушганча ўтириб, йиғлаб юборди...

## ҚОТИЛГА АЙЛАНГАН ЭР

Эрталабданоқ Бахтиёрнинг таъби тирриқ эди. Кўнглига чироқ ёқса ёришмасди. Кейинги пайтда аёлининг кийинишга, қимматбаҳо буюмларга зеб берганидан кўнгли нотинч эди. Аксига олиб, бугун тонгдаёқ аразлагандек отасиникига жўнаб кетди. Бахтиёр турли ўй-хаёллардан боши қотиб, куннинг кеч бўлганини ҳам сезмади. Уйига қелганда ҳовлининг чироғи ўчиқ эди. Хотинининг қайтмаганидан юраги баттар ғаш бўлди. Овқатланмасдан ётиб олди. Туни билан тушига қандайдир кўрқинчли маҳлуқлар кириб, алаҳсираб чиқди. Бахтиёр эрталаб кечроқ уйғонди. Нонушта қилиб, қўшни қишлоқда яшовчи қайнотасиникига йўл олди.

Зулфиянинг Чуст туманига келин бўлиб тушганига ҳам ўн йил бўлди. Келинлик даврида кўни-кўшни аёлларга кўшилиб далага чиқди. Ҳомиладор бўлди-ю, ишини йиғиштирди. Чақалоғи улғайиб қолганда ҳам далага чиқишни хоҳламади. Бу орада иккинчи фарзандига ҳомиладор бўлди. Икки ўғилни катта қилди. Ҳозир улар мактабга қатнашмоқда. Рўзғорда камчиликлар вужудга кела бошлади. Бахтиёрнинг топгани оиласини тебратишга зўрға етарди. Зулфия бундай ҳаётга кўниқолмай қолди.

Кўча эшикни Зулфия очди. У эрини кўрди-ю, юзини терс бурди.

– Тинчликми, нега икки кундан бери дарагинг йўқ?!

Аёл қовоқ уйди. Эрининг кўзларига тик боқди.

– Энди ўша алмисоқдан қолган уйингизни елкамнинг чуқури кўрсин!  
Қайтиб изимни босмайман!

Ичкаридан чиққан Арслон ака қизининг ўрнига жавоб қайтарди.

– Гулдек фарзандимни сенга чўриликка бермаганман. Бу ҳам ўз тенг-тўшлари каби ўйнаб-қулиши керак! Болаларни сенинг қўлингга қаратиб қўймайман!

Бахтиёр қайнотасидан бундай жавобни кутмаганди. Ёши ўтиб қолган, ҳеч бўлмаса кизига насихат қилар, деб ўйлаганди. Бундай кўпол муомаладан йигит ўзини йўқотиб қўйди.

Бахтиёрнинг бир ташвиши икки бўлди. Ҳафсаласи пир бўлиб уйига қайтди. Орадан бир ой вақт ўтди. Бахтиёр ҳаммадан ҳам фарзандларини кўпроқ соғинди. Ҳар куни тушларига кирарди. Бу орада Зулфия ўзи яшаб турган қишлоқдаги тикувчилик цехига ишга кирди. Болаларини

боғчага жойлади. Буни эшитиб йигитнинг кўнгли кўтарилди. Бу орада у аёли ишлаётган корхонага икки-уч маротаба ўтди. Ота-онасининг газабидан кўркқан Зулфия эрига кўриниш бермади. Бахтиёр аёлининг ишдан қайтишини пойлаб, унинг йўлига чиқди.

Кузнинг охирлари бўлганлиги учун атрофга тезда қоронғулик чўкканди. Узоқдан кимнингдир қораси кўринди. Бахтиёр аёлининг юришидан таниди.

– Зулфия! – деди у аёлининг йўлига чиқиб. – Мендан ўзингни олиб қочма. Яхшиси уйга қайт. Болаларимни соғиндим, уларни кўргим келяпти.

Аёлнинг назарида эрининг сўзлари уни мажбурлаётгандек туюлди. Фаши келди.

– Энди орамиз очиқ, бирга яшаб кетолмаслигимизга кўзим етди. Билиб қўйинг, бу юришингизда бола- чақангиз эмас, ҳатто ўзингизни ҳам боқолмайсиз! Келинчак бўлиб уйингизга қадам босганимдан бери битта пальтонинг зорини қиламан!

– Ахир сенда бир эмас, иккита пальто бор! Яп- янги, шкафта турибди.

– У пальто моладан қолган! – эрининг гапини бўлди Зулфия. У бир сониядаёқ ўзгариб қолди. Оғзидан боди кириб, шоди чиқарди. Эрини «косовга илиб, кулга беледи». Худди бегона одамдек жеркиб ташлади. Унинг гаплари Бахтиёрга оғир ботди. Ўзини қўлга олишга куч тополмади. Аввал тилига, сўнг қўлига эрк берди. Этигининг кўнжидаги пичоқни суғуриб олганини ўзи ҳам сезмай қолди. Пичоқни Зулфиянинг кўксига беш маротаба санчиди. Қонга беланган аёл ерга йиқилди. Бахтиёрнинг кўз ўнги қоронғулашиб кетди. Шу дам ўзига келгач, юрагини кўркув эгаллади.

Бахтиёр жонсиз аёлнинг кўксига пичоқни суғуриб олди. Жасадни кўтариб, адирлик ичкарасига олиб кириб кетди. Йўл ёқасидан ўттиз қадамча ичкарида жарликни иккига ажратиб жилға оқарди. Жилға суви қуриб, тепада балқиб турган ой нурида харсанг тошлар қорайиб кўзга ташланарди. Бахтиёр жасадни чуқурликка ташлаб юборди. Бироқ, бу билан жиноятни яшириб бўлмасди. Бугун бўлмаса эртага кимнингдир назари тушиб қолиши мумкин? Нима қилиш керак? Қандай қилса мурдани одамлар нигоҳидан яшириш мумкин! Бахтиёрнинг боши қотди. Қоронғу кеча қўйнида, кимсасиз жарлик тепасида нима қилишини билмасди. Ниҳоят, у ортага қайтди. Машинасидан бензин олди. Яна мурданинг тепасига келди. Димоғига мой ва қоннинг уйғунлашиб кетган

хиди урилди. Бензинни мурданинг устига сочди. Гугурт ёқиб, унинг жасади узра ташлади. Зулмат пардасини ёриб, қип-қизил аланга тепага кўтарилди. Йигит бу манзарага бироз совуққон нигоҳларини қадаб, тикилиб турди-да, машинасига ўтириб, қишлоғи томон қайтиб кетди...

Собир ака қўштиғ милтиғини елкасига олиб, тўрт жуфт каклик кўтарганча тоғдан тушиб келарди. Овининг бароридан келганига мамнун эди. Кеч қолганидан афсусланмай, суви қуриб қолган ирмоқдан пастга тушиб келарди. Икки чақиримча олисда гуриллаб ёнаётган алангага кўзи тушди. Бироқ аланга кўкка чўзган қип-қизил тилини бир зумдагина йиғиштириб олди. Етиб келганда ўт ҳам сўна бошлаган, фақатгина бир уюм чўғ милтираб турарди. Тунги эпкин қандайдир қўлланса хидни димоғига урди. Яқин келганда одамнинг лахта-лахта жасадига кўзи тушди...

Чуст туман Ички ишлар бўлимининг Маҳмуджон Камолов бошлиқ тезкор қидирув бўлими ходимлари ушбу жиноят ишини уч кундаёқ очишди. Тергов-суриштирув жараёнида Бахтиёр ўз айбига иқроп бўлди. У қилмишига яраша суд ҳукми билан узоқ йилга озодликдан маҳрум этилди.

## ФИРИБГАР ҚОТИЛ

Хаммаси оддийгина ўғриликдан бошланди. Маъмуржон ўзи ишлаётган «Олтинкон» шахтасидан 40 литр МГ-8 автолини яширинча олиб чиқди. Харидор ҳам шуни кутиб тургандек йўлда учраб қолди. Алишер Дадабоевга 4300 сўмга пуллади-ю, кўнгли кўп нарсаларни тусаб қолди. Ўзига қарашли бўлган мотоциклга ўтириб, қишлоққа йўл олди. Бекатга етганда тезлигини пасайтирди. Йўл четида турган кўҳликкина жувон унинг кўзига ўтдек кўринганди. Бу орада мотоцикл анча юқорига ўтиб қолганди. Йигит қайтиб келди. Юрагини безовта қилган жувонни таниганди. Дўстларидан бирининг хотини Гулноза эди. Икки-уч ойча муқаддам ундан 3000 сўм қарз олганди. Аёл йигитни кўриб берган қарзи ёдига тушди.

– Кўринмай қолдингиз? – деди аёл юзида табассум билан.

Маъмуржон уни нимага шаъма қилаётганини тушунди. Назарида аёл ўзгариб, тўлишиб кетгандек туюлди. Унинг боқиши йигитнинг юрагига чўғ ташлаганди. Нияти бузилди. Мотоциклини четроққа қўйиб, аёлга



«Сиз шу ерда туринг, мен hozир», деди-ю, рўпарадаги дўконга кириб кетди. Сал ўтмай бир шиша ароқ, колбаса ва салқин ичимликлар кўтариб чиқди.

– Сизни қаердан топсам экан, деб қидириб юргандим. Омадли йигитман-да, йўлимдан чиққанингизни қаранг!

Маъмуржоннинг сўзлари Гулнозанинг қулоғига «Қарзимни тўламоқчи бўлиб, излаб юргандим», дегандай туюлди. Йигитнинг ишораси билан мотоциклга ўтирди. Бироқ мотоцикл қишлоққа эмас, бошқа томонга йўл олди. Аёлнинг юрагига гулгула тушди. Унинг «қаёққа олиб кетаяпсиз» деган сўзлари мотоциклнинг шовқинида йигитнинг қулоғига чалинмади. Ярим соатча йўл босишгач, улар ҳеч ким яшамайдиган адирлик ичига кириб боришди. Атрофда одам кўринмасди. Бунинг устига куюш ботиб, борлиқ узра қоронғулик ўз чодирини ташлаганди. Йигит ўзи билан олиб келган ароқдан бир-икки пиёла ичгач, аёлга тегажўқлик қилди. Кўзларида ҳайвоний ҳирс ўти ёнди. Гулноза ўзини йигитнинг қучоғига топширишни истамасди. Бир илож қилиб қочиб қолди. Эртаси куни Гулноза Маъмуржоннинг турмуш ўртоғи Баҳринисога эрининг хурмача қилиқлари ҳақида сўзлаб берди. Баҳринисога бу гап алам қилди. Аёлни тегишли идораларга ариза билан муурожаат қилишга ундади. Маъмуржон уйига қайтгач, эр-хотин ўртасида жанжал кўтарилди. Аламига чидаёлмаган Баҳринисо:

– Гулнозага тегажўқлик қилганингизни эшитдим, уни тегишли идорага шикоят қилишга кўндирдим. Мен бунга гувоҳлик бераман, – дея турмуш ўртоғидан қасос олмоқчи бўлди. Маъмуржон шарманда бўлишдан кўрқиб кетди. У нима қилиб бўлса-да, аёлининг оғзини юмишга ҳаракат қилди. Ўйлаб-ўйлаб охири бир қарорга келди.

– Қани хотин, кийин. Чодакка бориб, самоварда ош қилиб, дам олиб келамиз, – дея аёлини саёҳатга таклиф қилди. Баҳринисонинг дили ғаш эди. Эрининг таклифи мойдек ёқди. Эр-хотин мотоциклда йўлга отланишди. Улар «Олтинкон» руднигини қазिश жараёнида ҳосил бўлган сунъий кўл бўйига келишди. Пастлик томон юришди. Баҳринисо табиат гўзаллигига маҳдиё бўлиб, теварак-арофдан кўз узмасди. Маъмуржон бу ерда ҳеч ким йўқлигидан кўнгли таскин топиб, қулай фурсатни кутди. Баҳринисо турмуш ўртоғининг юрагидаги ниятидан беҳабар эди. Табиатнинг гўзал манзараси уни мафтун этарди... Бирдан у қалқиб кетди. Бошига тушган зарбадан кўзларидан ўт чақнади. Ўзига келмасдан иккинчи зарба тушди. Бу гал аёл мувозанатини сақлолмай йиқилди.

Юзи қиррали тошларга ботди. Беҳуш ҳолга келди. Бироқ Маъмуржон боягидан баттарроқ жазавога тушди. Аёлининг дуч келган жойига тепа бошлади. У типирчилар, инграрди. Оғзидан ва бошидан қон сизиб чиқарди. Унинг қоп- қора сочлари қонга бўялди. Ниҳоят, аёл жон таслим қилгач, Маъмуржон енгил тин олди. Энди у жасадни йўқотиш тўғрисида ўйларди. Мотоцикл охуридаги қоп ёдига тушди. Югуриб уни олиб келди. Хали совуб улгурмаган жасадни қопга солди. Жасад сув юзига қалқиб чиқмасин, деб қандайдир темирни ҳам тиқиштирди. Унинг назарида Баҳринисонинг жсади топилмайдиган, ўзининг қотиллиги сирлигича қолиб кетадигандек эди. Бироқ, Чуст туман ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларининг тезкор ҳаракатлари натижасида қотиллик фош этилди. Маҳмуджон ака Камолов ҳам ушбу жиноий ишни очишда фаол иштирок этди. Қотил қилмишига яраша жазо олди.

## ЧОЙХОНАДАГИ ҚОТИЛЛИК

Қишлоқ гузаридаги чойхонада содир этилган қотиллик тўғрисида одамлар бомдод намозидан сўнг хабар топишди. Чуст туман ички ишлар бўлимининг жиноят қидирув бўлими ходимлари зудлик билан воқеа жойига етиб келишди. Чойхонанинг орқа томонидаги кўмир сақланадиган омборхона ичида ёши элликларга бориб қолган нотаниш кимсани кимдир ўлдириб кетганди. Мурда чалқанча ётганча бошидан сизиб чиққан қонга беланиб ётарди. Атроф- тевааракни кўздан кечирган изкуварлар калит ва бир килограммча келадиган тошни топишди. Уларнинг фикрича, қотил мана шу тош билан марҳумнинг орқа миясига уриб ўлдирган. Тошдаги қон доғлари ва унга ёпишиб қолган беш- олтита соч толаси ҳам буни исботлаб турарди. Суд тиббий экспертизаси ходимлари воқеа жойига келиб, мурдани синчиклаб кўздан кечиришди. Жасаднинг юзлари калтак зарбидаёқ кўкариб, қонга беланиб кетганди. Шу сабабли унинг шахсини аниқлаш анча мушкул эди. Мурда шаҳардаги суд тиббий экспертизасига олиб кетилди. Бу орада Маҳмуджон Камолов бошлиқ тезкор гуруҳ ходимлари қотилнинг шахсини аниқлаш ишларини бошлаб юборишди. Гувоҳларнинг берган маълумотига кўра, кеч оқшом уч- тўрт нотаниш кимсалар чойхонада ўтириб, ароқ ичишганини айтиб беришди.

Эртаси куни суд-тиббий экспертизаси ходимлари катта қийинчилик

билан мурданинг афт- ангорини тиклашди. Маълум бўлишича, у кўшни қишлоқда истиқомат қилувчи Алишер исмли йигит бўлиб, ҳақиқатдан ҳам кеча оқшом уйдан чиқиб кетгани маълум бўлди. Бироқ уни ким билан келганини аниқлашнинг имкони бўлмади.

Маҳмуджон ака гувоҳларнинг берган кўрсатмаларига асосланиб, қишлоқда яшовчи беш-олтита шубҳали шахсларни идорага чақиртирди. Улар билан суҳбатлашди. Бироқ уларнинг бирортаси айбни бўйнига олишни истамасди. Ўрта ёшлардаги Эрناзар исмли шахс Маҳмуджон акада шубҳа уйғотди. Дастлабки сўроқ пайтида гапираётган сўзларидан бир неча бор чалғигани, сўзларининг пойинтарлиги унда шубҳа туғдирганди. Эртаси куни Эрназарнинг ўзи идорага таклиф қилинди. Маҳмуджон қотиллик содир этилган жойдан топилган далилий ашёларни гумондорнинг олдига қўйди. Калитни кўрганда Эрназарнинг юзи ўзгарди. Ўтирган ерида типирчилаб, ўзини беҳаловат ҳис этди.

– Бу калит сизникими? – сўради терговчи гумондордан.

Эрназар калитга қарамай жавоб қайтарди.

– Йў...ўқ, – унинг овози титраб чикди.

– Яхшилаб ўйлаб кўрдингизми, ахир бу калитни сизнинг тўйга кийиб борган костюмингизнинг чўнтагидан топдик.

Эрназар юзини терс бурганича ўтирарди. Назарида у изкуварга қараса, юз-кўзлари унинг айбини ошкор қилиб қўядигандек эди.

– Балки бу калитнинг қулфи қаерда эканлигини айтиб берарсиз? Ўзингизни гўлликка солманг Эрназар, сиз ўлдирган мурданинг бармоқларидан бир неча соч толаси топилди. Толалар эса айнан сизнинг сочларингиздан юлиб олинганлиги аниқланди.

Эрназар ўрnidан туриб кетди. Косасига сиғмай қолган кўзлари шу қадар совуқ ялтирадики, Маҳмуджон гапи унга қаттиқ таъсир қилганини тушунди. Энди ортага чекинишнинг иложи қолмаганди. Терговчи пайдан фойдаланиб қолишга ҳаракат қилди.

– Қолган гапни ҳам айтايми ёки ўзингиз сўзлаб берасизми?

Эрназарнинг оёқ-қўллари гавдасини кўтаролмади. Тили танглайига ёпишиб қолгандек, бир сўз айтишни билмай, ўйланиб қолди. Унинг назарида изкувар бўлиб ўтган воқеалардан хабардордек, ҳаммасини биладигандек туюларди.

– Яхши, – деди Эрназар қайтиб жойига ўтираркан. – Ҳаммасини ўзим гапириб бераман.

Биз тўйда учрашиб қолдик. Алишер биров кайфи ошиб қолган ҳолда

ўтирарди. Иккимиз яримтани баҳам кўрдик. Гапимиз қовушиб, мақсадимиз ҳам бир жойдан чиқиб қолди. Қодир самоварчининг чойхонасига ўғриликка тушишга келишиб олдик. Мен у кишини яхши танирдим. Бойликларини қаерда сақлашидан хабардор эдим. Менинг сўзларим Алишерга маъқул тушди. Тўйдан қайтганимизда соат тунги бирдан ўтиб қолганди. Деразанинг ойнасини олиб, ичкарига кирдик. Мен айтган бойликлар омборхонада турарди. Омборнинг эшигини бузиб очдик. Чўнтагимдаги калитлардан бири қулфга тушди. Ҳақиқатдан ҳам сандиқ ичида катта миқдорда пул бор эди. Кўриб, кўзларимга ишонмай қолдим. Шеригим бўлса ёш боладек қувониб, қарсак чалиб юборди. Катта миқдордаги бойликка дуч келган одам уни иккига бўлгиси келмай қоларкан. Юрагимда унга ёлғиз ўзим эгалик қилиш истаги уйғонди. Алишер энкайганда юзига тепиб юбордим. У чалқанчасига йиқилди. Ўрнидан туришига йўл қўймадим. Қайта-қайта тепдим. Алишер бақувват эди. Юзларидан шовуллаб оқаётган қонга қарамай менга ташланмоқчи бўлди. Бу орада оёғим остидаги тошни олиб, унинг орқа миясига зарб билан урдим. У ерга дарахтдек қулаб тушди. Сандиқдаги пулларни қўйнимга солиб, орқа-олдимга қарамай чойхонадан чиқиб кетдим. Мен уни ўлдириб қўйганимдан беҳабар эдим. Тонг ёришар-ёришмас ўрнимдан турдим. Алишер нима бўлдийкин, деган хавотир мени чойхона олдига судраб солди. Атрофда одамлар тўпланиб турганини кўрдим-у, на кетишимни, на қолишимни билмай туриб қолдим. «Бўлар иш бўлди, энди ўзингни маҳкам тут, қайтиб кетганингни кўрса одамлар сендан ҳадиксирайди», деган ўй хаёлимдан кетмасди. Алламаҳалгача теварак-атрофда ивирсиб юрдим. Одамларингиздан бири олдимга келганини ҳам сезмай қолибман. У мени гумондор сифатида сўроқ қилди. Сўнг сизнинг олдингизга бошлаб кирди...

Эрназар бор гапни терговчига сўзлаб бераркан, ўзини бироз бўлсада енгил ҳис қилди. Бошини кўтариб изкуварга боқди.

Маҳмуджон ака қўлидаги соатга қаради. Соат миллари тунги иккига яқинлашиб қолганди. У стол четидаги тугмани босди. Навбатчи милиционер кирди.

– Маҳбусни олиб чиқиб кетинг, терговни эртага қолдирамиз, – деди у соқчига.

## ТАШЛАНДИК ГЎДАК

Аёл дала томон борарди. Кўчаларда ҳеч ким кўринмасди. Табиат мудрарди. У шошилганидан ҳансираб нафас оларди. Гоҳ қоқиларди, гоҳ мункиб кетарди. Бағридаги бола бир қимирлаб, бир овоз чиқариб, бир ингалаб йиғлаб келарди. Гўдакнинг бу ноласига инсон тоқати етмасди. Она қоқилганда боланинг ширин жонига озор етарди. У силкиниб-силкиниб борар экан, оғзидан қандайдир суюқлик тинимсиз оқарди. Бўйнининг остини жикқа хўл қилиб ташлаганди. Гўдакнинг овози қора тун сукунатини бузиб, олислардан акс садо бўлиб қайтаётгандек туюларди. Аммо она тўхташни, бир зум бўлса-да баданидан туриб кетаётган кийимларини тўғрилаб қўйишни истамасди. Боланинг ой нурида ялтираб турган мунчоқ кўзларига имкон қадар қарамасликка ҳаракат қиларди. Унинг кўз қараши бутун вужудини вайрон қилиб ташлаганди. Тунги совуқ турганди. Боланинг иссиқ бадани совурди. Она шошарди. У тезроқ кўзлаган манзилига етиб олишга ошиқарди... Одамлар уйғонмасдан, кўчаларда қора кўрсатмасдан далага етиб олишга интиларди. Чақалоқ йиғлаб-йиғлаб овози ўчди. У толиққанди. Мадорсиз танаси шалпайиб қолганди. Унинг кўкариб бораётган митти лаблари ҳиёл очилганча қолганди. Ҳали ўсиб чиқмаган киприклари орасидан мунчоқдек кўзларида ёш ялтираб турарди. Мурғак гўдак маъсум ва соф, беғуноҳ уйкуга чўмганди.

Аёл яланг оёқ эди. Дала йўлларида тавонига чақир тиканаклар ботди. Бироқ бунга аҳамият бермасди. Ўз ўйлари билан бўлиб оғриқни унутганди. Ниҳоят у дала бошида тўхтади. Атрофга боқди. Қўркувдан катта-катта бўлиб кетган кўзлари билан атроф-теваракка нигоҳ ташлади. Мусаффо кеча осмонида ой шу қадар ярқираб ётардики, унга чопиб етиб олса бўладигандек эди. Она чулдираб, қўшигини айтиб бораётган ариқ бўйига етиб келганда бирдан тўхтади. Кучоғидаги фарзандини шудрингдан нам тортиб қолган майсалар устига қўйди. Она бағридан ажраган бола чўчиб тушди. Аммо хоргинлик ва толиқиш уни тамомила мадордан кетказганди. У очликдан, мадорсизликдан ўзига келолмасди. Ранги учиб, лаблари кўкариб кетганди. Она гуноҳкордек ўз фарзандига қарашга ботинолмади. Фарзандини ерга қўяётганда гурсиллаб ураётган юраги бир зумга тўхтаб қолгандек, кўз ўнгидаги кўхна оламни зулмат босгандек, ҳатто осмондаги сонсиз юлдузлар-у баркашдек ой ҳам

қаёққадир ғойиб бўлгандек туюларди. Боласининг тепасида туриш унинг учун оғир эди. Тошга айланган меҳри бирдан юмшаб, кун бўйи ўйлаган ўйлари тумандек тарқаб кетгандек туюлди. Аёл ўрнидан турди. Қаддини ростлаётганда нимадир унинг кўйлагидан тортгандек бўлди. Она чўчиб тушди. Қўрқув аралаш пастга боқди. Кўйлагининг бари ўғил-часининг митти бармоқларига илиниб қолган экан. Қайта ўтириб боласининг бармоқларидан ушлади. Йўқ-йўқ-у бармоқларни эмас, балки қандайдир ёниб турган чўғни ушлагандек бўлди. Электр токи урган одамдек сесканиб тушди. Митти бармоқлар орасидан кўйлагини юлқиб олди. Шундагина бола ўзига келди. Аёл кескин ортига ўгрилди ва келган йўли бўйлаб чопиб кетди.

Бола қимирламай ухларди. Унинг тушига онаси кирди. Чақалоқ она-нинг бағрида ётарди. Митти қўлчаларини онасининг сийнасига чўзарди. Сутга тўлиб, тирсиллаб кетган кўкракларига митти лабчаларини босмоқчи бўларди. Болажон сут кўплигидан тимшаниб, чапиллатиб маза қилиб эмармиш, вужуди эриб кетаётгандек ҳузурланарди. Нега сутга тўлиб тошган сийналарни эмиб бўлмаяпти. Нега ундан сут чиқмаяпти. Бола нега тўймаяпти. Шунда у бирдан уйғониб кетди. Дунёнинг шафқатсизлигидан юраги зирқиради. Бола ҳавони симирди. Бироқ ундан онасининг иси келмади. Чақалоқ қўлчалари билан онасининг бағрини излади. Бир қошиқ бўлса-да, сут беришини сўраб додлади. У очикқан эди. Йўлда келаётганда ошқозонидаги сутлар пастга тушиб кетганди. «Қанисан, онажон, қайлардасан, меҳрибон волидам қани менинг танимга мадор, жонимга жон бўладиган қайноқ сутинг. Берироқ келсангчи, кўкрагингни тутсангчи. Қорнимнинг очганига, сенинг танимга ҳаёт бахш этувчи сутингни тотмаганимга анча бўлди. Мени оппоқ сутингга зориқтирма, онажоним. Оч қолиб йиғлатмасдинг-ку. Қани ўша сутинг. У, оппоқ сутингдан айланиб кетай меҳрибоним онажон. Нега қошимда йўқсан. Мени ёлғиз ташлаб, қаёнларга кетдинг, меҳрибоним? Йиғиларимни, зорларимни этишмаяпсанми...» Болақайнинг йиғисида шу маъно бор эди. Бироқ гўдакнинг қўлчалари бўшлиқ узра ҳаракат қиларди. Нолаларини тун сукунати ютиб юборарди.

Бу орада кимсасиз дала йўлидаги сўкмоқдан чопиб бораётган онанинг ортидан чақалоқнинг овози гўё қувлаб бораётгандек туюларди. Она қулоқларини қўллари билан беркитиб олганди. Дунё унинг учун гунг эди. Бироқ шамол каби фарёд унинг қулоқларига ғувиллаб урилар, яна ҳам аниқ ва тиниқ эшитилаётгандек бўларди. Аёл қадамларини тезлатди.

Она тўққиз ой қорнида сақлаган жигаргўшасини далага ташлаб кетарди. Йўқ, боласини эмас, юрагини, жигарини, йўқ-йўқ бутун вужудини ташлаб кетарди. Олисларда томирларида оққан қон қолди. Ширин муҳаббатнинг аччиқ меваси қолди. Орзу-армонлари, ушалмаган ниятлари қолиб кетди.

Улар бахтли эдилар. Севгининг шаробидан Маст эдилар. Уларнинг муҳаббати ўзгаларга ҳавас эди. Аммо кутилмаганда мусаффо муҳаббатга кўз тегди. Ошиқ йигит дардга чалинди. Туй кунлари етмай тўшакка ётиб қолди. Сўнг касалхонага олиб кетишди. Умри қисқа экан, бир ойда омонатини Аллоҳга топширди. Дорилбақога рихлат қилди. Қиз ҳомиладор эди. Ой куни тўлган эди. Вужудини қўрқув эгаллади. Кўз олдига қишлоғи, ота-онаси келди. Бу ҳолда уларнинг олдига боришни ўзига ор билди. Суйгани борлигидан уларни хабардор қилишга имкон топмаганди. Уялганди.

Қаро тун бағрида шамол каби елиб бораётган аёлнинг оёғи нимагадир илинди. Ерга йиқилди. Юз-кўзлари шилинди. Бир зум қўлларига тиралиб туриб қолди. Яна кулоқларига боласининг овози эшитилди. Бу овоз онанинг бутун вужудини қамраб олди. У ўрнидан турди. Яна югуриб кетди. Устидаги кўйлаги, вужуди, сочининг тубигача зирқираб, талпиниб чопарди. Наздида боласини ташлаган жойдан силжимаётгандек, боши айланарди. Мени кечир болажоним, мени кечир, дея бақирмоқчи бўларди, бироқ овози чиқмасди. У ҳамма нарсани ўйлаганди, аммо бир нарсани ҳаёлига келтирмаганди. Суйгани, жон бериш арафасида унинг қўлларини совуқ бағрига босиб бир сўз айтганди. «Боламини кўз қарочигингдек асра, менинг исмимни қўй. У мендан ёдгорлик. Мен бу ҳақда ота-онамга айтганман. Улар келиб албатта фарзандимни олиб кетишади. Сени элнинг маломатидан ҳимоя қилишади». Аёл бу сўзни нега илгарироқ эсламаганидан афсусланди. У бирдан тўхтади. Ортига ўтирилди. Ҳозиргина ортидан қувиб келаётган боласининг фарёди негадир ўчганди. Кеча сокин сукунат қўйнида мудрарди. Она бирдан ортга қайтгиси, боласини бағрига босиб, мана шу тунда ўз айби учун севгилсининг руҳи олдидан ундан кечирим сўрашга жазм қилди. Ҳозироқ ортига қайтади, болажонини бағрига олади. Уни тўйиб-тўйиб хидлайди. Ундан муҳаббатининг иси қолган.

Энди у ортга қараб чопди. Қуриқшаб қолган лаблари тинимсиз пичирларди. «Болажоним, болагинам, сабр қил, мана, ҳозир қошингга етиб бораман. Оппоқ сутларим билан сени сийлайман. Айбимни кечир

болажоним. Талеи йўқ, шўр пешона онангнинг гуноҳидан ўтгин болагинам. Сени кимсасиз далага ташлаб кетмоқчи бўлган, сендан юз ўғирмоқчи бўлган волидангни кечир жигарпорам». Аёл шу сўзларни айтиб боласини қолдирган жойга талпинарди. Гўдакнинг ҳозиргина қулоқларига чалинган овози эшитилмаётганидан юраги увишарди. Она боласини ташлаган жойга яқинлашар экан, худди чақолоғи уни кутиб тургандек, югургилаб чоғиб кетди. У атроф-теваракни излаб чиқди. Бироқ боласи кўринмасди. У қаёққа кетди? Ким олиб кетди? Совуган ўрнига бағрини босиб йиғлади. Боласининг ғойиб бўлганига ишонди. Фарёд чекиб, ўтириб қолди. Кўзига аламдан ҳеч нарса кўринмай узоқ йиғлади. Ерни, ажриқни қўллари билан тирнади. Охири чидаёлмай дод солди. Унинг фиғони кўкдан ошди. Она кўзларидан алам қонли жала бўлиб ёғилди. Онанинг оёқлари остида чулдираб оқаётган ариқ негадир бояғи қўшиғини куйламасдан жим бўлиб қолганди.

## ЖАСАД КЎКСИДА ҚОЛГАН ПИЧОК

1978 йилнинг киши оғир келди. Бир ҳафтадан бери ёғаётган ёмғирнинг тинишидан дарак йўқ эди. Мана шундай оғир кунларнинг бирида қишлоқ марказидаги магазинга катта миқдорда озиқ-овқат маҳсулотлари олиб келинди. Магазин мудир кўни-қўшниларни ёрдамга чақирди. Юк тушириб бўлинганда қош қорайиб қолганди. Мудир эшикка қулф солиб, уйига кетди. Ёлғиз қоровул қолди. Тун ярмидан ўтганда уни ҳам уйку элитди. Эшикнинг ғийқиллаб очилганидан чўчиб кетган қоровул кўзини очишга улгурмади. Кўксига санчилган ўткир тиғли буюмдан инграб юборди. Жон ҳолатда бир-икки типирчилади-ю, сўнг тинчиди. Қотил мурдани ётган тўшагига ўраб, елкасига ортиб ташқарига чиқди. Магазиндан бир неча метр олисдаги чуқурликка олиб бориб кўмди. Сўнг ортига қайтиб, магазин эшигини бузиб, ичкарига кирди-да, қимматбаҳо буюмларни халтага жойлаб, воқеа жойидан ғойиб бўлди.

Милиция ходимлари бир ойдан кўпроқ ўғирлик сабабини ўрганишди, жиноятчини қидиришди. Магазин қоровулининг кутилмаганда ғойиб бўлиши уларда «ўғирликни қоровул амалга оширган», деган шубҳани уйғотди.

Орадан ўн йил вақт ўтса ҳам қидирувда бўлган қоровулдан дом-дарак бўлмади. Ниҳоят тергов идоралари ходимлари ушбу жиноят ишини ёпишга қарор қилишди.



Бу орада қишлоқда ободонлаштириш ишлари бошлаб юборилди. Янги бинолар қад ростлай бошлади. Эски магазин бузилди. Қурувчиларнинг қўли- қўлига тегмасди. Эксковаторчи йигит тупроқ қазийётганда бир жуфт этикка кўзи тушиб қолди. Этикка илашиб, қандайдир мато, мато ичидан суяк чиқди. Туман ички ишлар бўлими, жиноят қидирув гуруҳи, прокуратура ходимлари одам суяклари топилган жойга етиб келишди.

Жасаднинг кўкрак қисмига санчилган пичоқ бу одамнинг қасддан ўлдирилганлигини билдириб турарди. Суяк ва бошқа топилмалар суд тиббий, криминалистика- экспертизаси бўлимига топшириш учун жўнатилди. Бир ой деганда марҳумнинг ташқи қиёфаси қайта тикланди. Фоторобот ёрдамида таниб бўлмас жасаднинг сурати чизилди. Бу одам магазин қоровули эди. Демак, у ўғирликни содир этиб, ғойиб бўлмаган. Аксинча, ўғри уни ўлдирган.

Изқуварлар қотилнинг шахсини аниқлашга киришдилар. Криминалистика- экспертизаси бўлими ходимлари жасаднинг кўксига санчилган, узок вақт давомида тупроқ остида қолиб, занглаб кетган пичоқни кимёвий усуллар билан тозалаб, асл ҳолига келтиришди. Пичоқнинг ён томониغا ўйиб ёзилган ёзувни ўқишди. Шундан сўнг, Поп туман ички ишлар бўлими жиноят тергов бўлими ходими Маҳмуджон Камолов жамоа хўжалиги ҳудудида қидирув ишларини бошлаб юборди.

Шу қишлоқда яшовчи Раҳимжон Иминов исмли 60 ёшлардан ўтиб қолган одамни ҳузурига чақиртирди.

– Эргашали акани танирмидингиз? – сўради Маҳмуджон ака.

Кўринишидан анча босиқ бўлган бу одам милиция ходимининг саволини эшитиб, биров ўйланиб қолди.

– Қишлоқда Эргашали исмли одамлардан юзтадан кўпроқ бор! Қайси бирини сўраяпсиз, ука?

– Сиз ўлдирган Эргашали Чўяновни-да. – Камолов шундай деди-ю, рўпарасида ўтирган одамнинг юзига термулди. Раҳимжоннинг аввалига юзи кўкариб кетди. Қонсиз лаблари пир-пир учди. Сўнг бетига сохта табассум югурди.

– Ҳазиллашаяпсизми ука, мен одам ўлдирадиган қонхўрга ўхшайманми? Астафйруллоҳ! Бу гапни бир гапирдингиз, иккинчи оғзингизга олманг! Қишлоқда ҳурматим бор. Шубҳаланишдан олдин ашёвий далил топиш керак!

Маҳмуджон ака тортмадан пичоқни олди ва айбланувчининг ёнига қўйди.

– Дўстингизнинг бағрига санчган бу пичоқни сугуриб олганингизда сиздан шубҳа қилмаган бўлардим...

Раҳимжон ўз пичоғини таниди ва терговчининг сўзига қарши бирор гап айтолмади

## ЧАНГАЛЗОРДАГИ ҚОТИЛЛИК

19... йилнинг қаҳратон қиши. Ярим тунда хонамдаги телефон жиринглади. Ишдан яқинда келгандим. Кўзимга уйқу илинган экан, уйғониб кетдим.

– Сирдарё бўйида иккита номаълум шахснинг жасади топилди, – навбатчи милиционернинг овози ҳаяжондан титрарди. – Кимдир ўлдириб кетганмиш!

– Ўн беш дақиқалар ичида етиб бораман, – дедим навбатчига ва зудлик билан тезкор ходимларни воқеа жойига юборишни илтимос қилдим.

Кийиниб ташқарига чиқдим. Қишнинг изғирин шамоли ер бағрини ялаб, киши гашига тегувчи чийиллаган овоз чиқариб хуштак чаларди. Катта йўлга чиққанимда навбатчи машина етиб келди. Йўлга тушдик. УАЗ фонарлари кучсиз ёғдуси билан тун пардасини ёриб, ўзига йўл очиб, олға интиларди. Кўзимни бир нуқтадан узмай, хаёл уммонига фарқ бўлиб, тунда содир этилган жиноят ҳақида ўй суриб борардим. Кейинги икки йил ичида бундай қотиллик туманда содир этилмаганди. Қолаверса, ички ишлар бўлимининг барча ходимлари аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб бораётгани боис, жиноятчиликнинг олдини олиш борасида вилоятда олдинги ўринда борардик. – Бундай жиноят ишлари Сирдарёнинг сўл қирғоғидаги туманда содир этиларди. Ҳозиргина навбатчи айтган маълумотларни хаёлимда таҳлил қилдим. Дарё соҳилида одамлар қишда истиқомат қилмайди. Ёзда деҳқончилик қилиб, экин-тикинларини йиғиштириб, аёзли кунлар бошланиши биланоқ ўз киш-лоқларига кетишади.

Соҳилда мени жиноят қидирув бўлими ходими бошлиғи Мамадали Ибрагимов кутиб олди. Содир этилган воқеа ҳақида қисқача суҳбатлашдик. Лейтенант билан бирга воқеа жойига йўл олдим. Соҳил одам бўйидан баланд турли хил дов- дарахтлар билан қопланган чакалакзор эди. Шохлари ҳар томонга тарвақайлаб кетган дарахтлар тепамизда нур сочиб турган ой юзини тўсган. Қоп- қоронғу сўқмоқдан ичкарига кириб

бордик. Қўлимиздаги фонар оёғимиз остидаги шох-шаббалар тўсиб қолган йўлакни зўрға ёритарди. Қуриб- қовжираб қолган ўт-ўлан оёққа илашади.

Чангалзор ичига кимлар келиши мумкин? Атайлаб жиноят содир этиш учун бунча олис йўлни босиб ўтишга ҳожат бормикан? Назаримда, бу ерда қандайдир сир бордек туюлди.

Қанча йўл босдик, ҳозир эслаёлмайман. Рўпарамиздан гувала билан урилган пастаккина ертўла чиқди.

Бинони ким қурган? Кимга қарашли? Ҳозир бу ҳақда ходимлар ҳам ҳеч нима билмасди.

– Қотиллик шу ерда содир этилган! – деди Ибрагимов ертўла томонга ишора қилиб. Унинг қўлидан фонарни олиб, ичкарига кирдим. Димоғимга зах ва яна қандайдир қўланса ҳид урилди. Хонадаги буюмларни диққат билан кўздан кечирдим. Оёғим остида қонга беланиб иккита мурда ётарди. Улар даҳшатли тарзда ўлдириб кетилганди. Бошлари қовоқ мисол иккига бўлинганди. Деворга сачраган қон ва мия суюқлиги фонар ёруғида ялтираб кўринарди. Ажабланарлисиз, ичкарида олишувдан дарак берувчи из кўзга ташланмасди. Бунинг устига мурдаларнинг эгнидаги кийимлари ҳам йиртилмаган, тугмалари жойида. Жиноят изларини ташқаридан излаш мақсадида ортга бурилдик. Ходимларга кўрсатма бердим. Қоронғулик босган ердан нима ҳам топиб бўларди, дейсиз. Аксига олиб, дов-дарахтларнинг япроқлари тўкилиб, ерни ҳазонга тўлдирган бўлса. Ҳозиргина босилган из шу заҳотиёқ ғойиб бўлади. Аммо бекор туриш, вақтни беҳуда ўтказиш мумкин эмасди. Бундай пайтларда ҳар бир дақиқа ғанимат. Қўлимиздаги фонар билан атроф- теварани ёритиб ишга киришдик. Бу орада суд тиббий экспертизаси ходими Бобошер Аҳмедов ҳам етиб келди. У мурдаларни кўздан кечирди. Ўлим сабабларини аниқлашга киришди. Мурдаларнинг бошига ўткир тигли буюм билан уриб ўлдирилган, деди. Ўлим йигирма соатлар аввал содир бўлган. Йигирма соат! Ўта узоқ муддат. Бу орада қотил нафақат туман ҳудудидан, балки вилоятдан ҳам чиқиб кетган бўлиши мумкин. Мурдаларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат топилмади. Бу ҳам ишимизни чалкаштириб юборди.

Тонг ёришди. Изғирин шамолнинг кучи синди. Қуёш дарё кенгликларини сахийлик билан киши руҳини хушнуд этувчи нурга буркаб, кўтарила бошлади. Бироқ шамол тинмади. Қулоқларимиз остида худди аланга мисоли гувилларди. Қамишлар шовуллаб энкайганча салом берарди.

Жиноятчиларнинг изини ахтариб соҳилга чиқдик. Ҳар бир қарич ер нигоҳимиздан четда қолиши мумкин эмасди. Тонг ёришгани боис ишимиз ҳам енгиллашди. Нам тепчиб қолган соҳилда одам изларини топиш қийин эмас, деб ўйлардик. Аммо умидимиз саробга айланди. Тунги шамол соҳилдаги қум зарраларини учириб, теварак-атрофни ойнадек тозалаб ташлаган. Биз марҳумлар ва қотиллар бу ерга дарё орқали сузиб ўтишган, деган қарорга келдик. Бу ҳақиқатга яқин эди. Бу ердан бирорта из тополмаслик мумкин эмасди. Шу мақсадда қидирув ишларини узоқ давом эттирдик. Дарё ўзани бурилган жойда, сув тупроқларни ювиб кетган ҳандаққа келганимизда, пастликда бир неча кишининг оёқ изига дуч келдик. Ер соҳилдан паст бўлгани учун шамол учириб келган қум зарралари бу ердаги оёқ изларини беркитолмаганди. Бу бизнинг дастлабки ғалабамиз эди. Криминалист- эксперт Одилжон Қаҳҳоров излардан нусха олди. Унинг айтишича, излар турли хил ўлчамда эди. Излардан иккитаси ертўла ичида ўлдирилган икки номаълум шахснинг оёқ кийимидаги изнинг айнан ўзи. Соҳилдан тўдани қайиқда сузиб ўтганлигини тасдиқловчи бошқа далилий ашёлар ҳам топилди. Излардан бири аёлларнинг пойафзалидан қолганди. Демак, улар орасида аёл ҳам бўлган. «Қотиллик шу аёлга боғлиқ эмасмикин?» – деган савол мени ўйлантирди. Бироқ аёл билан боғлиқ бўладиган можаро соҳилнинг нариги қирғоғида ҳам содир этилиши мумкин эди-ку? Ахир, у томонда ҳеч ким яшамайди. Кўнгилхушликни ўша жойда қилиш мумкин-ку? Айнан ертўлага кириш шартмиди? Йўқ, бу ерда бизга мавҳум бўлган бошқа воқеа бўлган!

Совуқдан қўл-оёғимиз тошдек қотганди. Бир оз исиниб олиш мақсадида ортага қайтдик. Ўтин териб чиқиш учун икки ходим чакалакзорга кириб кетди.

– Балки қотиллар изини нариги соҳилдан қидирармиз, – деди Ибрагимов. – Бу ердаги ишлар ниҳоясига етди ҳисоб.

Бир ҳисобдан лейтенант ҳақ эди. Бу ердан фақат оёқ изларини топдик. Аммо, мурдаларнинг бошини ёрган қурол қаерда? Жиноятчи қонга ботган қуролни ўзи билан олиб кетмайди. Қотилни топишда, аниқлашда, айбни бўйнига қўйишда аскотадиган энг муҳим восита ҳам шу. Мамадалига шу ҳақда оғиз очдим.

– Балки қотиллар қуролни дарёга ташлаб юборишгандир! – деди у бир дақиқадан сўнг.

Мен нигоҳимни чакалакзор ичидаги ертўла томонга қададим.

– Биз турган жой билан қотиллик содир этилган жой ўртасидаги масофа қанча?

– Менимча, юз метр бўлса керак?

– Қотил қуролни шунча жойгача ўзи билан олиб келиши мумкинми?

– Қайдам, уларнинг ҳолатига боғлиқ!

– Сен нима деб ўйлайсан, улар бу ерга бир-бирларини ўлдириш мақсадида келишганмикан?

– Ундай эмас, – деди лейтенант. – Мақсадлари ўлдириш бўлганда буни дарёнинг нариги гомонида ҳам уддалашса бўларди. Бунинг устига, жиноятни яшириш мақсадида мурдаларни дарёга ташлаб юбориш ёки тириклай чўктириб юбориш ҳам мумкин эди.

– Унда нима мақсадда бу ерга келишган?

Қаҳҳоров чакалакзор ичидан ҳаллослаб чиқиб келди.

– Ўртоқ капитан, чакалакзор ичида одам қонини кўриб қолдик – деди криминалист ҳансираб.

Унинг юзи кўрқувданми ёки совуқданми оқариб кетганди. Саволим жавобсиз қолди. Биз чакалакзор ичига чопдик. Эллик қадамча нарига борганимизда саксовул остида анча қон қотиб қолганини кўрдик. Бу нимаси? Бу ерга кимнинг қони тўкилган бўлиши мумкин?

Қон теварак-атрофга ёйилиб кетмаган, қум остига ҳам сингмаганди. Суд тиббий эксперти ертўла ичидаги марҳумларнинг ўлим сабабларини ўрганиб, ўз ишини тугаллаган бўлса-да, биз билан қолганди. У зудлик билан қон таркибини ўрганишга киришди.

Кимёвий-биологик экспертиза қон инсонники эканлигини аниқлаб берди. Қон тўкилган жойдан икки метр нарида эркаклар белбоғи ётарди. Белбоғ остида биз соҳилдан топган аёл туфлисининг излари қолганди. Туни билан гувиллаб эсган шамол дов-дарахтларнинг қаршилигини енголмай, белбоғни учуриб кетмаган ва унинг остидаги оёқ изини кўмиб ташламаганди. Қаҳҳоров оёқ излари айнан соҳилдагига ўхшашлигини айтди. Бироқ мурда қаерда? Балки у яраланиб, оёққа туриб кетгандир?!

– Қон, тахминан, тўрт литр! – деди эксперт. – Бунча катта миқдорда қон йўқотган одам эс-ҳушидан айрилади. Оёққа туриб кетолмайди. Агар зудлик билан тиббий ёрдам кўрсатилмаса, ҳалок бўлади. Жабрланувчи шу ерда ҳалок бўлган.

Унинг сўзларига ишонмасдан иложимиз йўқ эди. Номаълум шахснинг жасадини излашга киришдик. Агар у ўлган бўлса шу атрофда жасади қолган бўлиши керак. Дарё томон юрдик. Катта қийинчилик билан юлгун

дарахти шохидаги уч-тўрт томчи қонга дуч келдик. Бу ўша одамнинг қони эканлигига шубҳамиз йўқ эди. Экспертиза бўлими бошлиғи Қаҳҳоров юлғунда қолган қон доғларини кўчириб махсус идишга жойлади. Биз теварак- атрофни қидириб, жасадни тополмадик. Бу орада туман прокурори Сайрамов ҳам етиб келди. Бўлиб ўтган воқеа ҳақида унга қисқача ахборот бердик. Сайрамовнинг ёши ўтиб қолган бўлса ҳам ўз ишининг чинакам устаси эди.

– Менга қара, Маҳмуджон, – деди Сайрамов, – Балки биз излаётган мурдани дарёга улоқтириб юборишгандир! Ёки ярадор бўлса сен айтган аёлнинг ортидан эргашиб, дарёга тушиб кетгандир!

– Нима, шундай совуқда дарёга тушиб, излаш керак, демоқчимисиз?

– Шундай қилсак ёмон бўлмайди! Кўнглим сезиб турибди. Мабодо, мурда шу ерда қолганда аллақачон топиларди. Қара, осмонда бирорта қуш йўқ. Паррандалар жасадни кўрса, ўша ерда айланиб юраверади!

Биз суҳбатлашиб, соҳилга келдик. Қулоғимиз бир-биримизнинг сўзимизни тинглаш билан банд бўлса-да, нигоҳимиз ерда эди. Бирорта из ёки қон топишдан умидвор эдик. Сайрамовнинг қонни қамиш япроғидан излаш керак, деган сўзининг маъносига шунда тушундим. Прокурор сувга тикилганча ўйланиб қолди. Унинг катта-катта кўзлари бир нуқтага қадалганди. Дарёнинг нариги соҳилидаги кўкка бўй чўзган мирзатераклар шамодда тебраниб, тўлқин мисол шовуллаб овоз таратарди. Боя ходимлардан иккитасини ўша томонга жўнатгандим. Улардан хушхабар кутардим.

Прокурор рация орқали шаҳардан ғаввосларни чақиртирди. Сайрамов мурда дарёга чўктирилган деган фикрда қатъий туриб олди. Кун бир оз исиган бўлса-да, бироқ баданимизга тафти ўтмасди. Ўтин тўплаб, гулхан ёқдик. Оёқ кийимларимиз нам тортиб қолганди. Пайпоқларимизни қуритдик. Баданимизга иссиқ югурди. Қорнимиз очиққанди. Бироқ ишдан бошқа нарса хаёлимизга келмасди. Нима қилиб бўлса-да учинчи мурдани топишимиз керак!

Прокурор иккимиз яна дарё бўйига келиб, сувнинг оқимини кузатдик. Шйшадек беғубор сув бир меъёрда оқарди. Гоҳи-гоҳида хандақлар атрофида сувнинг тинчи бузилиб, шовуллаб, айлана ҳосил қилиб, худди тош чўккандек «чўлп» этарди. Юзаси осуда оқаётган дарёнинг тубидаги оқимининг тезлиги биз кутгандан ҳам кучли эканини билиш қийин эмасди. Қон топилган жойдан соҳил бўйигача ип тортдик. Шундай қилганимизда жасаднинг ташланган жойи аниқ бўлиши мумкин эди.

- Маҳмуджон, - деди прокурор сувга тикилиб, - менга айт-чи, сенингча, сувнинг тезлиги қанча?
- Ўн, ўн беш метр бўлса керагов.
- Унда тубидаги оқимнинг тезлигичи?
- Бунга икки баробар бўлиши мумкин!

Сайрамов яна ўйга толди. Шамол унинг очиқ кўкрагига уриларди. Прокурорнинг чехраси боягидан ҳам оқариб кетганди. Кўзлари остида кўкимтир доғлар пайдо бўлганди. Сайрамовнинг анчадан бери бетоблигини, юраги бот-бот ҳуруж қилиб туришини билардим. У тезроқ уйига қайтгани маъқул эди. Касал бўлиб қолишидан чўчирдим. Аммо қария бунга парво қилмасди. Фақат ўз ишини ўйларди.

- Жасаднинг тана оғирлиги, тахминан, 70 килограмм деб ўйласак, сув уни юз метр нарига оқизиб борган. Худо кўрсатмасин кийими шохшаббага илиниб қолмаган бўлса, ундан ҳам узокроққа оқизиб кетган бўлиши мумкин, - деди прокурор ўзига-ўзи гапиргандек пичирлаб.

Тушдан сўнг ғаввослар келишди. Улардан бирини сув тубига туширдик. Ғаввослар ёш, ғайратли, довюрак йигитлар эди. Улар биз кутгандан ҳам зиёда ҳаракат қилишди. Сув тубида узоқ вақт йўқ бўлиб кетишди. Ҳаммамизнинг нигоҳимиз сигнал ипида эди. Ҳозир ғаввос мурдага дуч келади-ю, арқонни тортамиз, деб ўйлардик. Атрофимиздаги одамлар марҳумни топмасдан кетишга ҳақлари йўқлигини ҳис этишарди. Виждонимиз, касбимиз шунга ундарди. Мен тез-тез дарёнинг нариги соҳилига қараб қўярдим. У ерда кидирув ишларини олиб бораётган ҳамкасбларимнинг ҳатти-ҳаракатини кузатиб турардим. Улар дарёдан кўтарилаётган ҳовур ортидан элас-элас кўриниб туришарди. Ярим соатча вақт ўтди. Ниҳоят ғаввос сигнал ипини тортди. Ҳаммамиз арқонга ёпишдик. Ғаввос сув остидан лой ва бакашал ўтига қоришиб кетган болтани олиб чиқди. Унинг ўткир тиғи тафтсиэ қўёш нурида ялтираб турарди. Тўғри, болтанинг сопида қотиб қолган қон доғларини сув ювиб ташлашга улгурганди. Жиноятчи қотилликни содир этишда ишлатган қурол топилди. Бу биз учун қанчалик қувончли воқеага айланганини фақат бизнинг соҳамизда ишлаган кишиларгина ҳис этиши мумкин. Криминалист-эксперт болтани синчиклаб кўздан кечирар экан, унинг сопида қолган икки дона соч толасини ҳам топди. Бу ертўлада ўлдирилган малла сочли марҳумнинг сочи эканлигини аниқладик.

Прокурор мурдани икки юз метрча наридан излашга кўрсатма берди. Сув тубига иккинчи ғаввос тушди. У сувга шўнғиш олдидан кўз ойнаги

ичидан бизга сирли қараб қўйди. Афтидан ҳаммамизнинг умидимиз унинг мана шу шўнғишида эканлигини ўзи яхши биларди. «Сабр қилин-  
глар, ҳаммаси яхши бўлади», дегандек қўлини силикитди-ю, сув тубига шўнғиб кетди. Унинг эгнидаги чарм матодан тикилган кийими бир неча сония кўриниб турди. У қўлларини икки томонга ёйиб, қурбақанинг панжасини эслатувчи оёғидаги чарм кийимини қимирлатиб, сув тубида кўздан ғойиб бўлди. Дарёнинг суви шаффоф эмасми, соҳилга яқин бўлган жойдаги тошлар, сув ўтлари ҳам кўзга ташланиб турарди. Ҳаммамизнинг арқонга қадалган нигоҳларимизда қандайдир умид учқуни ялтираб турарди. Совуқни ҳам, очликни ҳам унутгандик. Шу тариқа вақт ўтиб борарди. Бизни интизор қилган арқон ниҳоят қимирлади. Ҳамма унга ёпишди. Эҳтиёткорлик билан арқонни тортдик. Биз кутаётган нарса мана шу арқонга боғланган-у, уни қаттиқроқ тортиб юборсак, узилиб кетадигандек туюларди.

Прокурор ҳақ эди. Унинг узоқ йиллик тажрибаси бу гал ҳам қўл келганди. Мурда у кўрсатган жойдан бир неча ўн метр наридан топилди. Сайрамов эҳтиёткорлик билан арқонни тортар экан, оқариб кетган чехрасига назар ташладим. Кўзларида болаларга хос беғуборлик ва шодлик учқуни ялтирарди. Бу унинг учун қувончли ҳол эди. Кўкариб кетган лаблари сезилар- сезилмас пичирларди. Яқин турганим учун «ишқилиб уялтирмагинда», деган сўзларини эшитиб қолдим. Мурда кўндаланг ҳолда сув юзига қалқиб чиқди. Қандайдир қоп мурданинг бошига қалпоққа ўхшатиб кийдириб қўйилганди. Балки қотил чангалзорда қон томмаслиги учун шундай қилгандир?

Жасаднинг чўнтаги тинтиб кўрилганда икки энлик қоғоз топилди. Бу жиноятчи ва қотилнинг изига тушишимиз учун муҳим ҳужжат ҳисобланарди. Қоғоз намиқиб, ёзувлари чайпалиб кетганди. Ўқишнинг иложи йўқ эди. Ҳеч бўлмаганда марҳумнинг исми-шарифи ёзилган бўлиши мумкин эди. Қоғозни авайлаб криминалистнинг қўлига топширдик.

Мурда синчиклаб текширилди. Унинг бошига ҳам ўткир тигли буюм билан урилганлиги билиниб турарди. Боши ёрилганди. Демак, жиноят изи айнан бир-бирини такрорлаган, қотил эса бир киши. Соҳилдан топилган оёқ излари ҳам мурданинг оёғидаги бир пой туфлисининг изига мос тушди. Ягона гумонимиз аёлдан! Наҳотки учта қотилликни аёлнинг ўзи содир этган бўлса?!

Керакли ҳужжатлар расмийлаштирилиб, мурдалар шаҳар суд-тиббий экспертизасига юборилгач, идорага қайтдик. Мурдалар топилди.



Имкон қадар жиноят излари аниқланди. Далилий ашёлар қўлга киритилди. Эндиги вазифа мурдаларнинг шахсини аниқлаш, жиноятчини топиш эди.

Кечки пайт тезкор гуруҳнинг барча ходимлари менинг хонамга тўпла-нишди. Содир этилган жиноят таҳлил қилинди ва бошлиққа ахборот берилди. У муқаддам оғир жиноят қилган, айти пайтда фойдали иш билан шуғулланмай юрган шахсларнинг 17 ноябр куни қаерда, ким билан бўлганлигини аниқлаш вазифасини топширди. Уйдан чиқиб, бедарак йўқолган шахсларни зудлик билан аниқлашга киришдик. Сув тубига чўккан марҳумнинг чўнтагидан топилган қоғоздаги ёзувлар тикланди. Унга шундай сўзлар битилганди:

«Совғани ҳозирлаб қўй, кечки пайт келаман. Божи Мой» 17/1. Бизнинг назаримизда 17/1 рақами кун ва ойни билдирарди. Бугун 20 январ. Хат ўтган кун ёзилган. «Божи Мой» бу кимнинг лақаби? У одам қаерда?! Қотил билан алоқаси борми? Бу мактуб қандай қилиб унинг чўнтагига тушиб қолган? «Совғани ҳозирлаб қўй», деганда «Божи Мой» нимани назарда тутган? Балки, ўша совға учун қотил ва марҳумлар дарё томонга келишмадимикан? Ҳаёлимдан турли фикрлар кечди. Бирок, уларнинг бирортасидан кўнглимга таскин бергудек жавоб тополмадим. «Божи Мой» хатни ташлаган ва ўзининг қайтиб келишига ишора қилмоқда. Балки, у ҳали ҳам марҳумни кутаётган бўлса- чи?

Ўлдириб кетилган марҳумларнинг уччаласи ҳам Осиё миллатига мансуб кишилар эди. Кийимлари ва афт-ангорига қараб, уларни узоқдан келмаганини пайқаш осон эди. Марҳумларнинг сурати кўпайтирилди. Зудлик билан республика вилоятларига тарқатилиб, суратдаги одамлар ҳақида маълумот бўлса, зудлик билан хабар беришлари сўралди. Бундан ташқари, «Божи Мой» лақабли шахсни аниқлаш мақсадида милиция ва қамоқхоналарга махсус телефонограмма юборилди. Ўша куни ярим тунда участка нозирларидан бири ертўлада ўлдирилган шахслардан бирининг исми-шарифи ва яшаш жойи аниқланганини айтди. Унинг айтишича, Исмоил Задарё туманининг Момохон қишлоғида яшаган, муқаддам ўғирлик билан қўлга тушиб, уч йилга озодликдан маҳрум қилинган. Жазони ўтаб қайтгач, дарё бўйидаги ерни ўзлаштириб, деҳқончилик ва чорвачилик ишлари билан шуғулланиб келган. Ҳақиқатдан ҳам у 17 декабр куни туман марказига тушиб келаман, деб уйдан чиқиб кетган. Ким билан, қаёққа кетганини ҳеч кимга айтмаган. Исмоилнинг яқинлари билан суҳбатлашиб у ҳақда бирор маълумот ололмадик. Тонгга яқин биз кутган тезкор маълумот келди.

## МАЪЛУМОТНОМА;

Туман ички ишлар бўлимининг тергов бўлими бошлиғи Камололга. Шошилинч равишда юборилган сўровномангизга жавобан қуйидагиларни аниқладик: Сирдарёга чўктириб юборилган мурданинг шахси аниқланди. У Наманган шаҳар, Воровский кўчасидаги 19-уйда яшовчи Тоштемиров Файратжон бўлиб, 1938 йилда туғилган. Муқаддам безорилик ва майда ўғирлик билан шуғулланиб, тўрт йилга озодликдан маҳрум этилган. 1969 йилнинг 15 майида озодликка чиққан. Аини пайтда ҳеч қаерда ишламайди.

Қотилни излаб топиш учун бу маълумот етарли эди. Жиноят қидирув бўлими ходими Ибрагимов иккимиз Наманган шаҳрига жўнадик. Бу пайтда уфқ бўзариб, тун пардаси кўтарилаётган эди. Кўчаларда одам кўринмасди. Кечаги ачиқ шамол тинган. Бирок, совуқнинг тафти синмаганди. Дарвоқе, биз дарёдан мурдани излаётган пайтимизда Ибрагимовни соҳилнинг сўл қирғоғига жўнатгандим. Лейтенант қирғоқда биз шубҳаланаётган аёлнинг оёқ изларига дуч келганини айтди. Бирок, соҳилдан чиқаверишда у оёғидаги бир пой туфлисини негадир қолдириб кетган. Криминалистрлар биз топган туфлини, айнан қотиллик содир этилган жойдан топилган оёқ изларига солиштирганди бир хиллиги аниқланди. Қотиллижни аёл киши содир этган, деган қатъий қарорга келдик. «Божи Мой»ни биз излаётган уйдан топа оламизми?

19-уй кўчанинг охирида эди. Ён атрофидаги уйлارнинг айримлари бузилиб кетган. Кўчалар ўйдим-чуқур, чанг бўлгани учун юришни қийинлаштирарди. Излаётган уйни топдик. Ҳовлини деворлари нураб, тахта билан тўсиб қўйилганди. Ичкарига назар ташладик. Жимжитлик чўккан ховлида одам кўринмасди. Эшикка, зичлаб беркитилган деразаларга парда тортилган. Парданинг четидан чироқ шуъласи кўзга ташланади. Ичкарида кимдир бор. Эшикни тақиллатдим.

– Ким? – деган йўғон овоз эшитилди.

– «Божи Мой», бу мен, оч эшикни, – дедим паст овозда.

Қадам товушларидан сўнг эшик занжирининг шарақлаб тушгани эшитилди.

Ичкарига кирдик. «Божи Мой» бизни револьвер билан қарши олди. Унинг кўзлари совуқ ялтирарди. Чўзинчок, чўтир юзи оқариб кетганди. Бу уни кўп миқдорда спиртли ичимлик истеъмол қилганини билдириб турарди. Хурпайиб турган қошлари ҳеч нарсадан қайтмаслигини, иста-

ган пайтда қўлидаги револьверни ишга солиб, пешонамизга қўрғошин жойлаб қўйиши мумкинлигини билдирарди. У ўлжасидан айрилган қашқирдек афтини буриштириб:

– Кимсанлар? Нега келдиларинг? – деди вишиллаган овозда. – Менда нима ишларинг бор?!

Биз ўзимизни йўқотиб қўйгандик. Ўртага чўккан сукунат сабаб, дадиллашдик. Рўпарамизда ҳеч нарсадан қайтмайдиган, ашаддий жиноятчи турганини ҳис этдим. Хаёлимга ташқарида қолган ҳайдовчи келди. Ишқилиб у кириб қолмасин, деб ўйладим. Агар у эҳтиётсизлик қилса, «Божи Мой» уччаламизни отиб ташлаши мумкин.

– Сени излаб келдик! – дедим мулоим оҳангда. – Файратжон жўнатди!

– Ўзи қаерда? Нега бирга келмади?!

– Совғани ололмади. Айтган одами келмади. Уни кутяпти. Шуни сенга айтиб қўйиш учун келдик!

– Шундай де! Мени шу гапларимга ишонади, деб ўйлаяпсанми? Сенлар ментсан! Файратни қўлга олгансанлар. У аблаҳ мени сотган!

– Нега ишонмайсан. Ахир биз унинг дўстимиз. Бирга ишлаймиз!

– Оёғингдаги хиром этик ментларники! – деди «Божи Мой» револьвернинг учи билан оёқ кийимимга ишора қилиб. Сўнг Ибрагимовга юзланди.

– Кийимингни алмаштирибсан-у, бироқ қўйлагингни алмаштирмабсан-да!

Биз ўйинни бой бердик. Ўтаётган дақиқалар унинг фойдасига ишларди.

– Менга қара «Божи Мой», – дедим мурасага келиш учун босиқлик билан. – Яхши одамга ўхшайсан. Балки сен жиноятчи эмасдирсан! Билсанг, дўстинг жиноят содир этди. Совға бермоқчи бўлган одамни ўлдириб қўйди!

«Божи Мой»нинг чеҳраси бирданига ўзгарди. Қўлидаги револьверни пастга туширди. Вужудида титроқ уйғонди.

– Ёлғон сўзлаяпсан, – деди паст овозда.

– Ишониш ишонмаслик ўзингга ҳавола. Аммо, мен чин гапни сўзлаяпман! Илтимос, қўлингдаги ўйинчоқни ташла. Бизга ёрдам бер!

«Божи Мой» менинг сўзларимга ишонди. Револьверни оёғим остига ташлади. Унинг қўлидаги қуролнинг ўқдони бўм-бўш, оддий ўйинчоқ эди. «Божи Мой»ни қўлга олиб, идорага қайтдик...

Идорада мени яна бир хушхабар кутаётганди. Навбатчи милиционер хозиргина қабул қилган хабарномани тутқазди. Унда ертўла ичида ўлдирилган икки номаълум кишининг шахси аниқланганлиги маълум қилинганди. Орадан кўп ўтмай Тошкент шаҳар ички ишлар бошқармаси бошлигининг имзоси билан «Божи Мой»нинг шахсига оид қуйидаги маълумотномани олдик:

### **МАЪЛУМОТНОМА;**

**Нурматов Исмоил Абдуллаевич 1936 йилда Тошкент шаҳридаги Эски Жўва маҳалласида туғилган. 14 ёшидан бошлаб майда ўғирлик билан шуғулланиб келган. 2 мартаба қамалган. 1969 йилда озодликка чиққан. Ҳозирда ҳеч қаерда ишламайди. Жиноят оламида «Божи Мой» лақаби билан танилган...**

### **«БОЖИ МОЙ» ҲИКОЯСИ:**

15 январ куни мен Фарғона шаҳридаги қариндошимни кўриш учун унинг уйига кетаётгандим. Бекатда Аҳмад шиппакни учратиб қолдим. У Тошкентга кетаётганини айтди. Ошхонага кирдик. Овқат билан бир шиша ароқни бўшатдик. Бироз кайфим ошганди.

– Нима иш қиляпсан? – сўради Аҳмад шиппак.

– Ҳозирча бекорчиман. Ишга жойлашганим йўқ, – дедим унинг сўровига жавобан.

– Қулинг ўргилсин бир иш бор, фойдаси тенг арра!

– Хўш...

– Файратни танийсан-а? Зонада бирга ўтирган ошнанг-чи?

Ёдимга наманганлик Файрат исмли йигит тушди. Мен уни яхши танирдим. Иккимиз битта барақда турардик.

– Танийман, нимаиди?

– Ҳозирок Наманганга жўнайсан. Уни топасан. Пахан айтди, тайёрлаб қўйган «совға»ни мендан бериб юборар экансан, дейсан!

– Қанақа совға, – дедим унинг совуқ кўзларига тикилиб.

– Ўзи билади. Сенинг вазифанг ўша «совға»ни менга келтириб бериш.

– Шу холосми? – «совға» менга аҳамиятсиздек туюлди. – Хўш, бунинг учун қанча ҳақ тўлайсан?

Пахан кулди. Кейин елкамга қўлини қўйиб, қулоғим остида шивирла-

ди.

– Беш минг...

Беш минг! Бу катта пул эди. Кўз олдимга ўша пуллар келди. Юрагим-даги қўрқув ўрнини қувонч эгаллади. «Совға»нинг қандай буюм эканлигини билишга қизиқмадим. Эртагаёқ «совға»ни олиб, Тошкентга етиб боришга сўз бердим. Биз шу ерда хайрлашдик. Автобусга чиқиб, Наманганга йўл олдим. Шомга яқин Файратнинг уйини топдим. Бахтга қарши у ёлғиз экан. Мени кўриб қувонди. Кўришмаганимизга ҳам анча бўлганди-да. Мен тезроқ «совға»ни олишни хоҳлардим. Шу сабаб дўстимнинг гаплари қулоғимга кирмасди. Беш минг сўм оромимни ўғирлаганди.

– Паханни топшириги билан келдим, – дедим унинг узундан узок ҳасратини эшитишни истамай. Паханнинг номини эшитиб, Файратжоннинг юзи оқариб кетди.

– У билан қаерда учрашдинг?!

– Фарғонада! – ростини айта қолдим.

– Нега ўзи келавермади?

– Буниси менга қоронғу. Фақат сенга учраб, «совға»ни олиб кетишимни тайинлади, холос. Дўстим бошини чангаллаб, жим қолди. Юрагини қандайдир изтироб азобларди. Юз- кўзларида қўрқув ифодаси сезилиб турарди. Паханнинг феъли менга аён. Чўрткесар, раҳм- шафқатдан йироқ бўлган бу одамдан ҳамма нарсани кутиш мумкин. Ишни ўз вақтида бажаришни талаб қилади. Пайсалга солган, бебурд одамларни кечирмайди. Бунинг устига ўзгаларга юрагида кек сақлайди.

– «Совға» бу ерда эмас, – деди ниҳоят бошини кўтариб Файратжон.

– Бориш керак! – дўстимнинг хаёлидан нималар ўтаётганидан беҳабар эдим. Ваъда қилган беш минг сўмни тезроқ қўлга киритишни ўйлардим. Пулларни нималарга сарф қилиш тўғрисида режа тузардим. Файратжоннинг юрагига гулгула тушиб, ўзини қўярга жой тополмай қолгани мени қизиқтирмасди. Уни шоширишга ошиқардим.

– Узоқми, – сўрадим унинг жим қолганини кўриб.

– Дарё бўйида. Сен шу ерда қол. Ўзим бориб, олиб келаман. Кечиқиб қолсам хавотир олма. Эрталаб қайтаман! Файратжонни кузатиб, эшикнинг иллагини солиб, унинг каравотига чўзилдим. Елкамга нимадир ботди. Қўлимни тўшак остига сукдим. Қандайдир совуқ темир илинди. Қурол экан. Револьвернинг барабани бўм- бўш эди. У ёқ, бу ёғини қараб, оддий ўйинчоқ эканлигини билдим. Шу тариқа ухлаб қолдим. Совғанинг

қандай буюм эканлигини ўйлаб, мулоҳаза қилдим. Хаёлим турли кўчаларга кирди. Наша бўлса- я, деган фикрдан юрагим сесканди. Баданимдан совуқ тер чиқиб кетди. Бизнинг тилимизда нашани «совға» дейишмасди. Вақт кеч бўлди. Қоронғулик чўқди. Осмонга ой чикди. Аммо Ғайратжон қайтмади. Юрагимни қоронғулик босди. Ушлаб олишган бўлса- я, деган ўйга бордим. Агар у қўлга тушган бўлса, милиция ходимлари келиб бу ерда тинтув ўтказишади, эрталабгача кутаман. Келмаса, кетаман, деган қарорга келдим. Ярим тунда ухлаб қолдим. Эшик тақиллаганда чўчиб ўйғондим. Лақабимни айтиб чақирганларингда юрагим шодликдан типирчилади. Илгакка қўл югуртирганимда милиция бўлса- я, деган фикр ярқ этиб миямга урилди. Илгак тушганда ўзимни шу ерда эканлигимни билдириб қўйдим. Ортга тисарилиб, револьверни сизларга тўғрилагандим...

«Божи Мой» чуқур уф тортди-ю, жим қолди. Унинг асаблари толиққани боис, қўллари титрарди. Юрагидаги азоб-укубатларни кўзидан сезиш қийин эмасди.

Мен ҳам соҳилда бўлиб ўтган фожиа ҳақида бор ҳақиқатни «Божи Мой»га сўзлаб бердим. У сўзларимни диққат ва ҳаяжон билан тинглади.

Ғайратжоннинг суратини кўрсатдим. «Божи Мой» дарров таниди.

– Паханнинг олдига қачон боришингиз керак эди?

– Етиб боришим учун аниқ бир кун белгиланмаган. Аммо, узоғи билан икки-уч кун ичида «совға»ни олиб боришим шарт. Акс ҳолда «Пахан» мендан ранжийди!

Менинг ҳисоб- китобларимга кўра «Божи Мой» бугун «Пахан»нинг ҳузурида бўлиши керак эди.

Сайрамовга қўнғироқ қилдим. Иш вақти бошланмаган бўлса- да, қария хонасида экан. Гўшакни кўтарди. Йўталган овоз эшитилди. Ўша куни шамолда қолиб, қаттиқ совқотганини билдим. Йўтал ҳам ўша совуқнинг таъсири эди.

– Нима гап Камолов, – деди у йўтали босилгач. – Бирор янгилик борми?

– «Божи Мой»га учрадим! Сиз билан маслаҳатлашадиган гап чиқиб қолди!

– Бироздан сўнг олдинга ўтаман, – деди прокурор ва яна уни йўтал тутди.

– Овора бўлманг, ўзим бораман!

«Божи Мой»ни Тошкентга жўнатишга қарор қилдик. У билан бирга

ўзим ҳам кетадиган бўлдим. Ким билсин, балки, жиноят излари ўша ердан топилар. Бу ерда олиб борилаётган қидирув ишлари натижа бермаётганди. Мурдаларнинг яқинлари ўша куни уларни уйдан ёлғиз чиқиб кетишганини айтишди. Соҳилдан топилган ва тахминимизча тирик қолган аёл қотилликни амалга оширган. Мабодо «совға»нинг қийматини эшитган бўлса, қўлини қонга бўяган бўлиши мумкин. Баъзан ўйланиб, хаёл суриб қоламан. Наҳотки бир аёл учта барваста йигитга бас келган бўлса? Уларни болта билан чопиб ташлашга улгурса? Бунинг устига суви тошган дарёдан қайиқда сузиб ўтишга юраги қандай дов бердийкин? Одамнинг ақли бовар қилмайдиган ишлар. «Божи Мой»дан «Пахан» «совға» учун пул берганмиди?», деб сўраганимда у саволимга рад жавобини берди. Демак, қотиллик содир этилган жойда пул рол ўйнамаган. Унда нимадан жанжал чиққан? Гиёҳванд моддалар можаросига эса камдан кам ҳолатда аёл киши аралашади. Қолаверса, бу моддани олди- соттиси уларнинг иши эмас! Аёл уларнинг гуруҳига қаердан қўшилди? Ким бошлаб борган? Излардан маълум бўлишича аёлнинг вазни 80 килограмм атрофида, бўйи 180 см. Албатта қишлоқ аёлларининг қўлидан бундай иш келмайди. «Зона» кўрган аёл бўлиши мумкин, деган қарорга келдим. Бу ҳақда ички ишлар бошлиғига ўз фикримни баён қилдим. Муқаддам қамалиб, ҳозирда озодликда юрган аёлларнинг шахсини аниқлаш ишлари бошланди.

Эрталаб Тошкент шаҳрига етиб келдик. Шаҳар ички ишлар бошқармасидан Аҳмад «шиппак» ҳақида маълумотнома олдик.

### МАЪЛУМОТНОМА;

**Абдурахмонов Аҳмад (лақаби «Шиппак», «Пахан») 1926 йилда Тошкент шаҳри, Варовский кўчасидаги 32 хонадонда туғилган. Муқаддам ўқ отар қуроллар билан ноқонуний равишда олди- сотди қилгани учун 10 йилга озодликдан маҳрум қилинган. 1959 йилда озодликка чиққан. Тошкент шаҳар Кўйлиқ бозорида чойхона очиб, ҳозирда шу ерда хизмат қилади.**

70 йилларда туман ички ишлар бўлими идораларида 20 нафар ходим хизмат қиларди. Алоқа воситалари етишмасди. Бироқ, ходимларимиз оз бўлсада, тажрибали, ўз касбининг фидойи кишилари эди. Ишлаб чарчашмасди. Одам йўқлиги учун Тошкентга «Божи Мой» билан бирга ўзим кетгандим. Шаҳар ички ишлар бошқармасидан менга бир кишини

қўшиб беришди. «Пахан»ни дабдурустдан қўлга олиш учун бизда асос йўқ эди. Фақат у билан суҳбатлашиш, Сирдарё бўйидаги қотилликдан хабардорми йўқми буни билиш эди. Бу ишни «Божи Мой» уддаларди. У билан бирга «Пахан»нинг уйига бордик. Шаҳар ИИБдан олган ҳамкасбимиз бизни ташқарида кузатиб туриши, кўнгилсиз воқеа содир бўлса, бошқармага хабар бериши керак эди. Биз «Пахан» яшаётган уйнинг эшигини тақиллатдик.

Остонада кўз-қовоқлари ширинқираб, юзи қизариб кетган эллик ёшлардан ўтиб қолган киши бизни қарши олди. У эгнига пахтали нимча ташлаб олганди. Очиқ кўкрагида Ленин ва Сталиннинг татировкали сурати кўриниб турарди. Катта-катта кўзлари кўп чекканидан саргайиб кетганди. У «Божи Мой»ни қучоқ очиб кутиб олди. Бир қадам ортга чекиниб:

– Келдингми, ичкарига кир! – деди хирийллаган овозда.

Остонада нима қилишимни билмай туриб қолдим. «Божи Мой» орқага ўгирилди.

– Кирмайсизми? – деди боши билан мени ичкарига имлаб.

«Пахан» менга ғалати қаради. Унинг кўзларидан мени хушламаётгани сезилиб турарди. Уй эгаси таклиф қилмаса-да, остонадан хатлаб ўтдим. Ўрик остидаги сўрига ўтирдик. Ташқари совуқ эди.

– Олиб келдингми? – сўради кўрпачага ўтиришимиз билан «Пахан».

«Божи Мой» бошини эгди. У нима деб жавоб қайтаришни ўйларди.

– Топширигингизни бажара олмадим, – ниҳоят тилга кирди «Божи Мой».

– Нега?

«Пахан»нинг афтига қараб ташвишли ифодани сезмадим. Аксинча юзида қандайдир сирли табассум жилва қиларди.

– Файрат «совға»ни олишга борганда қандайдир аёл уни ўлдириб кетибди!

Суҳбат асносида у «аёл» сўзини ишлатиши шарт эди. Шошиб «Пахан»га қарадим. Юзида ҳеч қандай ўзгариш сезмадим.

– Буни кимдан эшитдинг?

– Мелисалар қотиллик содир этилган жойдан аёл кишининг оёқ изларини топишибди.

Паханнинг қошлари чимирилди. Менга совуқ нигоҳ ташлади.

– Сен, тур-чи ўрнингдан! – деди менга юзланиб, юрагим шув этди. Ноилож ўрнимдан турдим.



– Ташқарига чиқ!

Остона ортида бир соатдан мўлроқ турдим. Гарчи ичкаридаги суҳбатни эшитмасам-да, гоҳи-гоҳида «Пахан»нинг шарақлаб кулиши қулогимга чалиниб қоларди. У ниманидир мароқ билан ҳикоя қиларди. Ниҳоят «Божи Мой» ўрнидан турди. «Пахан» унинг қўлига ўроғлик қоғоз буюм тутқазди. Кафти билан елкасига қоқиб қўйди. Уйдан узоқлашганимизда «Божи Мой» «Пахан»нинг сўзларини менга айтиб берди.

## «Пахан»нинг ҳикояси:

«Сен билан хайрлашиб, бекатга келганимда тасодифан эски танишим – Анварни учратиб қолдим. У ўқ отар қуроллари билан савдо қилиб, қўлга тушган, беш йил озодликдан маҳрум этилиб, жазони Томскдаги лагерлардан бирида ўтаб қайтганди. Қисматимиз ўхшаш бўлганлиги учун биз тезда тиллашиб кетдик. Бир-биримиздан хабар олиб турдик. Бундан олти ой муқаддам у Томскдан Тошкентга кўчиб келди. Икки ой менинг ҳовлимда турди. Сўнг бир таниши уни Фарғонага олиб кетди. Кўришмаганимизга ҳам уч ой бўлганди. Бекатда тасодифан уни учратиб қолдим. Иккимиз ошхонага кириб, бир шиша ароқни бўшатдик.

– Дурустроқ иш топиб берсангиз-чи, – дея илтимос қилди Анвар. Уни қандай иш қизиқтираётганини тушундим.

– Ҳозирча бир танишимни учратиб қолдим. Уни Наманганга – дорига жўнатдим. Эплай оладими-йўқми билмадим, аммо унга нақд «беш минг» ваъда қилдим. Сал илгарироқ, учраганимда бу ишни сенга топшираддим, – дедим.

– Ҳали ҳам кеч эмас. Пулни бегона қилиб нима қиласан. Ҳозироқ ўзим Наманганга жўнайман. Менга адресни бер, – деди Анвар катта миқдордаги пулнинг дарагини эшитиб.

Мени дорини ким олиб келиши қизиқтирмасди. Муҳими қўлимга тегса бас. Танишимга Ғайратнинг уй адресини бердим. Яшаётган жойини тушунтирдим.

– Топиш қийин эмас, Наманганни яхши биламан! – деди Анвар мамнун бўлиб. Ўша куни у Наманганга, мен эса Тошкентга жўнадим. Кўнглим тўқ эди. Кечроқ тушга яқин у келди. Сумкадан халтага ўралган дорини олиб олдимга ташлади.

– Қани бошлиқ, «соққа»ни узат, – деди, хурсанд бўлиб. У катта миқдордаги наша олиб келганди. Севиниб кетдим. Ҳақиқий дори. Гарчи

буни бизда кадрлашмаса-да, четда пулига тортишишмайди. Истаган нархингга сотишинг мумкин. Анварни Наманганда нима иш қилгани мени кизиқтирмасди. Мен учун муҳими дори эди. Уни қўлга киритдим. Бошқаси билан ишим нима!»!

...Анварни излаб топиш ҳаводек зарур эди. Қотилликнинг ипи унга бориб тақалгани маълум эди. Уни қўлга олганимиздагина ҳақиқий қотил кимлигини аниқлаш мумкин эди.

- Анвар қаерда экан? Сўрадингми? – дедим «Божи Мой»дан.
- Ҳа, айтишича «Алайский» бозоридан топиш мумкин экан.
- Уни илгари кўрганмисан?
- Фақат бир маротаба?
- Ташқи қиёфасини эслаб қолганмисан?
- Юзи сал-пал ёдимда, чап қўлининг кўрсаткич бармоғи йўқ.

«Пахан»нинг уйига яширин «пост» қўйиш лозим. Шаҳар ички ишлар бошқармасидан қўшиб берилган йигитга уйни назорат қилишни топшириб, «Божи Мой» иккимиз бозорга йўл олдик. Кўчалар гавжум эди. Анҳор ёқалаб кетган йўл нотекис бўлгани учун тезда машинанинг тутун чиқаргичи тешилди. Гувиллаган овозда шаҳар кўчаларини айландик. Мадомики, Анвар дори олиш мақсадида дарё бўйидаги ертўлага борган бўлса, нега унинг оёқ излари қолмаган? Балки ўзи билан бирорта аёлни бошлаб олганми? Ёки аёлларнинг оёқ кийимини кийганми? Қандай буюмлар сотади? Буни билиш зарур эди. Мендаги маълумотга қараганда, у муқаддам ўқотар қуроллари билан савдо қилиб, қамалган. Яна ким билсин, балки ҳозир ҳам ўша ишни давом эттираётгандир? Уни қўлга олиш хатарли. Ёнида қурол бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Эҳтиёт чорасини кўриш лозим. Бундан ташқари, турмада ўтириб, уч одамни ўлдириб қочган кимсадан ҳар қандай ёмонликни кутса бўлади. Иш тажрибамдан шуни биламанки, бундай кимсалар сезгир бўлишади. Аксинча, милиция ходимларини тезда пайқашади. «Божи Мой»ни таниши ҳам хатарли эди. Кутилмаганда Тошкентда пайдо бўлиши уни хавотирга солиб қўйиши мумкин. Олой бозорига етиб келдик. Бугун якшанба, бу ерга одамлар шаҳарнинг турли қишлоқларидан савдосотиққа келишган. «Божи Мой» машина ойнасига юзини босиб, йўловчилардан нигоҳини узмасди. Одамлар оқими шу даражада кўпки, қараб кўзинг тинади. Вақт ўтган сайин «Божи Мой» хижолат тортарди.

- Ўртоқ бошлиқ, балки бозорнинг орқа дарвозасига ўтармиз, – деди у худди ҳарбийлардек. – Яширин, таъқиқланган буюмлар ўша томонда сотилади.

Бир-биримизнинг ортимиздан эргашиб, бозорнинг орқа дарвозасига ўтдик. Бу ерда ҳам одамлар гавжум эди. Гала- говурдан кулоқ қоматга келади. Ҳамма ўзи билан ўзи овора. Дарвозадан нарироқда ўн беш чоғли одамлар худди бировни кутаётгандек юришибди. Биз уларни кузатдик.

– Уни кўрдим, – деди «Божи Мой» паст овозда.

– Бўлди, қарама, – дедим «Божи Мой»нинг нигоҳини бошқа томонга жалб этиб.

– Адашмадингми? Яхшилаб ўйлаб кўр!

– Адашмадим, – ишонч билан деди «Божи Мой».

– Эғнидаги кийимларини айт?

– Бошида чарм шапка, қора галифали шим. Оёғида хиром этик.

Кўйлаги сарик.

– Яхши, бориб чорраҳадаги милиционерни бошлаб кел, – дедим унга.

«Божи Мой» кетгач, тўппончамни отишга шайлаб олдим. Ўзимни беларво кўрсатиб, Анвар томон юрдим. У паст овозда харидор чақирарди.

– Сақич бор, тозасиданқ ишончли...

Анвар мени харидор деб ўйламади. Шубҳаланганини сездим. Уни кўздан қочириб юбориш мумкин эмасди. Бехосдан устига ташландим. Оғир юқдан гандираклаб, мункиб кетди. Сўнг тезда гавдасини тиклаб олди-да, елкасидан босаётган кучни бир зарбада улоқтириб ташлашга чиранди. Чаққонлик билан бошини қайирдим. Бу орада атрофимизни одамлар ўраб олганди. Боя чорраҳада ҳуштагини чурриллатиб, машиналарга йўл очиб бераётган сержант етиб келди. Бизни ажратиб қўйиш учун яна ҳуштагига куч берди.

– Бас қилинглар! Бас қилинглар деяпман! – ҳуштакнинг «гапига» кирмаганларга пўписа қила бошлади сержант.

Кўллари орқасига қайрилган Анвар, энди қаршилиқ кўрсатиш бефойдалигини тушунди. Унинг бақувват билагига кишан солдим. Чўнтагини титкиладим. «Макаров» тўппончаси чиқди. Бошқа чўнтақларидан эса наша топиб олдим.

Анварни шахар ички ишлар бошқармасига топшириб, прокуратурадан рухсатнома олиб, «Пахан»нинг уйига жўнадик. У мени кўриб таниди-ю, аччиқ нарса чайнаб олгандек афтини буриштирди.

– Яна нимага келдинг? – деди илондек вишиллаб.

Ёнимдаги ҳужжатимни, прокурорнинг тинтув тўғрисида рухсатномасини олиб, унга кўрсатдим.

– Боя афтинг кўзимга хунук кўринганди! – деди «Пахан» ижирғаниб.

Уйидан наркотик модда топилмади. Икки соатдан кўпроқ вақтимиз беҳуда ўтди. Нима қилишни билмай бошимиз қотганди. Бироқ дилимиздаги умид учқуни сўнмаганди. «Чердак»ни текшираётган йигитлардан бири хожатхона томида ётган оёқ кийимини кўриб қолганини айтди. Ёрдамчиларимдан бири томга шоти кўйди. Анчадан бери ўрик остидаги сўрида қош-қовоғини осилтириб ўтирган «Пахан» ўрнидан туриб кетди.

– Томга чикма, сени кўтаролмайди! – дея бақириб юборди.

Бу орада қидирув бўлими ходими томга чиқиб улгурганди. Ўзи билан ранги униқиб кетган чарм этикни олиб тушди. У бир пой эди. Ичига димоқни ёргудек сассиқ ҳид анқиб турган эски латта тиқиб кўйилганди. Пайтаванинг ичидан эса тўрт килограмм марихуанна чиқди. Бу Анварнинг ёнидан топилган қора дорининг айнан ўзи эди. Мени доридан кўра кўпроқ чарм этик қизиқтириб қолди. Унинг остки қисмига назар ташладим. Этик эски бўлса-да, орқасидаги товон излари ейилмаганди. Бу аёлларнинг оёқ кийими эди. Қотиллик содир этилган жойдан топилган жиноятчининг оёқ излари ёдимга тушди.

Биз ўша куни гумондорни ва далилий ашёларни олиб, Наманганга қайтдик. Бу ерда мени яна бир хушхабар кутиб турарди. Участка нозирига қайикни ва унинг эгасини топишни тайинлагандим. У қайиқ эгасини толиб, суҳбатлашган. «Қайикни оқиб кетган», деб Поп туманигача дарёда сузиб борган. 43-километрдаги шох-шаббаларга урилиб, четга чиқиб қолган эгасиз қайиққа дуч келган. Унинг ичидан бир пой чарм этикни топиб олган. Агар, мана шу бир пой этик топилмаганда, биз Анварнинг айбини бўйнига кўя олмасдик.

Анвар биз кутгандан ҳам анча айёр ва хушёр эди. У бизнинг таклифларимизни қабул қилмади. Наманганга келганидан тонди. Биз ундан нима ҳақида сўрамайлик, у худди сеҳрлангандек елкасини қисиб, жим тураверди. Ниҳоят, мен столнинг четига қайиқдан топилган этикнинг жуфтини кўйдим. Хотиржам ва ҳамиша ўзига ишонган Анвар унга қизиқиб қаради. Кўз қирим билан унинг ҳар бир ҳаракатини кузатиб турдим. Ниҳоят ўзини тўтолмаган Анвар:

– Нега бу этикни стол устига кўйдингиз? – деб сўраб қолди.

Мен оддийгина жавоб қайтардим.

– Шунинг учунки, бу этик сизга қарашли. Сиз наша олиш мақсадида шу этикни кийиб соҳилнинг нариги қирғоғига ўтгансиз.

Сўзимни тугатолмадим. Анвар ўрнидан туриб кетди. Столни куч билан бир томонга сурди-да, бақирди:

– Йўқотинг!! Кўзимга кўрсатманг!

– Тинчланинг! – дедим. – Соҳилда қандай ишлар рўй берганини, уч кишини нимага ўлдирганингизни айтиб беринг?!

Шундан кейин Анвар бўлиб ўтган воқеани ҳикоя қилиб берди:

– «Фарғонада «Пахан» билан хайрлашиб, Наманганга келдим. Вақт кеч бўлиб қолганди. «Божи Мой» аллақачон Исмоилнинг ёнига етиб келган бўлса керак, деб ўйлардим. Бирок, дорини олиб кетишга улгурмаган, деган ишонч юрагимга далда берарди. «Пахан» ваъда қилган катта миқдордаги пулни тезроқ қўлга киритишни, Тошкентдан яхшироқ ҳовли сотиб олишни ўйлардим. Қолаверса, бу ерда мени ҳеч ким танимайди. Исмоилнинг кўча эшигига яқинлашганимда, ичкаридан ўзи чиқиб қолди. У яхши кайфиятда эмасди. Нимадандир ташвишланаётганини сезиб турардим. Анчадан бери кўришмагандик. Кучоқлашиб, ҳолаҳвол сўрадим. «Пахан»нинг топшириғи билан келганимни яширмадим.

– «Божи Мой» уйда ўтирибди. У ҳам «Пахан»нинг топшириғи билан келганман, деяпти. Қайси бирингга ишонай!

– Мендан сал илгарироқ «Пахан» уни кўрган экан. Мени учратишидан беҳабар унга тайинлаган экан. Зудлик билан ортидан бориб, дорини ўзинг олиб кел, деб мени жўнатди, – дедим. У менинг сўзимга ишонди. Чунки мен унга нисбатан ишончли одам эдим-да. Иккимиз бирга Момохонга бордик. Излаган одамимизни топдик. Биргалашиб дарё бўйига келдик. Бу пайт ой тиккага келганди. Само узра юлдузлар чакнаб турарди. Изғирин шамол юзимизга игнадек санчиларди. Теракзордан қайикни олиб, тўрт киши соҳилга қараб суздик. Шишадек кўм-кўк сув тиниқ эди. Шовқинсиз, сассиз ва сокин оқарди. Сув юзида ойнанинг акси кўринарди. Баъзида балиқлар сув бетига ирғишлаб чиқишарди-да, ой нурида баданларини ялтиратиб, яна сув тубига «чўлп» этиб, шўнғиб кетарди. Жимжитлик чўккан соҳилда қурбақаларнинг қуриллашигина қулоққа чалинарди. Бизни ҳеч ким кўрмади. Аниқроғи, кўрадиган одамнинг ўзи ҳам йўқ эди. Соҳилга ўтгач, қайикни саксовулга боғлаб, қамишлар орасидан ўзимизга йўл очиб, ичкарига кирдик. Ҳар хил довдарахтлар юришимизга халақит берарди. Оёқларимиз остида қуриб-қовжираб қолган шох-шаббалар, ўт-ўланлар юришимизни қийинлаштиради. Соҳилга депсиб чиққан сув юзасини юпқа муз қоплаганди. Шерикларимнинг оёғига сув кирди. Совуқдан қалтирай бошладик. Олдинда йўл бошлаб бораётган йигит: «Сабр қилинглар, ертўлага бориб, гулхан ёқиб исинамиз», дея бизга тасалли берарди. Амал-тақал

қилиб ертўлага келдик. Қанча йўл босганимизни билмасдим. Фикри ёдим – «Пахан» ваъда қилган пулда эди. Йўлбошловчининг қўлидаги фонар торгина, сассиқ ҳидга тўлган ертўла ичини ёритди. Эшик ортидаги хорига санчилган ойболтага кўзим тушди. Ертўла эгаси хашақлар орасини титиб, латта ва қоғозга ўралган, биз излаб келган нашани олди. Унинг хиди димоғимизга урилди. Ҳаммамиз «оҳ- оҳ», дея ҳавони ҳидладик. Бу гулдан олинган, ғалвирдан ўтказилган сақич мисоли ёпишқоқ нашанинг қаймоғи эди. Бундай дорининг бозордаги баҳосини яхши билардим. Пахан бежиз жўнатмаганини тушундим. Бироқ дорининг эгаси Исмоилга:

– Кўрдингми? – деди кафтида тутган нашани унинг димоғига яқин келтириб. – Тозасидан! Ҳаммамизнинг кўзларимизда чўғ ёнарди. Дорининг ўткир хиди бизни сархуш қилганди.

– Қани, энди соққасини чўз! – деди эгаси дорини, қоғозга ўраб. Исмоил типирчилаб қолди.

– Соққасини уч кундан сўнг оласан! – деди Исмоил ялингансимон.

– Насияга савдо йўқ, «брата»! Кўрдинг, мен сени алдамабманми?

Исмоил қанчалик ялинмасин, нотаниш кимса унинг сўзларига қулоқ солмади. Ўз билганидан қолмади. Асабларим таранглашди. Бу ердан қуруқ қайтишни истамасдим. Яна кўз олдимда «Пахан» ваъда қилган пуллар намоён бўлди. Хорига санчилган болтани қандай олганимни ўзим ҳам билмайман. Болтани олдим-у, икки нотаниш йигитнинг бошига солдим. Қонга беланган кимсалар худди остидан арраланган дарахт мисоли оёғим остига қулади. Ертўла эгасининг қўлидан дорини олдим. Исмоил иккимиз ташқарига чиқдик.

– Нима қилиб кўйдинг! – деди ҳаяжонли овозда. У қўрқиб кетганди. Бадани дир- дир титрарди. – Аблаҳ экансан! Қайдан ҳам сени бу томонга бошлаб келдим!

Исмоил гапириб, йиғларди. Мен унинг сўзларига қулоқ солишни истамасдим. Бўлар иш бўлди. Эндиги пушаймон ўзингга душман. Тезроқ бу ердан жўнашни ўйлардим. Ахир бу чакалакзорда бизни ким кўриб ўтирибди. Қолаверса, қишда ким бу ерга ўтарди. Мурдаларни қузғунлар еб битиришади. Дуккиллаб ураётган юрагимнинг устида мени бой- бадавлат қиладиган дори. Бир қўлимда қонга беланган болта. Негадир уни ташлаб юбормагандим. Ўзим сезмаган ҳолда дастасидан маҳкам ушлаб олгандим. Ортимдан эса Исмоил ҳамон жавраб келарди. Афтидан нима деяётганини ўзи ҳам билмасди. Унинг гаплари миямга

михдек санчиларди. Асабларимни бузарди. Унга нисбатан газабим ва нафратим жўш урарди. Ким уни қамокда ўтирган одам дейди? Шунчалик кўрқоқ ва ваҳимачи бўладими? Бундай одамларга ишониб бўлмайди. Истаган пайтда сотиб қўйиши мумкин. Худо кўрсатмасин оғзим ошга етганда, қўлим пул кўрганда, бирорта мелисага айтиб қўйса борми?! Шу фикр қайдан ҳаёлимга келди. Тўхтадим-у, ортимга ўгирилдим. Дарё бўйига санокли қадам қолганди. Шамол соҳилдаги қамишларни тебратиб, шовуллаган овозини қулоқларим остига олиб келарди. Исмоил важоҳатимни кўриб кўрқди. Турган жойида тахтадек қотиб қолди. Қўйнимдан дорини олдим-да, унинг оёғи остига ташладим.

– Буни қўйнингга яшириб ол. Сузиб ўтаётганимизда сувга тушиб кетмасин! – дедим унга қараб.

Исмоил сўзимга ишонди. Менга ғалати қараб, оёғи остидаги дорини олиш учун энкайди. Шунда бир ирғиб унинг бошига болта урдим. Болтанинг ўткир тиғи унинг бошини иккига ёриб ташлади. Одамнинг жон бериши қийин бўларкан. Анча вақт типирчилади. Қон ёйилиб кетмади. Бир жойда тўпланиб, қотиб қолди. Исмоил типирчилаб, ниҳоят тинчиди. Унинг иссиқ жасадини елкамда кўтариб, қамишзор ичидан ўтиб, дарё бўйига келдим. Жасадни дарёга ташлаб юбордим. Ой нури ёритиб турган сув юзида бир дақиқа кўринди-да, сўнг дарё тубига чўкиб кетди. Сув унинг қонга беланган юзини шу заҳотиёқ ювиб ташлаганди...

Бир неча дақиқада уч киши ҳаётдан кўз юмди. Уччаласи ҳам қандайдир бойликнинг қурбонига айланди. Қилган ишим ҳақида ўйлашга, мулоҳаза юритишга вақтим йўқ эди. Ахир соҳилда туриш ҳавфли-ку. Овчилар келиб қолиши, ёки ҳув олисда шовуллаб турган теракзорнинг қоровули кўриб қолиши мумкин-ку? Уч йигитнинг ўлимига ёлғизгина гувоҳ бўлган болтани олиб келдим. У Исмоилни ўлдирган жойимда қолиб кетганди. Қулоқларини ёйиб, уни дарёнинг ўртасига улоқтирдим. Қайиққа ўтириб, соҳилнинг нариги томонига қараб суздим. Қайиқ ичида кимнидир оёқ кийими қолиб кетганди. Чарм этигимга сув кирганди. Оёқларим совуқдан қотиб қолганди. Этигимни ечдим. Паханнинг уйдан топиб олган этигимга қўйнимдаги нашани солиб, устидан пойтавани солиб қўйнимга яширдим. Бир пройи эса қайиқда қолганди. Сиз уни топиб олишингизни ҳеч қачон ҳаёлимга келтирмагандим. Мана шу айбим мени ҳеч ким кўрмаган ва гувоҳ бўлмаган сиримни очди.

\* \* \*

Қотил айбига иқорор бўлди. Муҳими уни қўлга олдик. Милиция ходи-мига бундан ўзга қувонч ва бахт бўлмаса керак. Шундай пайтларда ўз шодлигингни кимгадир айтгинг, у билан баҳам кўргинг келади. Телефон гўшагини кўтардим. Навбатчидан Сайрамов билан улашни сўрадим. Навбатчи негадир жим қолди. Кейин паст овозда:

– Боя айтгим келмагани, Сайрамов кечқурун касалхонада вафот этди!  
Кўкрагимни нимадир қисди. Ўзимни тутолмай йиғлаб юбордим.

## **ҚАБР ОСТИДАГИ ҚАСР**

Кузнинг ўрталари эди. Тун яримлаб қолган бўлишига қарамай, ёғ экстракт заводида иш давом этарди. Ишчиларнинг бақир-чақирлари, темир-терсақларнинг тарақ-туруғи тунги сукунатга халақит қиларди. Совуқ изғирин эса ерларда сочилиб кетган дов- дарахтларнинг сарғай-иб, нам тортиб қолган япроқларини тортқилаб қаёқларгадир олиб кетмоқчи бўларди. Кемтик ой худди ерга тушиб кетадигандек сурмаранг ёғдуларини она замин узра сочмоқда. Мана шундай дилбар кечада канал ёқасидаги ёлғизоёқ йўлдан икки киши шошиб, қадам ташлаб оқимга қарши томон юриб борарди. Тез юрганларидан ҳансираб-ҳаллослар, бир-бир ортларига қараб қўйишарди. Уларнинг нимадандир ҳадиксираётгани сезилиб турарди. Ойнинг ёғдусидан қочиб, ўзларини теракларнинг соясига олишга ошиқардилар.

Тунги шарпалар узоқ юришди. Пешона ва юзлари терлаб кетганди. Осма кўприк ёнига келишганда нафаслари бўғзига тиқилиб тўхташди. Ортларидан бегона одам таъқиб қилиб келаётгандек яна бир бор ортларига қарашди. Бир зумгина нафасларини ростлаб олишгач, юришда давом этишди. Кўприк ўртасига келганда паст бўйли одам кўйнидан латтага ўралган буюмни олди-да, сувга улоқтирди. У ой нурида бир зумгина ялтираб, шох-шаббаларга урилиб, сўнг чўлп этган овоз чиқариб кўздан ғойиб бўлди. Пакана одам елкасини босиб турган оғир юқдан халос бўлган эдамдек ўзини енгил ҳис этди. Аммо қўлига ёпишган шилимшиқ қондан бадани электр токи ургандек жимирлаб кетди...

Шарпалар кўприқдан ўтишди. Бу гал улар ўз йўлларини ўзгартиришди. Ой ҳам уларга эргашди. Ёлғизоёқ сўқмоқ уларни канал тепасидаги қабристонга олиб чиқарди. Қабристон бундан ўн йиллар муқаддам тўлган. Энди марҳумларни бу ерга дафн этмай қўйишганди. Сўқмоқни



ўт- ўланлар босиб кетганди. Улар чирмовукдек оёққа илашиб, юришни қийинлаштирарди. Катта-кичик тошлар, ёмғир сувида увиб қолган кесаклар, каламуш ва тулкилар кавлаб ташлаган чуқур хандақлар, гўё оғзини очиб турган махлуқдек юракка кўрқув солади. Қуриб-қовжираб қолган ўт- ўланлар ёмғир сувида нам тортиб оёқлар зарбига бардош беролмай вужудида оғриқ туйгандек инграйди. Илгарилари бу ерларда дайди итлар санқиб юрарди. Улар тўда-тўда бўлиб, бир-бирларини қувиб изғишар, ўзлари билан олиб келган ўлжаларини шу ерда баҳам кўришарди. Негадир кейинчалик улар келмай қўйишди. Ахён-ахёнда бир-иккита дайди ит адашибми ёки туғилган жойини қўмсабми келиб қоларди.

Катта-катта қадам ташлаб тепалик сари тирмашиб чиқаётган бояги кимсалардан бири ёнтоқлар орасида ётган юмшоқ нарсани босиб олди ва гўёки бомбага дуч келгандек сесканиб, бир неча қадам ортага тисарилиб йиқилиб тушди. Вангиллаган овоз тун сукунатини бузиб, борлиқни ларзага келтиргандек бўлди.

– Эй падарингга лаънат! – кўрқувдан овозининг борича кичқириб юборди паст бўйли одам.

– Палид! – тўнғиллади иккинчиси ҳам ва ошиғич қўйнидан тўппончани олиб, унинг учини қайси томонга тўғрилашни билмай довдираб қолди. Сўнг: – хушёр бўлиб қадам бос сўфи, бу ерларда дайди итлар кўп бўлади, – дея огоҳлантирган бўлди.

Ит бўйнини қийшайтириб вангиллаганча қочиб кетди.

Улар чор тарафи кўрғон қилиб ўралган, тепа қисми қор ҳамда ёмғир сувидан увиб, нураб тушган пахса девор олдида тўхташди. Олдинда бораётган йўл бошловчи бу ерни яхши билса керак-ки, йўлидан адашмай қабристон ичкарасига кириладиган тешикни топди. Туянинг ўркачидек паст-баланд қабрлар, бу ердаги совуқ сукунат ҳар қандай одам қалбида кўрқув ҳиссини уйғотади. Сўфининг пойма-пой қадам ташлаши, кўрқув аралаш атроф-теваракка олазарак нигоҳ ташлаши унинг бу томонларга илк бор келганидан далолат беради. Бу орада у қандайдир чуқурга тушиб, икки бор мункиди. Гўштор кафтига тикан ботди. Оғриқдан инграб юбораёзди. Лекин буни ўша заҳотиёқ унутди. Кимсасиз ва кўрқинчли бу жойга нимага келишаётганлигини ўйлади. Шаҳардан чиқиб кетишса ҳам бўларди-ку?! Биров танимайди. Улардан шубҳа қиладиган одамнинг ўзи йўқ бўлса! Балки бу қабристон этагида у билмаган ва кўрмаган бирорта қишлоқ бордир.

– Етиб келдик сўфи! – деди хўжайин йўқотиб қўйган буюмини топиб олгандек мамнун бўлиб.

Сўфи косасига сигмаётган кўзлари билан атрофга аланглаб боқди. Қабристондан ўзга нарса унинг кўзига кўринмади. Оқшом чироқларига кўмилган шаҳар унинг диққатини тортди. Шаҳарнинг тунги қиёфаси шу қадар гўзал эди-ки, сўфини оҳанрабодек ўзига сеҳрлаб олди. Туннинг мусаффо ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олди. Вужудига ёйилган қувонч ва шодлик ўша заҳотиёқ уни тарк этди. Музлаб карахт бўлиб қолган одам ҳолатига тушди. «Энди у томонларга қайтиб бориш насиб қилармикан? Бола-чақаларининг дийдорини кўрармикан?!»

– Нега хода ютгандек гўддайиб турибсан?! Ўтир! – жеркиб берди хўжайин.

Сўфи тиз чўқди. Тиззасига тош ботди. Кафти билан оғриқ турган жойини уқалади. Хўжайин эса тўхтаган ерларини шох-шаббалардан тозалади. Каердандир дастаси қирқилган куракни топиб, ерни қазишга киришди. Ер қатлами юмшоқ эди. Чуқур тизза бўйи бўлганда курак учи қандайдир қаттиқ жисмга тегди. Фашни келтирувчи гичирлаган овоз эшитилди. Хўжайин чуқур ичидан тупроқни чиқариб, ўрнидан турди.

Оёқларини икки томонга кериб, энкайганча ниманидир тортқилади. Кучли магнит майдонидан ажратиб олаётгандек уни зўрға кўтариб ташқарига чиқарди. Қандайдир темир қопқоқ экан. Хўжайин юзидаги терни артиб, сўфига буюрди.

– Қани пастга туш! – деди пишиллаб нафас олар экан.

Кўрқувдан Сўфининг юраги титради. «Мени бу ерга тириклай кўммоқчими?» Сўфи ортига тисарилди. Қочмоқчи бўлди. Хўжайин унинг юмшоқ биқинига тўппончани тиради.

– Қаёққа! Шундай пайтда мени ёлғиз ташлаб-а? – истеҳзоли жилмайди хўжайин.

– Нима, мени тириклайин кўммоқчимисиз? – йиглаб юборди сўфи.

– Пастга туш деялман! – аввалгидан баландроқ овозда ўшқирди хўжайин.

Кўрқувдан эс-ҳушдан айрилаёзган сўфининг қалтираётган оёқлари яна уни тўйнуқ тепасига судраб келди. Ёшга тўлган кўзларини пастга қадади. Қоп-қоронғу тўйнуқ ичида кўзига ҳеч нарса кўринмади. Биқинини тешиб юбораётган тўппончанинг азобидан қутилиш учун аста пастга энкайди...

Мурда шаҳар марказидаги ўликхонага жўнатилган бўлса-да, тезкор гуруҳ ходимлари воқеа жойида қотиллик сабабларини ўрганишда давом этишарди. Бахтга қарши жиноятчилар ўзларидан ҳеч қандай из қолдиришмаганди. Шу сабаб гуруҳ аъзоларининг боши қотганди. Уя девори-га сачраган қон ва мия суюқлиги марҳумни гилам устида эмас, балки диванда ётган жойида ўлдирилганлигини тасдиқларди. Хонада олишувдан дарак берувчи қон излари кўзга ташланмасди. Криминалист-эксперт Зокирхон Раҳмонов уй ичи ва ҳовли ташқарисида қотиллар томонидан қолдирилган бирорта изни тополмаётганидан хуноб эди. Сервантлардаги қимматбаҳо буюмларга қўл теккизилмаганди. Гуруҳ аъзолари «Жиноятчилар талончилик ёки босқинчилик мақсадида эмас, балки қасддан одам ўлдириш ниятида бу хонадонга киришган», деган хулосага келишганди. Биллур идишлардан бирига солинган олмалар криминалистларнинг эътиборини тортиб қолди. Улар биллур қандилдан таралаётган чирок, шуъласида қирмизи тўсда товланарди. Худди шохдан ҳозиргина узиб олингандек ўзидан ёқимли ҳид таратарди. Раҳмонов олмаларга диққат билан назар ташлар экан, улардан бири тишланганлигини кўриб қолди. Тишланган олмани эҳтиётлик билан қўлига олди. Негадир бу олма криминалистларда шубҳа уйғотди. Жиноятчи уни қўлқоп ёрдамида ушлаганлиги билиниб турарди. У олмани бир маротаба тишлаган ва кемтик жойини яшириш учун атайлаб уни тесқари томонга қаратиб қўйган. Олмада қонли тиш излари яққол кўзга ташланиб турарди. Раҳмонов уни салафан халтага жойлаб ташқарига чиқди.

– Энди бу ерда қиладиган ишим қолмади, – деди у эшик ёнида гувоҳ билан суҳбатлашиб турган тергов гуруҳининг бошлиғи Самадовга.

Терговчи ҳамкасби билан хайрлашиб гувоҳга юзланди. Дарозгина, елка суяқлари ирғиб чиққан қария юпқа кийиниб олганидан дилдирар, совуқдан лаблари ҳам кўкариб кетганди.

– Иссиқроқ кийиниб олмасиз-да амаки. Бунақада шамоллаб қоласиз! Қани юринг ичкарига! – терговчи қарияни ичкарига таклиф қилди. Бироқ қария ичкарига киришни истамасди.

– Мен ўлик чиққан жойдан қўрқаман ука, яхшиси бошқа хонага кира қолайлик!

Қўшни хонага киришганда Самадов қариянинг елкасига одеял ташлади.

– Мана энди билганингизни, кўрганингизни ва эшитганларингизни бир бошдан гапириб беринг амаки!

– Хўп бўлади укаҳон. Аммо гапирганларим орамизда қолсин. Чунки мен бу ерга мусофирман. Холангизга Қўқондан ичкўёв бўлиб келганман.

– Хавотир олманг, – далда берди терговчи, – биз сизни ҳеч кимга ошқор қилмаймиз!

– Ҳай, нима деяётгандим, эсим мана шунақа кирарли-чиқарли бўлиб қолганда укаҳон. – Қария титроқ қўллари билан юзини силаб гапида давом этди. – Соат неча бўлганини билмайман. Ташқарига чиққанимда ой тиккада турарди. Кечқурун кўпроқ овқат еб қўйибманми, тун ярмида қорним безовта қила бошлади. Хожатхонага чиқдим. Бир нос чеккулик фурсат ўтирдим. Қулоғимга гўнғир-гўнғир овоз чалинди. Кўшнимнинг ишдан кеч қайтадиган одати бор, келган бўлса керак, деб ўйладим-у ўтиравердим. Бироздан сўнг тарсиллаган овоз эшитилди. Яна жимжитлик чўкди...

– Ориф ака, – деди терговчи қариянинг сўзига аниқлик киритиш мақсадида, – Қулоғингизга эшитилган ўша гўнғир-гўнғир овоздан бирор сўзними ёки одамнинг отиними англаб етмадингизми?!

– Йўқ, қулоғим илғамади укаҳон, – деди қария.

– Яхшилаб эслаб кўринг, бу биз учун жудаям муҳим!

Ориф ака ўйга толди. Бир дақиқадан сўнг бошини чайқади.

– Тўғриси англаёлмаяпман укаҳон!

– Кейин нима бўлди? – деди терговчи Ориф аканинг қизиллик югураётган юзига тикилиб.

– Уйга кириб кетдим. Бироқ кўзимга уйқу келмасди. Юрагим негадир безовта бўлаверди. Деворга қулоғимни тутдим. Жимжитлик. Кўнглим ниманидир сизди, ўрнимдан туриб ташқарига чиқдим. Қулоқларимда ўша гурс этган товуш. Мени ваҳима боса бошлади. Юрагим боягидан ҳам қаттиқроқ дукиллаб, оёғимнинг учигача музлаб кетдим. Кечки пайт кўшнимнинг хотини ўглини ёнига олиб Тошкентга тушиб кетганди. «Бирорта эгри қўл уйда ҳеч ким йўқлигидан хабар топиб, ул-булни ўмариб кетмасин-да», деган ўй кўнглимдан ўтди. Деворга шотини кўйиб, ҳовлига мўраладим. Қарасам уйнинг эшиги қия очиқ турибди. «Кўшни», деб бир-икки овоз чиқардим. Товуш бўлмади. Қўрқиб кетдим. Кўча айланиб ҳовлига ўтдим. Дарвозанинг бир қаноти очиқ қолганди. Уй олдига келиб, яна «кўшни», деб овоз қилдим. Ичкаридан жавоб бўлмади. Мени баттар ваҳима босди. Қўл-оёқларим безгак тутгандек қалтираб хиёл очиқ турган эшикдан уй ичига назар солдим. Солдим-у, бошимга кимдир гўрзи билан ургандек бўлди... Келинг у ёғини мендан

сўраманг. Кўчага қандай чиқиб қолганимни билмайман. Муюлишдаги устaxonага бориб телефонда милисага хабар қилдим. Кўрган-билганим шу ухахон...

– Яхши, – деди терговчи қариянинг сўзларини ён дафтарчасига ёзиб оларкан. – Машина овозини эшитмадингизми?!

– Йўқ, ухахон. Мен жуда сергак одамман. Пашша гинг деса қулоғим илғайди.

– Ориф ака, ҳожатхонадан чиқиб уйда қанча вақт ётганингизни эслай оласизми?!

– Бир соатча, – ҳозиржавоблик билан деди қария.

– Қўшнингизникига кимлар келиб-кетиб туришини билармидингиз?

– Раҳматликнинг дўстлари кўп эди. Тўғриси, мен уларнинг исми-шарифини билмайман. Катта одамлар, бизнинг тенгимиз эмасда ухахон...

– Сизга катта раҳмат Ориф ака. Мабодо бирор гап ёдингизга тушиб қолгудек бўлса, менга қўнғироқ қилинг. – Самадов телефон рақами ёзилган қоғозни қарияга узатди.

Ориф ака терговчи билан хайрлашиб уйи томон йўл олар экан, бирдан ҳожатхонада ўтирганда қулоғига чалиниб қолган бир сўзни эслаб қолди. Ортига бурилиб, терговчига қараганда у ичкарига кириб кетганди...

Кейинги пайтда Раҳимхонов ишхонасига камдан- кам келарди. Эрта-лаб бирров кўриниш берарди- да, бажариладиган ишларни ёрдамчиларига топшириб тезгина идорадан ғойиб бўларди. Солиққа ва валютага оид жиноятчиликка қарши кураш бўлими департаменти ходимлари дон маҳсулотлари ҳиссадорлик жамиятига текшириш учун келишганда, Раҳимхонов шаҳар ташқарисидаги дала-ҳовлисига жўнаб кетганди. Бу ҳақда унга зудлик билан хабар қилишди. Бироқ Раҳимхонов бугун ишхонага тушишга вақти йўқлигини айтиб, идорага бормади. Департамент ходимлари ун, дон, омухта ем ишлаб чиқариш омборларини муҳрлаб кетишди. Эртаси куни ишга келган Раҳимхонов бундан қаттиқ газабланди. «Менинг рухсатимсиз омборларни муҳрлашга уларнинг нима ҳаққи бор экан», деб ўринбосарларини жеркиб берди. Ҳозироқ муҳрларни бузиб ташлашни буюрди. Унинг қаҳр- газаби қанчалик кучли бўлмасин, муҳрларни бузишга ҳеч ким ботина олмади. Бир-иккита ҳайбаракаллачи ходимлари ётиғи билан уни овутишди. «Хафа бўлманг хўжайин, ҳурматини қилайлик. Кеча муҳрлашган бўлса, бугун ўзлари

келиб бузиб ташлашади. Эл кўзига шундай қилишганда. Ахир сизнинг кимлигингизни улар ҳам яхши билишади-ку», деб қўлтиғига сув пуркашди. Бу гап ўтга сув селгандек тутаб кетган Раҳимхоновнинг ҳовурини босди. Ходимлари олдида ўз обрўсини, нималарга қодир эканлигини кўрсатиб қўймоқчи бўлганди холос...

Ҳаммадан ҳам Каримжон қаттиқ кўрқди. Бу йил қабул қилиб олинган буғдой дони минг тоннадан кўпроққа кам эди. Хўжайиннинг шахсан топшириғи билан шундай катта миқдордаги камомадга йул қўйганди. Бундан ташқари, ўзининг ҳам нафси ҳакалак отиб, эллик тонна буғдойнинг нақд пулини олиб қўшиб ёзганди. Омбор муҳрланганда оёғи куйган товукдек типирчилаб қолди. Гангиб қолган одамдек бошини қаерга уришни билмай эсанкираб қолди. Икки ойгина келишмай туришганда-ку, ҳаммаси хамирдан қил суғургандек теп- текис бўлиб кетарди. Каримжон қандай йўл билан бўлса-да омборни текширтирмаслик йўллариини излади. Ҳаёли турли кўчаларга кирди. Бошлиқнинг бепарволиги унинг газабини келтирди. Мабодо камомад аниқлангудек бўлса, тинчителишнинг иложи бўлмай қолади. Ахир ўн йилдан бери келиб кетаётган текширувчиларнинг бирортаси шу пайтгача дон омборини муҳрлашга журъат этмаган. Хўжайиннинг кўрсатмаси билан айтилган цехда текширув ўтказишган. Шу баҳона бошлиқ дидига ёқмаган, топширикни бажармаган, вақтида муомалани қилмаган цех раҳбарларини ишдан четлатган. Бу ўч олишнинг оддий ва осон йўли эди. Наҳотки бу гал хўжайин келиб-келиб уни нишонга олган бўлса?! Ўрни кимга керак бўлиб қолдикин? Ахир бир ой илгари ўз ўрнида қолиш учун кўкидан ўн минг узатганди-ку! Кимдир уни сотган? Орада душман бор!

Каримжон туни билан ухламади. Эрталаб ишга барвақт келди-ю, ҳеч кимга сездирмай муҳрланган бункерларни текшириб чиқди. Уларни кўрганда юраги баттар эзилди. Худди яқин кишисидан айрилиб қолган одамдек бункерларга қўлини тираб йиғлаб юборди.

Тангадек тешик ҳам департамент ходимларининг эътиборидан четда қолмади. Каримжоннинг назарида босилган тамгалар ўн йилдан бери қилинган ўғрилиқлар, қўшиб ёзишларни ошкор этишга шай тургандек. Бошлиқ ўз одатига амал қилган ҳолда бугун ҳам ишга кеч келди. Ичкарига киргандаёқ одамларнинг кайфияти тушиб кетганлигини, ичкарида қандайдир совуқ сукунат ҳукмронлигини илғади. Гўёки бўлиб ўтган воқеалардан хабарсиздек хонасига кириб кетди. Каримжонга қайрилиб қарамади ҳам. «Демак, мени ишдан ҳайдаши ёки қаматиш пайига

тушгани аниқ. Сен аблаҳга осонликча таслим бўладиган аҳмоқ йўқ», деган ўй дилидан кечди. У бошлиқнинг ортидан эргашди.

– Омборни «печат»лаб қўйишди, – деди руҳи тушган ҳолда.

Бошлиқ тортмадан хушбўй атирни олиб бўйинлари остига сепди.

– Омборнинг тўғримида? – Каримжоннинг наздида бошлиқ бу сўзни ўсмоқчилаб сўраётгандек туюлди.

– Камомадим бор...

– Қанча? – атирни жойига қўйиб тортмани беркитаркан, Каримжоннинг юзига синчков нигоҳ ташлади.

– Минг тонна!..

Бошлиқ биров устидан совуқ сув қўйиб юборгандек сапчиб тушди.

– Шу пайтгача тўғриламаганмидинг?!

– Ўтган йилги «остатка» тугамаган эди-да хўжайин!

– Нега илгарироқ ҳаракат қилмадинг?!

– Тегирмон икки ойдан бери ишламаяпти хўжайин! Кейин буларнинг келиши тушимга кирибдими?

– Мен билмайман, жавобини ўзинг берасан!

Бошлиқ Каримжоннинг юрагига пичоқ санчгандек бўлди. Ёноқларидан қон қочди. Юрагидаги ғазаб ва нафрат кўзларига балқиб чиқди.

– Жавобини бирга берамиз хўжайин, – ўзини қўлга ололмаган Каримжоннинг оғзидан шу сўз чиқди. – Бошимга мусибат тушганда ўзингизни четга олиб қочманг. Нима иш қилган бўлсам сизнинг топширигингиз билан қилганман!

Бошлиқнинг сигирни елинидек қип-қизил юзи оқарди, лаблари учди. Юзига сохта табассум ёйилди.

– Нега сен учун мен жавоб беришим керак экан, – деди гўё у билан ҳазиллашаётгандек. – Каримжон ўзини босолмади. Юрагида нимадир вулқондек отилди.

– Бу сизнинг хатингизми? Қайси хўжаликка неча тонна қўшиб ёзиб бериш тўғрисида кўрсатмангизми?! Эътиборингиз учун мен буйруқ бажарганман, ҳузурини сиз кўргансиз?

Раҳимхонов Каримжондан бу жавобни кутмаганди. Унинг қўлидаги дастхатини таниб қолди. Тили айланмади.

– Қоғозни бу ёққа бер, – деди бояги шаштидан тушиб.

Каримжонга жон кирди. У боягидан дадиллашди.

– Ҳозирча менда тургани дуруст хўжайин. Ишингиз кўп одамсиз, яна қўйган жойингизни билмай қийналиб юрманг! – Каримжон энди очиқча-

сига бошлиқни масхара қилишга ўтганди. Унинг бу сўзлари Раҳимхоновнинг баданига игна санчиб олгандек таъсир қилди.

– Қўйнимда сендай илонни сақлаб, бу қадар палидлигингни билмаган эканман!

– Хўжайин, «От бошига иш тушса сувлиғи билан сув ичар, йигит бошига ташвиш тушса этиги билан сув кечар», деган мақол бор. Бошимга иш тушганда сиз мени ёлғизлатиб қўйдингиз. Чўқаётган одам чўлга осилади, нажот излайди. Сизнинг бу ҳужжатларингизни асраб хато қилмаган эканман. Ўзингизни олиб қочмоқчи бўлганингизда аско-тиб қолди!

Раҳимхонов аросатда қолди. У Каримжон билан тил топишиш учун сўз ахтарди.

– Нима истайсан?... – муросага келиш учун овозини пасайтириб сўради бошлиқ.

– Менга қолса бу ишлар бости-бости бўлиб кетгани дуруст. Бўйрук бажарувчи камина озор чекмасин. Юрагим чатоқ. Менга бир гап бўлгудек бўлса, бола-чақамга қийин бўлади.

– Шунини билиб қўй, сенга йўналган таёқ менинг бошимда синади. Қолаверса бу хат текширувчиларнинг қўлига тушиб қолгудек бўлса, нафақат иккимиз, балки уч-тўртта туман ҳокимлари ҳам биз борган темир панжара ортига кетишади. Яхшиси қоғозни йўқот!

– Ўша сиз айтган темир панжара ортида бир соат ҳам ўтиришга тоқатим йўқ хўжайин. Яхшиси, тезроқ ҳаракатингизни қилинг! Замон ўзгарган. Сиз ишонган дарахтларнинг илдизи чириган кўринади.

Каримжон қоғозни чўнтагига солиб, хонадан чиқиб кетди. Хўжайин алам билан столни муштлади.

– Падарингга лаънат! Қайдан ҳам сен аблаҳни ишга олдим! – дея сўкинар экан, ғазабдан титраётган қўлини телефонга чўзди...

Туман ички ишлар бўлимининг жиноят-қидирув бўлими бошлиғи Маҳмуджон Камоловнинг хонасидаги чироқ тун ярмидан ўтган бўлишига қарамай ўчмаганди. Эшик тепасидаги соат миллари тунги иккини кўрсатиб турарди. Бўлим изкуварлари, криминалист-экспертиза бўлимининг бошлиғи шу хонага йиғилишганди. Улар тунда Охунбобоев кўчасидаги 34-хонадонда содир этилган қотиллик сабабларини таҳлил этишга тўпланишганди. Тергов гуруҳининг бошлиғи Самадов ушбу қотилликка оид тўпланган маълумотлар ҳақида ахборот берди. Бироқ гувоҳларнинг



етарли эмаслигини, марҳумнинг қўшниси Ориф ака эса фақат оёқ шарпаларинигина эшитганини таъкидлади. Марҳумнинг ўлдирилишидаги асосий қурол пичоқнинг топилмагани ҳам тергов ишларини қийинлаштириб юборганди. Терговчи қотиллар қуролини ўзлари билан бирга олиб кетишган, деган қарорга келди. Асаблари таранг тортилган Камоловнинг сўзларидан ходимларнинг ишидан қониқиш ҳосил қилмагани сезилиб турарди.

– Қотил қонга ботган пичоқни ўзи билан бирга узоққа олиб кетолмайди. Бу унинг руҳига салбий таъсир қилиши мумкин. Фақат, қаерга ташлаганлигини аниқлаш, излаш, топиш лозим! – деди Камолов. – Қотиллар марҳумнинг уйига пиёда келишган ва жиноятни содир этиб, пиёда қайтиб кетишган. Улар одамлардан холи бўлган қинғир йўллар билан ҳаракат қилишган бўлиши мумкин. Бегоналарнинг кўзига чалиниб, ўзларига нисбатан шубҳа уйғотмасликка ҳаракат қилишган. Назаримда улар асфальт йўлдан эмас, балки ҳовлининг ён томониغا жойлашган канал четидан боришган бўлиши мумкин. Демак, пичоқ шу атрофга ташлаб юборилган.

– Фарғонадан чақирилган кинологлар канал ёқасидан из олишолмади. Сабаби чинор баргларидаги ёқимсиз хид итларнинг ис олишига салбий таъсир кўрсатган, – ўз хулосасини баён қилди Мирфозилов.

Криминалистика экспертизасининг бошлиғи Раҳмонов ҳам далилий ашё сифатида марҳумнинг хонадонидан бир маротаба тишлаб ташланган олмадаги тиш излари ҳақида суд тиббий экспертизасининг хулосасини ўқиб эшиттирди.

– Афсуски олмада ҳеч қандай бармоқ излари топилмади. Жиноятчилар воқеа жойида қўлқоп ёрдамида ишлашган. Қотилликни содир этишдан аввал, бу ишга пухта тайёргарлик кўришган. Олмадаги тиш изига илашиб чиққан қон биологик тиббий экспертизанинг берган хулосасига кўра, марҳумнинг қонига тўғри келмайди. Бошқа шахсники эканлиги аниқланди. Олма тахминан 25- 30 ёшлар чамасидаги эркак киши томонидан тишланган. Уч излардан бири металдан ясалган. Теза жағдаги 7 тиш қотиллик содир этилган кун суғурилган. Икки томондаги тишлар эса чархланган. Мутахассисларнинг айтишича, жиноятчи тиш қўйдириш мақсадида шундай қилган. Менинг фикримча, шаҳардаги барча хусусий тиш даволаш шифохоналарини кўздан кечириш, тиш олдирган шахсларнинг исми-шарифларини аниқлаб, рўйхатини тузиш лозим!

Зокиржон Раҳмоновнинг таклифи майорга маъқул тушди. Бу ҳақда ўз мулоҳазасини билдирди.

– Олмани биз ўйлаган жиноятчи эмас, уй эгаларидан бирортаси тишлаган бўлса-чи?!

– Нима бўлганда ҳам аниқлаш зарур, – ўз сўзида қатъий туриб олди Раҳмонов.

– Яхши, бу ишни капитан Сатторов сизнинг зиммангизга юклаймиз, – майор бурчақда ўтирган ёш капитанга қаради. – Шуни эсда тутинг, шифокорларнинг айримлари даромадни яшириш мақсадида мижозларининг исми-шарифларини дафтарга қайд этишмайди. Шунинг учун уларни чўчитмай, суҳбатлашинглар. Нима мақсадда текшираётганларингни очиқ айтинглар. Уларнинг ёрдами кераклигини тушунтиринглар. Шундай қилинганда улар бизни тўғри тушуниб, ўзлари ёрдам беришади, – майор ён томонида ўтирган Мирфозиловга қаради. – Сиз канал бўйлаб қидирув ишларини давом эттиринг. Балки қотиллар бизни чалғитиш мақсадида канал ёқалаб ҳаракат қилишгандир. Пичоқни сувга улоқтириб ташлаган бўлишлари ҳам эҳтимолдан холи эмас.

Майор ходимларига йўл-йўриқ ва кўрсатмалар бериб, эртаси кuni тунги соат 11 да ахборот беришларини маълум қилди.

Исохон Раҳимхонов кутилмаганда Мақсуд полвонни йўқлаб қолди. Гарчи у билан бўладиган учрашувларни шаҳар четидаги дала-ҳовлисидан ўтказишга одатланган бўлса-да, бугун одатига хилоф иш тутди. Айтадиган гапининг муҳимлигидан эмас, балки вақтнинг тифизлигидан шундай қилишга қарор қилганди. Хўжайин у билан илгариги алоқасини узиб қўйганди. Камдан кам ҳолда учрашишар, аниқроғи хўжайин уни илгаригидек тез-тез йўқламай қўйганди. Раҳимхоновнинг кутилмаганда ўз ишхонасига таклиф қилиши полвонни бироз ўйга толдириб қўйди. Хаёлидан турли ўй-фикрлар ўтди. Бир кўнгли боргиси келмади. «Гинакудрат қилган экан-да», деган шубҳага бормаслиги учун йўлга отланди. Остонадан ҳатлаб ўтгандаёқ Раҳимхоновнинг тунд чехрасига кўзи тушди. Қандайдир кўнгилсизлик содир бўлганини тушунди. Бу ҳақда ўзи гапирмагунча сўрамади. Елкаси букчайиб қолган хўжайин унга ёв қараш қилди. Бу айтилган муддатдан анча кечикиб келгани учун норозилик белгиси эди.

– Сенга нима бўлди полвон, акам бор эди деб хабар ҳам олмайсан! Ё дилингни ранжитиб қўйганманми?!

– Ундай деманг хўжайин, хафа қиладиган иш қилибсизми-ки, мен сиздан аразласам!

– Шама қилма, кесатик гапларни эшитишга тоқатим йўқ! Ҳозир гина-қудрат ҳақида оғиз очадиган вақт эмас. Бошқа муҳим иш бор! – деди Раҳимхонов паст овозда. Полвон сездики, хўжайиннинг илгаригидан анча шашти тушиб қолган. – Иш чатоқ, – вазмин оҳангда гапида давом этди Раҳимхонов. – Иш чатоқ, эшитгандирсан ўтган куни идорани департамент босди. Мендан берухсат ҳамма омборларни муҳрлабди.

– Ҳар йилги келиб-кетадиганлардан-да, – истехзоли жилмайди Мақсуд

– Бу йилгиси бошқачароққа ўхшайди. Бунинг устига, қўйнимда илон сақлаб юрган эканман. Душманларим ичимдан чиқди полвон! – хўрсинди Раҳимхонов.

– Барибир уларнинг тилини толасиз хўжайин, – ялтоқланди полвон.

– Буларнинг тили йўқ кўринади...

– Кўкидан ташланг!

Бу гап хўжайиннинг гашини келтирди. Ўшқриб, ҳайдаб солгиси келди. Аммо бўғзига тиқилган ғазабни ичига ютди. «Бошинга мусибат тушса устингдан куладиганлар кўпаяди», тилла гишларини гижирлатиб хаёлидан ўтказди бошлиқ.

– Омбор чатоқ полвон, – хўжайин ўзини босиб юрагини очди. – Менинг чўтимда минг тонна ғалла кам. Ит эмган Каримнинг нафси ўпқон экан, менга билдирмай яширинча 100 тонна ғаллани гумдон қилибди. Буни бугун оғзидан эшитдим...

– Аллақачон думини тугишингиз керак эди...

– Сенинг одаминг деб ҳурматини қилгандим...

Бу гап полвонга ёқмади. «Ишга сен олиб келгансан, бу ёғини ўзинг тинчит демоқчимиз?» Мақсуд хўжайинга юзланди.

– Қўлида қоғози бор, ўзимнинг дастхатим, – деди Раҳимхонов чуқур хўрсиниб. – Қайси хўжаликка қанча тонна қўшимча дон ёзиб бериш тўғрисида. Худо у куннинг юзини тесқари қилсин-у, сўроқда қистиқафасга олишса, шу қоғозни уларнинг қўлига топшириб қўядими, деб қўрқаяпман. Эрталаб олдимга кирганда шунга ишора қилгандек бўлди.

– Ўзингизни ўзингиз тутиб берибсиз-да хўжайин. Бир иложини топиб қоғозингизни қўлидан тортиб олинг! Орган ходимларининг қўлига шу бир ларча қоғоз тушиб қолгудек бўлса, тўплаган обрўйингиз бир пулга арзимаёқ қолади. Қолаверса, Карим сизни сотгудек бўлса, бу уюшган жиноятчиликка киради. Амнистия ҳам тегмайди. Кексайган чоғингизда турманинг зах хонасида кўп қийналиб юрманг!

Раҳимхоновнинг баданидан совуқ тер чиқиб кетди. Сигарета тутатди. Кўлидаги титроқ вужудига ёйилгани сезилиб турарди. Бир ҳисобда унинг гапида жон бор. Худо кўрсатмасин, турмага тушгудек бўлса дўсту душманларининг орасида шармадаи шармисор бўлади. Ўзи кейинги пайтда кўп касал бўладиган бўлиб қолди. Дори- дармоннинг қуввати билан касални енгиб юрибди. Тезроқ бу фалокатнинг олгани маъқул. Полвоннинг сўзида жон бор, нима қилганда ҳам турма кўрган одам-да!

– Шу мақсадда сени олдимга чақиртирдим-да. Орамиздаги гина-кудратни унут ука. Ўшанга ҳам анча йиллар бўлди. Қор ёғиб, излар босилди. Мусулмон одаммиз...

– Нима қилиш керак? – Мақсуд ер остидан хўжайинга кўз кирини ташлади.

– Карим кадрдон дўстинг, гапингга киради. Алдаб кўлидаги қоғозни оласан. Аммо мени сотмагин. Бирор гап бўлгудек бўлса, ўзим балога-рдон. Қутқариб олишга сўз бераман. Сарф- харажатини тўлайман.

Бир зумлик жимжитликдан сўнг полвон:

– Яхши! – деди бошини кўтариб. – Мен уни алдаб йўлга соламан. Қоғозни қайтариб оламан. Энди хизмат ҳақим тўғрисида келишиб олсақ бас ака.

Раҳимхонов юзида табассум балқиб турган Мақсудга ялт этиб қаради. Ундан бундай талабни кутмаганди. Бу қадар пасткашликка боради, деб сира ўйламаганди. Аммо иложсиз, иши тушиб турганда унинг юзига сапчиб бир гап айтолмайди. Тўрдан чиқиб олса бас, вақти келиб у билан ҳам ҳисоб-китобни жойига қўяди.

– Сенинг хизматингга қанча беришим керак? – заҳархандалик билан сўради хўжайин.

– Олганга қанча кўп бўлса ҳам оз! – шарақлаб кулди Мақсуд.

Ҳозир савдолашиб, пачакилашиб ўтиришнинг мавриди эмасди. Очи-гини айта қолди.

– Беш минг!

– Кўкиданми?! – Бу билан нима демокчисан?!

Раҳимхоновнинг афти буришди.

– Ўзингиз яхши биласиз, бизнинг бозорда фақат кўки ишлайди хўжайин!

– Менинг устимдан кулаяпсан-а? – нафратомуз кўзларини чақчайтир-ди Раҳимхонов.

Мақсуд Раҳимхоновни ўз тузоғига илинтирганидан мамнун эди. Ахир

уни қанча алдамади, қанча ёлгон ваъдалар бериб сарсон қилмади. Ҳақиқа хиёнат қилди. Мана энди чангалига тушди. Шартига кўнмасдан ўзга чораси йўқ.

– Ихтиёрингиз, мен сизнинг ҳурмат ва обрўйингизни ўйлаб, бу қалтис ишни гарданимга олаяпман.

Полвон шундай деб, кафти билан стол устига уриб ўрнидан турди. У қўлларини чўнтагига солиб эшик томон юрди. Хўжайиннинг юраги типирчилади. Раҳимхонов титраётган қўлларини қаерга яширишни билмай стол устидаги қаламни олди. Ноилож жилмайди.

– Тўхта! – деди у овозини баландлатиб, – розиман, фақат қоғозни кўрсатганингдан сўнг пулни оласан. Кечки пайт уйга ўтгин, кутаман!

Максуд полвон маъноли бош ирғаб хонадан чиқиб кетди...

Сўфи пастга энкайди. Кенг гавдаси таралаётган ой нуруни тўсди. Ним қоронғуда одам боши сиғадиган туйнукни кўрди. Титроқ қўллари муздек темир дастасини тутди. Шунда у ўзини пастга тушиши кераклигини англади. Қалтираётган оёқларини зинага қўйди. У бот-бот тепага қараб пастга туша бошлади. Кўкда сочилган юлдузлар гўёки у билан видолашаётгандек туюларди. Теладан мўралаб турган хўжайиннинг тақир пешонаси ой нурида кўроғошин тусида ялтиради. Пишиллаб нафас олиши қулоғидан узоқлашиб, қоп-қора башараси кўринмай борарди. Сўфининг мадорсиз оёқлари ниҳоят қандайдир қаттиқ жисмга тегди. Энди ҳаммаси тугади. Хўжайин туйнукни беркитади-ю, жўнайди. Ваҳи-мадан юраги гурсиллаб ураётган сўфи шундай ўйларди. Дарҳақиқат темир қопқоқ тарақлаб беркилди. Юлдузлар кўздан йўқолди. Сўфи кўрқувдан чидолмай бақириб юборди. Бўғзига қадалган фарёдни зўрға ютди. Йўқ, хўжайин уни ташлаб кетмаганди. Пастга тушиб келаётганини оёқ товушидан пайқади. Сўфининг юраги таскин топди.

– Кўрқдингми? – Хўжайин пастга тушгач сўфидан сўради. – Худога шукр, ҳаммаси хамирдан қил суғургандек осон кечди, бу ёғига Худо пошшо. Шаҳардаги тўс-тўполон босилгунча уч-тўрт кун шу ерда дам олиб тураминиз. Хўжайин чўнтагини пайпаслаб гугурт олди. Чироқларни ёқди, деворларга ўрнатилган махсус плиталар бу ёруғликни шу заҳотиёқ ютиб, ўзидан бир неча ўн барабар кучли ёруғликни қайтарди. Хона ичи нурга тўлди. Бу ер қасрни эслатарди. Хўжайин қўйнидан темир кути олди. Қопқоғини кўтарди. Ичидаги буюмларни гилам устига тўқди. Чор тарафга тилла тангалар сочилди. Улар чироқ шуъласида шу даражада

жозибали товланардики, Сўфининг кўзлари қамашаёзди. У шу ёшга кириб бундай олтин тангаларни кўрмаганди. Кўп эшитган бўлса-да ҳеч қачон кўзи билан кўриб қўли билан ушламаган экан. Кўзлари ўйнаб юраги ҳаприқиб кетди. Хўжайин маст одамдек олтинлардан нигоҳини узмасди. Юрагидаги қувонч ва шодлик ўт чақнаб турган кўзларида акс этарди. У ерга тиз чўкди. Олтинлардан ҳовучлаб олдида кўзларига жуда яқин келтирди. Сўнг уларни боши устидан сочди. Телба одамдек қаҳ-қаҳ отиб кулди. Сўфи ҳам кўрқа-писа олтин тангаларга қўл чўзди. Мана шу бойликларда ўзининг ҳам ҳиссаси борлигидан қувонди. Маълум миқдори ўзига тегишидан дили яйради. Кўз ўнгида юпун кийинган, кир-чир болалари гавдаланди. Хўжайин улушини берса, уларга кийим-кечак олиб беради. Тижорат дўкони очади. Маҳалланинг энг бой одамига айланади. Хар куни қулоқ-миясини еб, тепасида ҳақкадек қағиллайдиган хотини бу бойликларни кўрса юраги ёрилиб кетармикан?!

– Сен хумпар бизга қўшилишни истамовдинг-а?! Кўрдингми, бир-икки соат ичида бир умрга етадиган бойликка эга бўлдик!

Сўфи индамади, хижолатдан қизарди. Мийиғида кулди. Хўжайиннинг раъйини қайтарганидан афсусланди...

– Кўлингни юв! – хўжайин тиллалардан кўзини узмай ҳаёлга толиб ўтирган сўфига буюрди, – қон ҳиди келаяпти!

Қўлидаги қон доғларини кўриб сўфининг юраги увишди. Кўксига пичоқ санчилган, қонга беланиб ерга ағанаб тушган мурданинг очиқ кўзлари ҳаёлида гавдаланди. Электр токи урган одамдек бадани жи-мирлади.

Сўфи ўрnidан турди. Бурчакка бориб қўлини ювди. Оппоқ сув қизил ранга бўялди. Сўфининг юраги багтар ҳаприқди.

Бу орада хўжайин ерга сочилган тангаларни териб, қутига жойлади. Гилам устига дастурхон тўшади. Сўфи унинг рўпарасига ўтирди. Негадир хўжайиннинг кўзларига боқишга ботинолмади.

– Пичоқни қаерга ташладинг? – хўжайин бошини кўтариб сўфига юзланди.

– Каналга!

– Дуруст, сувга тушдимми?

Сўфи бунга эслаёлмади. Пичоқ сувга тушдимми ёки шох-шаббага илиниб қолдимми, бу унга қоронғу эди. Хўжайиннинг қаҳридан кўрқиб, тасдиқ маъносида бош силкиди.

Хўжайин консерва очди. Гилам тагидан бир шиша ароқ олди. Шу

аснода чўнтак телефони жиринглаб қолди. У туйнукдан тушган симга уланганди. Қопқокнинг оддий темирдан эмаслигини, у ҳар қандай шароитда ҳам ҳаводаги тўлқинни тутиб олишни сўфи билмасди. Хўжайин телефонни қулоғига тутди. Ташқаридан келаётган овозни сўфи эшитди.

– Докторлар касални кўришгани келдилар. Уларни қўшниси чақиртирибди. – Беморга ташҳис қўйишга ҳаракат қилишмоқда. – Бу Ҳасаннинг овози эди.

Хўжайиннинг кўзлари қисилиб, афти буришди.

– Қўшниси унинг бетоблигини қаердан билибди?!

– Ҳозирча номаълум!

– Зудлик билан аниқлаб, хабар бер!

Хўжайин телефонни ўчирди-ю, бошини эгиб, ўйга толди. Ўзича нималарнидир ҳисоб- китоб қилди.

– Мен у ифлосга эшикни тепмагин, деб минг бор тайинлагандим. Одамларга ҳам ҳайронсан, туни билан ухламай чиқади-ей!

– Тинчликми хўжайин, нега асабийлашяпсиз? – кўрқа-писа сўради сўфи.

– Қўшниси милицияга хабар берганмиш. Ким билсин, балки девордан мўралаб афти-ангоримизни кўриб қолганми?

– Орқамизга тушишган бўлишса-я! – тиззалари қалтираб кетган сўфининг кути ўчди. Овози ҳам титраб чиқди.

– Орқангдан хотиржам бўл, изингга тушишганда аллақачон тутиб кетишарди!

Сўфининг ороми йўқолди. Гўё туйнукдан биров тушиб келаётгандек тепага қаради. Ҳасан ташқарида бежиз қолмаганлигини, бўлаётган воқеалардан хабардор қилиб туришини тушунди.

Бу ерда куёш ботиб, чиққанини билиб бўлмасди. Деворда заиф овоз чиқариб турган соатгина вақтни кўрсатарди. Зах ва кўлланса ҳид нафасни бўғарди.

Кечки пайт телефон яна тилга кирди.

– Ҳаммаси жойида хўжайин – ташқаридаги воқеалардан хабардор қилди Ҳасан. – Хотиржам бўлинг. Докторлар диагноз қўйишолмайди. Сиздек тажрибали одам бажарган ишнинг иси қирқ йилда ҳам чиқмайди!

– Ичибсан аблаҳ! Бас қил! – хўжайин тезда телефонини ўчирди. Сўфининг кўнгли ўрнига тушди. Хаёлини яна олтин тангалар олиб қочди...

Мақсуд полвон директорнинг хонасидан чиқди-ю, эшик олдида бир зум туриб қолди. Нималардир ҳаёлидан ўтди. Сўнг қўлини силтаб, йўлида давом этди. У табиатан қўпол, кўринишидан совуқ бўлса-да, айтган сўзининг уддасидан чиқадиган одам эди. Шу ҳислати билан у Раҳимхоновнинг эътиборини қозонганди. Уни бундан ўн йилча муқаддам бахтсиз ҳодиса туфайли тўрт йилга озодликдан маҳрум қилишганди. Турмада икки йилча ўтирди. «Зона»да жиноятчи одамнинг сир- синоатларини ўрганди. Озодликка чиққач, ўзини бизнес оламига урди. Фалла ўрим-йигими бошланганда Қозоғистонга жўнаб кетди. «Зона»да ортирган танишларининг ёрдамида тонналаб бугдой донини бозорга суриб келди. Кўтарасига олиб-сотарларга пуллади. Унинг бу ишидан хабар топган Раҳимхонов Полвоннинг рўйи рост гапириши, тантилиги, пулга қаттиқлигини ҳисобга олмаганда унга ёқди. Комбинат қошидаги «Камалак» фирмасига бошлиқ этиб тайинлаш ҳақида ўйлаб қолди. Бироқ Полвоннинг пешонасига урилган тамғадан чўчиди.

Раҳимхонов Қозоғистондан дон суриб келиш учун Полвонга 50 минг доллар ташлади. Полвон буни ўзига нисбатан билдирилган катта ишонч деб ҳисоблади. Обрў-эътиборли бу инсоннинг юзини шувут қилмаслик, ишончини оқлаш йўлида қўлидан келган ҳамма ишни қилди. Бир ой қозоқ овулларини кезиб чиқди. Таниш-билишларини ишга солди. Хўжаликлардан мисқоллаб дон тўплади. Шу тариқа бугдой дони ортилган олти эшелон йўлга тушди. Паравознинг гудоги Раҳимхоновни бағоят қувонтирди. 500 тонна бугдойдан ишлаб чиқарилган юқори навли ун сохта ҳужжатлар ёрдамида Раҳимхоновга қарашли бўлган «Иссиқ нон» цехига жўнатилди. У ердан сувдек оқиб келаётган қоп-қора пуллар хўжайинни ақлдан оздираётганди.

Мақсуд фойданинг учдан бирига ҳам рози эди, бироқ хўжайин лафзида турмади. Ҳаққига хиёнат қилди.

– Улушинг! – деб олдига минг доллар ташлади. Фазабдан полвоннинг юзи кўкарди. Бир ой на уйқусида, на юриш-туришида ҳаловат бўлмади, овулма-овул изғиб топгани шу ўнта қоғоз бўлдимми?

– Бу пулга набирангизга хўрозқанд олиб беринг! – полвоннинг қаҳр-ғазаби шу икки калима сўзга жо бўлди. Тилига бошқа сўз келмади. Хонадан чиқиб кетди. Вақти-соати етганда Раҳимхонов билан ҳисоб-китоб қилишни дилига тугиб қўйди. Бу тугун уни кўрганда газак отиб, катталашиб борарди. Хўжайин келгуси йил кузда яна полвонни ҳузурига чақиртирди.



– Мана ҳаққинг, аразни унут, ишингни давом эттир, – деди у гўёки ҳеч нарса бўлмагандек. – Эшитишимча, ишсиз юрганмишсан!

Полвон стол устидаги бир «пачка» пулга кўз қирини ташламади ҳам.

– Сиз айтган тераклар кесилиб кетди, хўжайин, – деди Раҳимхоновнинг бўғриқиб кетган қип-қизил юзига тикилиб, – Бу пулингиз йўлкирамга, еб-ичишимга ҳам етмайди.

Раҳимхоновнинг тили танглайига ёпишди. Фазабини ичига ютди. Ўтган йили дилини қаттиқ оғритганини эслади. Ялинишга, ваъда беришга ғурури йўл қўймади. Ҳеч нарса бўлмагандек ўзини бепарво тутди. «Мажбурласам қўлга тушиб қолишим мумкин» деб ўйлади. Нима қилганда ҳам «зона» кўрган одам, ишониб бўлмайди.

Дарвоқе, юқорида «Қорлар ёғиб, излар босилди» деган маънода гапирганда Раҳимхонов кечаги ўтмишни назарда тутганди...

Полвон хўжайиннинг таклифини рад этгандан кейин Раҳимхоновнинг боши қотиб қолди. Нима қилиш кераклиги ҳақида узоқ ўйлади. Дастлаб у комбинатга янги ишга келганда бу ернинг сир- синоатини билмай юрди. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг «шапкаси»дан бошқа унинг кўз тикадиган, умид қиладиган нарсаси йўқ, пихини ёрган цех бошлиқлари ўз нонларини яримта қилишни исташмасди. Гўёки улар бу ердан анча даромад олишаётган-у, бошлиққа узатишмаётгандек туюларди.

Ўшанда Полвондан ҳафсаласи пир бўлган хўжайин хонасига Каримжонни чақиртирди. – У билан суҳбатлашди, кўнглига қўл солиб кўрди. «Иложи бўлса» Мақсуд билан тиллашиб, уни четдан бугдой олиб келишга кўндиргин, демоқчи эди. Бироқ бу гапни айтишга ғурури йўл қўймади.

Полвоннинг кўполлиги, берган пулига ношукрлик қилганидан шикоят қилди:

– Чўнтагида мириси йўқ, пул узатсам ноз қилади. Бирга ишлаш нияти йўққа ўхшайди. Билмадим оғайнинг ўта димоғдор бўлиб кетибди.

– Четдан бугдой суриб келишингизга мен қаршиман! – қутилмаганда бошлиқнинг таклифини рад этди Каримжон. – Нега десангиз, ўзимизда ҳам дон сероб бўлиб қолди. Ўтган йили бўш ётган бункерларга дон сизмай кетди.

– Бироқ даромаднинг мазаси йўқ, – ниҳоят дилидагини тилига чиқаришга мажбур бўлди хўжайин.

– Бунинг учун ўзимизда имкониятлар етарли, – деди Каримжон ҳам бўш келмай. – Фақат ақл билан, аҳиллик билан иш юритсак бас!

– Қандай таклифларинг бор? – хўжайинга жон киргандек бўлди.  
– Тегирмондан ишлаб чиқарилаётган уннинг намлигини 30 фоизга, керак бўлса ундан ҳам кўпроқ ошириш лозим!

Хўжайиннинг юзига ажинлар тушди.

– Худди кичкина боланинг гапани айтасан-а! – деди норози бўлиб. – Намлигини оширсанг ун хамир бўлиб қолади-ку?!

– Бунинг йўли бор хўжайин. Мен бунни ўз тажрибамда синаб кўрганман. Намлиги оширилган унни омборда сақлаб турармидик. Ўша кунийёк савдога чиқариб юборамиз. Иккинчидан, элеватордаги элакларни алмаштирамиз. Назарингиз тушган бўлса, бутун донлар омукта ем цехига ўтиб кетаяпти. Тежамкорлик йўқ. Ярмада буғдойдан ун чиқмайди, деб ким айтади. Адашмасам, йилига беш тонна донни қушлар еди, деб акт тузамиз. Бу кўрсаткични ўттиз тоннага чиқарамиз. Ҳозирданоқ омборнинг тепасида бутун воҳанинг лайлагидан тортиб читтагигача учиб юрибди. Хўжаликлардан буғдой дони қабул қилиб олинаётганида, лабораториядан чиқиндиси, намлиги, ифлослигини орттирамиз. Инженер билан маслаҳатлашиб, чиқиндини кўпайтириш керак!

– Тегирмон эски бўлгани билан эҳтиёт қисмдари янги-ку?!

– Али хўжа- Хўжа али, барибир эмасми? Аслида орқамизни ёпиш учун қоғоз керак, холос. Янги тегирмон қураман, деб бошингизни қотирманг. Тегирмон эски, кўплаб донни исроф қилаяпти, десангиз ким ишонмайди. Яна бир гап, иккита туманда дон сақлайдиган омборларимиз бор-а?!

– Бор, – Каримжоннинг таъсирига берилган хўжайин ҳамон унинг мақсадини тушуниб етмай ҳайрон эди.

– Баракалла, донни шаҳарга ташиб келгунча йўлда тўкилади, қуриydi. Бир неча тоннаси йўқолган бўлади. Бунни эса ўнга кўпайтирамиз. Сабаби аниқ, масофа узоқ. Сизнинг кўзингизга арзимаган бу нарсалар минглаб тонна галлани ташкил этади. Бу эса сиз билан бизнинг харажатамизга асқотиб қолади.

Раҳимхонов омборчининг гапани ўйлаб, ўзича мушоҳада қилди. Дарҳақиқат, унинг гапида жон бордек туюлди. Агар унинг айтганларига рози бўлгудек бўлса, олиши олчи бўлишини кўз олдига келтирди. Мақсуднинг ёрдамига ҳожат қолмайди.

– Калланг ишлайди сен боланинг, – қаршисида термулиб турган Каримжонни мақтаб қўйди бошлиқ. Унинг олқиши омборчининг кўнглини тоғ мисол кўтарди.

– Хўжайин, нима қилганда ҳам сиздан яхшилик кўрдим. Бўлса сизга бўлсин дейман-да! Доим сиз ҳақингизда ўйлаб юраман!

– Бу ишларни шахсан ўзинг бошқарасан, – деди Раҳимхонов, – ҳар ҳафтанинг ҳисобини менга берасан. Тушундингми? Аммо оғзим бор, деб дўсту душман олдида валақлаб юрмагин!

– Тушунарли хўжайин, мендан кўнглингиз хотиржам бўлсин! – Каримжон жилмайди.

Ёзда хўжаликлардан қўшиб ёзилаётган бугдой доннинг ўрнини қоплашнинг энг осон йўли шу эди.

Ўша суҳбатдан сўнг хўжайин қўлига калькулятор олиб, келадиغان даромадни сарҳисоб қилди. Агар Каримжон алдамаса, кўриладиган фойда Мақсуд келтирадигандан икки ҳисса ортиқ эди. Гарчи қўшиб ёзиш ишлари омборчининг зиммасига топширилмаган бўлса- да, шахсан ўзи пинҳона унинг ишларини назорат қилиб боради. Каримжон алдамади. Ҳар ҳафта охирида олиб кирадиган маълумотларни ўзининг ҳисоб- китобига таққослаб кўрди. Ва унга бўлган ишончи ортди. Кейин эса уни назорат қилишни ҳам унутиб қўйди. Ўша кезлар Раҳимхонов келаётган жарақ- жарақ пулларнинг ҳидига маст бўлиб, қилаётган ишлари қачондир бошига тўқмоқ бўлиб уришни асло ёдига келтирмаганди. Каримга қаттиқ ишонганидан катта пул эвазига режани бажаролмай оқсаб қолган хўжаликларга иккиланмай керакли тоннани қўшиб ёзиб берарди. Дастхатларини бу ғаламис сақлаб, эҳтиётлаб юришни хаёлига келтирмаганди...

Полвоннинг хаёлида минг фикрлар гужғон ўйнарди. Демак, Каримжоннинг қўлида хўжайиннинг дастхатлари бўлса, бўйнидан ип ўтказиб, бемалол айтган йўлига солиш мумкин. Қоғозларни осонликча унинг қўлидан олиб бўлмаслигига ақли етган ва шу мақсадда унинг ёрдамига муҳтож бўлиб, хонасига таклиф этган. Кўр ҳассасини бир маротаба йўқотади. Алдангани кечагидек ёдида. Эсидан чиқаролмайди. Яна алданишни асло истамайди.

Полвон ташқарига чиққандан сўнг, аввал ҳисоб-китоб қилиб, олдиндан пул олиш кераклигини ўйлади. Токи айтилган пул қўлига тегмагунича Каримжон билан учрашмасликка аҳд қилди. Кун бўйи шаҳар айланди. Кўёш ботиб оқшом чўкқанда Раҳимхоновнинг уйига йўл олди. Ҳовлининг

чироқлари ёқилганди. Ташқарида одам кўринмасди. Жимжитлик. Дераза ёнига келганда ошхонадан гўнғир-гўнғир овоз эшитилди. Уй эгалари овқатланишаётган бўлса керак, деб ўйлади. Деворга яқин келиб, деразадан Раҳимхоновнинг хонасига мўралади. Ёниб турган олтинранг қандиллар уй ичини чароғон этганди. Қип-қизил тусда товланиб турган гилам устида чордана қуриб ўтирган хўжайин атрофида сочилиб ётган тилла тангалар ва тақинчоқларни тўплаш билан банд эди. Улар чироқ шуъласида қизғиш бинафша рангда товланиб кўзни қамаштирарди. Раҳимхонов ҳар бир тилла тангани битталаб териб олар, худди уларни биринчи бор кўраётгандек темир қутига жойларди. Полвон ёши қирқдан ўтиб бундай катта миқдордаги тилла танга ва тақинчоқларни кўрмаган эди. Юраги ҳаприкиб, бетартиб ура бошлади. Кўзлари соққасидан ирғиб чиққудек тангалардан нигоҳини узолмай маҳлиё бўлиб қолди. Бу бойликларни қўлга киритиш иштиёқи юрагини тирнарди. Томиридаги қон кўпириб вужудини жунбушга келтирди. Бу орада хўжайин олтинларни қутига жойлаб ўрнидан турди. Полвон ўзини четга тортди. Бироқ қаерга яшираркан, деган иштиёқ яна уни ичкарига қарашга мажбур қилди. Раҳимхонов курсига чикиб, нақшинкор фанерни иккига ажратиб турган юпқа тахтани четга сурди. Ярим қулоч келадиган фанерни эса иккинчи томонга тортди. Одам боши сиғадиган тешик очилди. Хўжайин қутини шу туйнук ичига жойлади. Мақсуд оёқ учида ортга чекинди. Уни ҳовлига кирганини ҳам, чиққанини ҳам ҳеч ким пайқамади.

Мақсуд ташқарига чиққач, ҳаёлига турли ўйлар келди. Тезроқ олтинларга эгалик қилиш ҳисси унинг тинчини ўғирлаганди. Бекатга бориб йўловчи машинани кира қилиб, шаҳарга тушиб кетди. Эски таниши Ҳасанга кўнғироқ қилиб, уни зудлик билан «Ўзбекистон» ресторанига етиб келишини илтимос қилди. Сўнг ўзи ҳам ўша ресторанга ошиқди. Бинафша рангда товланиб-тусланиб турган олтин тангалар ҳамон унинг кўз ўнгидан кетмас, ҳаяжондан гуппиллаб ураётган юраги босилмасди. Кўрганлари чинми ёки саробми билиб бўлмасди. Қандай қилиб бўлсада, ўша хазинани ўғрилаш тўғрисида бош қотирди. Агар уларни қўлга киритса борми, энг бой одамга айланарди. Бу билан Раҳимхоновдек пасткаш одамдан ҳам қасос олган бўларди. Бироқ бу хазинани қандай қилиб қўлга киритиш мумкин?! Мана шу савол бошини тикламай қотирарди. Бу ҳақда қанчалик ўйга толмасин, барибир аниқ жавоб тополмади. Бу борада Ҳасан билан маслаҳатлашгани маъқул, нима қилганда ҳам шу соҳанинг эгаси ўғирликнинг сир-синаотини беш қўлдек билади.

Елкасига миниб олган шайтон Мақсудни охири берк кўчага олиб борди. «Қўлга тушиб қолсанг ёки Раҳимхонов таниб қолса- чи?», унда нима деган одам бўламан. Яхшиси ичкарига Ҳасанни киритади. Ҳазинага шерик бўлгани билан бойлик камайиб қолармиди.

Мақсуд Ҳасанни чақириб тўғри иш қилганини тушунди. У ресторанга кириб бурчақдаги бўш курсилардан бирига ўтирди ва тоқатсизлик билан дўстининг келишини кута бошлади. Назарида вақт имиллаб ўтаётгандек туюларди. Яхшиямки ресторанда одам кам, бўлмаса ҳаяжондан ўзини босолмай, асабий ҳолда ўтирганини кўрганлар шубҳаланиши мумкин. Ҳасан узоқ куттирди. Ташқарига қоронғулик секин- аста чодирини ташлай бошлади. Ниҳоят у келди.

– Раҳимхоновнинг уйида бир қути олтин тангалар кўрдим, – деди у дўстининг қулоғига шивирлаб. – Қадимий тиллалар!

Ҳасан бу янгиликдан ҳайратланмади, юзида ҳеч қандай ўзгариш бўлмаганидан Мақсуд ажабланди. Худди буни илгаридан билгандек унинг сўзларига бепарво қараб турди.

– Бўлса бордир, – деди қўлини силтаб.

– Нега бундай деяпсан ёки гапимга ишонмаяпсанми?

– Нега ишонмай, албатта ишонаман. Ахир унда сен кўрган олтинлардан бошқа беҳисоб бойликлар ҳам бор-ку.

– Тиллаларни қўлга киритишимиз керак, – Мақсуд мақсадини айта қолди.

– Сен Раҳимхоновнинг кимлигини билмайсан чоғи. У ўта айёр, муғом-бир одам. Ўз бойликларини қаерда ва қандай сақлашни яхши билади.

– Мен унинг яширган жойини ўз кўзим билан кўрдим! – тобора қизиша бошлади полвон. У қизиқ устида яширилган жойни ошкор қилиб юбораёзди.

Шундан кейин Ҳасан столни дўстининг олдига яқинроқ сурди. Унга бошқача нигоҳ билан қаради. Икки дўст олтинларни қандай ўғрилаш тўғрисида бош қотиришди. Узоқ тортишувдан сўнг ниҳоят бир тўхтамга келишди.

– Эшитишимча, асли Тошкент тарафдан, шундайми?! – ўз режасини ошкор қилди Ҳасан.

– Ҳа, Тошкент тарафдан, – қуриб қолган томоғини тупуги билан намлаб гапида давом этди Мақсуд. – Лекин яқинда у ердан қайтиб келди.

– Қачон қайтди?

– Бир ҳафтача бўлди...  
– Яхши, нима мақсадда борганини биласанми?  
– Эшитишимча, онаси бетоб эмиш.  
– Унда соз. Эртага тушдан сўнг хотинининг номига телеграмма юборасан.

– «Онанинг аҳволи оғир, зудлик билан етиб кел» деган мазмунда хотини телеграммани олади. Юрагига гулгула тушади. Қарабсанки, ўғли иккиси зудлик билан Тошкентга жўнайди...

– А, Раҳимхонов-чи?

– Раҳимхонов масаласини кейин ўйлаб кўрамиз, балки уни ҳам бирор жойга йиғилишгами ёки ўтиришгами жўнатишга тўғри келади. Фақат у дунёга эмас, – жилмайди Мақсуд.

– Тилла яширилган жойни аниқ эслаб қолдингми?!

– Ҳозиргидек кўз ўнгимда.

– Олтинлар қанча бўлишидан қатъий назар, тенг иккига бўлинади.

– Келишдик!

– Қўлни ташла!

Икки бақувват қўллар бир-бирини маҳкам қисди.

– Эртага кечки пайт шу ерда учрашамиз – деди Ҳасан.

Дўстлар ўринларидан туриб хайрлашдилар.

Майор Камолов режалаштирган йиғилиш бир соатга кечиктирилди. Капитан Сатторов «Олмос» хусусий тиш даволаш шифохонасидан келтирган қолип ҳамда майор Мирфозиловнинг ҳайдовчиси Фарғона каналининг бешинчи километрдан топиб олган қонли рўмолча йиғилишнинг кечиктирилишига сабаб бўлганди. Улар рўмолчадаги қон доғларини аниқлаш учун суд тиббий экспертизасининг хулосасини кутишмоқда эди. Ориф аканинг «сўфи» сўзини эслаб қолиши ҳам жиноятчининг шахсини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга эди. Эрталаб Ориф ака терговчига қўнғироқ қилиб, ўша тун қулоғига чалинган сўзни айтди. Самадов шаҳардаги «сўфи» лақабли кишиларнинг шахсини аниқлашга киришди. Бу иш тезда очилди. «Машраб» ва «Гулистон» кўчаларида «сўфи» лақабли икки шахснинг номи аниқланди.

Суд тиббий экспертизасининг маълумоти келгач, тезкор гуруҳ ходимлари майорнинг хонасига киришди. Далилий ашё қотиллик содир

этилган хонадондан анча олисдан топилганлиги Камоловни бироз бўлса-да, ўйга толдирди. Қилинган меҳнатнинг олиб борилган тезкор ҳаракатлари натижаси кўринди. Экспертиза хулосаси бунни исботлади. Шимоллий Фарғона каналининг бешинчи километридаги кўприк остидан шохга илиниб қолган рўмолчадаги қон айнан Раҳимхоновнинг қонидаги кимёвий элементлар билан бир хил эканлиги тасдиқланди. Олмада қолган тиш излари ҳам капитан олиб келган қолипдаги тиш изларига айнан ўхшаш бўлиб чиқди. Бироқ даволовчи врачнинг айби билан тиш олдирилган беморнинг исми - шарифи дафтарга қайд этилмаганди. Майорни яна бир нарса қизиқтирарди. Нима сабабдан рўмолча беш чақирим олисга ташлаб кетилган? Қотилликни яшириш мақсадидами? Балки эҳтиётсизлик оқибатида тушиб қолгандир? Нима бўлганда ҳам топилма қидирув ишларининг шу томондан бошлашга тўртки берди.

– Жиноятчилар ўз ишларини яшириш мақсадида канал ёқалаб кетган йўлдан ҳаракат қилишган, – деди майор Мирфозилов. – Модомики улар кўприкдан ўтган бўлса, демак қабристон орқали шаҳардан ташқарига чиқиб кетишган. Қабристон ортидаги даштлик эса Қирғизистон ҳудудига туташиб кетган. Жиноятчилар қўшни республика ҳудудига ўтиб кетишган бўлса, қилаётган ишларимиз самарасиз яқунланиши мумкин. Ягона умидимиз тиш даволовчи врачдан.

Майор харитага кўз югуртирди.

– Кўприк билан рўмолча илиниб қолган шохнинг ўртасидаги масофа қанча? – сўради Камолов майорга юзланиб.

– Тахминан уч метр, – жавоб қайтарди майор.

– Жиноятчилар пичоқни ҳам шу кўприк остига ташламадимикан? Рўмолча бежиз шохга илиниб қолмаган. Сув остига тушиб, қуролни излаш лозим.

– Тушунарли, ўртоқ майор.

– Каналнинг суви кўтарилмаганми?

– Кеча ўлчаб кўрганда, бир метр-у ўн сантиметр эди!

– Жуда соз, эрталабданоқ пичоқни қидиришга киришинг!

– Тушунарли!

– Қотиллар Қирғизистон ҳудудига ўтиб кетган бўлса-чи? – Самадов майорнинг эътиборини яна жиноятчиларнинг ҳатти-ҳаракатига қаратди.

– Мен ҳам шу фикрдаман, теварак-атроф даштлик бўлганидан кейин уларнинг бу яқин орада беркинадиган жойи йўқ.

Майор шундай деди-ю, ўйга толди. Бир-бирига қарама-қарши бўлган фикрлар унинг диққатини тумандай тўзғитди. Дарҳақиқат қотиллар Ўзбекистон худудидан чиқиб кетишган бўлса, уларни излаш бефойда. Наҳотки қирғизистонлик ҳамкасблардан кутишга тўғри келади.

Камолов суд-тиббий экспертизасининг хулосасини қайта кўздан кечирди. Қотил айнан жиноят содир этилган кун тиш олдирган. Қолаверса, тиш қўйдирмоқчи бўлган. Жиноят олдидан режалаштирган бўлса, гумондор тиш даволовчи докторнинг хузурига боришга ваъда берганмиди? Бу ерда қандайдир сир бўлиши мумкин?!

– Капитан, «Садаф» хусусий тиш даволаш шифохонаси бошлигининг сўзларини яна бир бор қайтаринг-чи?!

– Қотиллик содир этилган кун кундуз соат 16 ларда қаттиқ тиш оғриғи билан 26 ёшлар чамасидаги бемор «Садаф» шифохонасига келиб, докторга учрашган. Врач унга тишини даволаб бўлмаслигини, тиш остида йиринг тўпланиб қолганлигини айтиб, суғуриб ташлашни таклиф қилган. Бемор унга розилик берган. Тишини суғуриб ташлагандан кейин бир соатлар ўтиб, врач тиш қўйиш мақсадида беморнинг оғиз бўшлиғидан қолип олган. Бўш тиш ва унинг ёнидаги тишларни олтидан қўйдириш нияти бўлган, икки кундан сўнг олтин танга олиб келишга ваъда бериб чиқиб кетган.

– Сиз нима деб ўйлайсиз, бемор ҳақиқатан ҳам айтилган вақтда докторнинг олдига келганми?

– Мабодо у шаҳардан чиқиб кетмаган бўлса, албатта боради.

– Яхши, унда шифохона олдига иккита яширин пост қўямиз. Кузатув ишларини шу ердан олиб борамиз. Бу ҳақда докторни хабардор қилиб қўйинг. Капитан, бу иш шахсан сизга юкланади!

– Тушундим ўртоқ майор!

– Эрталаб ёни ғизга рассом олиб тиш доктори билан суҳбатлашингда, беморнинг киефасини чизинг!

Камолов Мирфозиловга юзланди:

– Пичокни излаш керак! Топиш шарт!

Йиғилганлар ўринларидан қўзғалишди.



– Сиз ҳам одамларга ўхшаб мундоқ вақтли туриб, элга қўшилсангиз-чи?! Қош қораймасдан қуёш тиккага келгунча биқиниб ётасиз. Рўзгорнинг камидан хабар олай демайсиз. Ёғ қолмади, олиб келган ўн кило унингиз бугун тугайди. Болаларнинг кийимига қараб бўлмайди. Ака- ука битта ботинкани кийиб мактабга қатнаёпти. Сиз тенгилар тонг ёришмай бир ишнинг этагини тутиб, рўзгорнинг камини бут қиламан деб елиб-югуриб меҳнат қилаёпти. Тавбангдан кетайин, худойим- ей, одам деган ҳам шунақа бепарво бўладими?! – бу гап гуссадаги юраги тарс ёрилаётган, куйиб-пишиб жавраётган Саодатнинг ноласи эди. Унинг гаплари Абдурахмоннинг миясини пармадек тешиб юборай дерди. У кўрпадан бошини чиқариб тўнгиллади.

– Бўлди энди, тилим бор деб ҳадеб вайсайверасанми?! Қулогимни тешиб юбораёздинг-ку!

– Менинг гапларим ўзи сизга ёқмайди. Ёмон бўлинг деяётганим йўқ, одамларга ўхшаб меҳнат қилинг, катта-катта топиб келсангиз менинг ҳам тилим жағимга ёпишиб, мусичадек беозор бўлиб, болаларингизни озода кийинтириб ўтираман! Итда тиним бор, менда тиним йўқ. Хотин бошим билан ҳали у бозорга, ҳали бу бозорга чопаман. Уч-тўрт танга орттирсам, бола-чақаларимни қорнини дурустроқ тўйдирай дейман! Сиз бўлса...

– Ҳой мусулмон жим бўл, деяпман сенга! Ҳадеб тепамда ҳаққадек қағиллайверасанми?!

– Мен сизга ҳали ҳаққа бўлдимми? – Саодат йиғлаб юборди.

– Тўғри гап тўққанингга ёқмайди, деганлари шу бўлса керак!

Абдурахмон ўрnidан турди. Кийиниб ташқарига чиқди. Қалбидаги ички бир нидо аёлининг ҳақлигини тасдиқлади. Кун бўйи кўрпага ўралиб ётгани билан биров унга бир танга бермаса, бу ёқда болалари ейман, ичаман деб турса, уч бола кун сайин бўйи чўзилиб йигит бўлиб бораёпти...

Абдурахмоннинг юраги сиқилди. Уйда туришга сабри чидамади. Худди биров бўғзидан бўғаётгандек ташқарига отилди. Хотинининг дийдиёсидан бошида оғриқ турганди. Мана дангасалиги, танбаллиги бошига битган бало бўлди. Яқин танишларидан бирининг ошхонасида дурустгина ойлик олиб тирикчилигини ўтказиб юрганди. Ойлиги тайин, овқати текин, бошлиги уч маротаба, «ҳеч бўлмаса ётган жойингизни

супуриб-сидириб қўйинг, ака, бу ерга ҳар хил одамлар келади,» деди. Шуни ҳам қилмайди. Охири айтишиб қолди-ю, чопонини елкасига ташлаб ишдан кетди. Биров ялинмади, ортидан чақирмади ҳам. Мана энди бир ойдан бери уйда, қиладиган иши йўқ. Хотиннинг кўзига кўнғиз бўлиб кўриниб ётибди. Абдурахмон индан бўшади-ю, кўп надомат чекди. Энди бундай ишхонани қаердан ҳам топарди. Боз устига, ҳозирги пайтда бир корхонага ишга жойлашишнинг ўзи бир машаққат. Ёнига чақирадиган таниш-билиши йўқ.

Ташқарига чиққач, Абдурахмон ўзининг яқин танишларини кўз олдига келтирди. Ўйлаб-ўйлаб охири ёдига Ҳасан тушди. У шаҳар четига «Қалъа» қаҳвахонасида ишларди. Кўришмаганига бир ойдан ўтди. Топиши ёмон эмас. Қачондир кўришганларида «Кел сенга ҳам бирор иш топиб бераман» деб ваъда қилганди. Абдурахмон дўстининг ўша сўзларини эслади-ю, беихтиёр ўша томонга йўл олди. Нима қилганда ҳам мактабдош дўсти. Ўн йил бирга ўқиган. Бир- бирини ҳидлаб катта бўлган.

– Эй сўфи, сен ҳам бу ёруғ оламда бормисан дўстим, бунча қорангни кўрсатмай кетдинг?! – Ҳасан дўстини кучоқ очиб кутиб олди. У Абдурахмонни болалигиданок «сўфи» деб чақирарди. Ҳозир унинг исмини унутиб қўйган бўлса, ажаб эмас.

– Бекорчиликдан уйда айиқдек ағанаб ётибман, ўрток! – деди Сўфи афсуслангандек.

– Ётган одамнинг бири икки бўлмайди, – насихатомуз деди Ҳасан. – Куч-қувватинг бор, оёқ-қўлинг чаққон, бирон ишнинг этагини тутсанг бўлармиди?!

– Этагини тутадиган ишни тополмай доғдаман, ошна. Шу масала билан ёнингга келдим. Бирорта енгилроқ иш топиб бермасанг бўлмайди. Хотин ҳар куни вайсаб, қулоқ-миямни еб қўйди!

– Қўлингда бирор хунаринг борми?!

– Қандай иш бўлса ҳам қотиравераман!

– Шундай де! – Ҳасан бошини чайқаб кулиб қўйди. Сўфининг афт-ангорига, кенг бақузват гавдасига кўз югуртирди. Бир неча дақиқа ўйга толди.

– Бир иш бор, шерик бўлсанг чўмичинг мойга ботади. Ўта махфий иш, хўжайин билан маслаҳатлашиб кўраман. Рози бўлса айтаман.

– Бир иложини қилиб кўндир! Нима деса розиман. Фақат хотинимнинг олдига қуруқ қайтмасам бас!

- Яхши, - деди Ҳасан, - ўйлаб кўраман...
  - Қачон учрашай?
  - Эртага соат тўққизда «Ўзбекистон» ресторани олдига бориб тур.
- Хўжайин билан учраштириб қўяман!

Абдурахмоннинг елкасидан тоғ қулади. Мамнун жилмайди. Дўстининг кўлини маҳкам тутиб, у билан хайрлашди...



Раҳимхонов ўгли билан хотинини Тошкентга кузатиб қўйганда, қуёш уфқни кип- қизил рангга бўяб, тоғ ортига ёнбошлаётганди. У тушлик қилишни унутган, қорни оч эди. Уйга қайтишдан аввал ресторанга йўл олди. У кўчада камдан- кам овқатланарди. Негадир бугун кўнгли тортди. Мириқиб ўтиргиси келди. Хонага ҳеч кимни қўймасликни тайинлади. Кўнгли тусаган таомларни тановвул қилди. Уйга қайтганда вақт аллама-ҳал бўлганди. Хонасига кирди- ю, негадир юраги ғаш бўлди. Қандайдир номаълум куч уни кўчага тортарди. Музлатгичдан шарбат олиб ичди. Сигаретага «дори» ўраб тутатди. Буни бир вақтлар унга Мақсуд совға қилганди. Юраги сиқилганда эрмак учун чекиб турарди. Ҳозир чиндан ҳам кўнгли тусади. Марихуана бир лаҳза худди яланғоч аёлдек ўз таъсирига олди. Дилини хуфтон қилган ғашлик кўтарилди.

Департамент ходимлари бугун унга ўнг қарашди. Тушликда бирга овқатланишди. Анча вақт ҳазил – мутойиба қилиб ўтиришди. Сўхбат асносида дон омборини очиб беришга ваъда берди. Дили равшан тортган Раҳимхонов тушликдан сўнг Каримжонни хонасига чақиртирди. Илондек қўйнига кириб олган бу муғомбирдан қаттиқ хафа бўлганлигини яширмади.

- Бир қоп туз яласанг ҳам одамнинг яхши-ёмонлигини ажратолмас экансан, - деди хўжайин Каримжоннинг саволига жавобан. - Мен сени ўзимга яқин олиб ишга олдим, билмадинг, кўрнамаклик қилдинг! Чўнтагинг пулга тўлди, машинали бўлдинг, данғиллама уй-жой қурдинг, бетга чопарлик қилдинг! Аммо менинг нималарга қодир эканлигимни, қўлим узатган еримга етишини билмас экансан!

Каримжон иштонини ҳўллаб қўйган боладек юзи қизариб, кўлини кўксига босганча, бошини эгиб турарди. У айбига иқрор бўлдимиди ёки навбатдаги найранггими хўжайин англаёлмади. У Каримжондан дастхатларини қайтариб беришни илтимос қилмади. Текширувчилар кет-

син, бу зоти пастнинг изини кириб этагига солиб қўяман, деган ўй хаёлидан ўтди.

– Эрта-индин омборингни очиб беришади, – деди Раҳимхонов овозига сирли тус бериб – Зудлик билан камомадингни тўғрила!

– Беадаблик қилдим, хўжайин. Нонкўрлик қилдим. Сиздек одамнинг юзига сапчидим, умримнинг охиригача бу гуноҳимни ювишга тайёрман. Сиздан яширмайман, комиссиянинг ваҳми босиб кўрқдим. Минг бор уэр, – Каримжоннинг кўзлари ёшланди. Раҳимхонов Мақсуд унинг уйига бормаганлигини сезди. Бир ҳисобда бормагани дуруст. Борганда гап кўпаярди. «Ортимдан одам жўнатди, кўрққан- да,» деган хаёлга бориши мумкин, эди. Қолаверса, Мақсудга берадиган пули ёнига қолди. Энди унинг кераги йўқ. Усиз ҳам иш битди. Пулнинг қудрати ҳар қандай зўравон одамдан кучли эканлигига бугун яна бир бор иқроор бўлди. Дарвоқе, нега у кеча уйга ўтмади?! Бирор зарур иши чиқиб қолдимикан?! Ёки бу ҳам навбатдаги найрангмикан?!

Дорининг таъсиридан роҳатланиб ўтирган Раҳимхоновнинг хаёлига шу фикр келди. «Ёки ялинтирмоқчи бўлдимикан? Балки ваъда қилинган пулни ололмаслигига шубҳа қилгандир? Яна ким билсин, Раҳимхоновнинг бошига қайноқ сув қуйилишини истаб, атайлаб бу ишга аралашгиси келмагандир?! Эҳ, хом сут эмган бандалар- ей, наҳотки менинг кимлигимни, ортимда тоғдан баланд ва қудратли ёру- дўстларим борлигини бу тирранча билмаса?! Мен ўн йил аввалги Раҳимхонов эмасман! Бугун шу даражада қудратлиманки, истаган нарсамни қилишга ҳаддим сиғади. Энди менга латтачайнар, тутуруқсиз ошналар керак эмас. Каримни-ку, синаб олдим. Бир қамчига чидамаган от пойгага ярармиди». Текширувчиларнинг бу ташрифи хўжайин учун катта имтиҳон бўлди. Кўпчиликни ўзининг элагидан ўтказиб олди.

Раҳимхонов ширин орзулар оғушида аста - секин кўзлари сузилиб, уйку элитаётганини сезди. Ўрнидан туриб, шкаф остидан тўппончани олди-да, ёстиғи остига қўйди. Сўнг чироқни ўчириб диванга чўзилди. Деразадан мўралаб турган барқашдек ойга тикилиб ётар экан, кўзлари юмилганини пайқамди...

Оқшом чўкиб, сурмаранг ой кўкка кўтарилганди ва ортидан саноксия юлдузларни эргаштириб чиққанда Ҳасан айтилган жойга келди. Сўфи эса аллақачон бу ерга келган, сабрсизлик билан дўстини кутаётган эди. Мақсуд аллақачон рестораннынг четида чой ичиб ўтирарди. У Ҳасаннынг кечикканидан бироз хавотирга тушганди. Ортидан шатак эргаштириб келганини кўриб ранжиди. «Яна бир текинхўр топилибди- да» дея пичирлаб қўйди.

– Бу менинг дўстим, – деди Ҳасан Абдурахмоннинг елкасига қўл ташлаб. Лақаби «Сўфи», – ўн йил бирга ўқиб катта бўлганмиз. Аммо бир борган жойга ҳозирча қадам босгани йўқ.

Полвон истар-истамас қўл чўзди. Ўзини таништиришни истамасди. Шундан сўнг келгувчилар бўш курсига ўтиришди. Бир пиёладан чой, ярим коса лағмон танаввул қилишди.

– Хўжайиннинг аёли жўнаб кетдими? – ниҳоят мақсадга кўчди Ҳасан, Мақсуд бошини кўтарди. Дўстининг бўғриқиб кетган юзига тикилди.

– Ўғли иккиси кетишди.

– Хўжайиннинг ўзи-чи?

– У ҳам бизга ўхшаб ресторанда овқат тамадди қилди, кейин уйига кетди.

Ҳасан ўйга толди. Қандайдир ҳийла ишлатиб, Раҳимхоновни бирор ёққа жўнатиш ҳақида бош қотирди. Бироқ хаёлига дурустроқ фикр келмади. Сўфи уларни ким ҳақида гапиришаётганидан беҳабар, жимгина суҳбатга қулоқ тутиб ўтирарди.

– Хўжайинга зарар етказмаслик шарт! Акс ҳолда биз ўйлаган мақсадимизга эришолмаймиз, ҳамма ёқ ағдар-тўнтар бўлиб кетиши мумкин.

– Бу ёғини менга қўйиб бер! – деди Ҳасан дўстининг гапини бўлиб.

– Биз шундай иш қилайликки, хўжайин ҳам, органдагилар ҳам биздан шубҳаланишмайди. Раҳимхонов биздан шубҳаланган тақдирда ҳам ҳеч кимга чурқ этолмайди. Сабаби, қайси аҳмоқ давлат таъқиқлаган олтинларни музейда эмас, ўз уйида сақлайди.

– Сенга доим беш кетаман дўстим, ҳамма нарсага ақлинг етади.

Улар яйраб кулишди. Официант дафтарчасини кўтариб келди.

– Битта арман коньяги, уч порц табака! – буюрди Мақсуд. Сўфининг юрагига гўлгула тушди. «Булар мени талончиликка ёки босқинчиликка бошлаётган бўлишса- я?», деган хавотирда ер остидан Мақсудга қаради. Ювош бўлиб кўринган бу йигитдан қандайдир даҳшат хиди анқиб

турарди. У ўзини босиқ ва сабрли одам қилиб кўрсатган бўлса- да, лабларигаги табассум айёрлик аломати эканлиги, қалбидаги ҳасад, бировларнинг бахтини кўролмаслик ўти қайнаб тошаётганлигини бил- дирарди. Улар бир- икки пиёладан коньяк ичишгач, Сўфи ўзини бояги- дан дадил ҳис эта бошлади. Хаёлига келган, вужудида титроқ уйғотган шубҳали фикрлар энди унинг учун арзимас нарсасдек туюлди.

Тун ярмидан ўтганда улар юзларига фотиҳа тортиб, ўринларидан туришди. Кўчалар бўм-бўш эди. Одамларнинг қадами тинган, гоҳи- гоҳида қоронғу асфальт йўлни ёритиб машиналар ўтиб турарди. Кеча сокин, ҳаво энгил, кўкда балқиб турган ой кечага дилбар файз бахш этганди. Оёқ учида юриб боришарди. Улар бир неча чақирим масофани ортда қолдириб, ниҳоят нақшинкор дарвоза олдида тўхташди. Ортла- рига ўгирилишди, қоп- қорайиб турган йўлда ўзларидан бошқа ҳеч ким кўринмади. Улар бу ерга келгунга қадар машиналар қатнови ҳам тўхта- ганди. Қаердадир тўлиб-тошиб қуриллаётган қурбақанинг овози эши- тиларди. Ҳасан Полвоннинг елкасига чиқиб девор ошди. Девор баланд эди. Бир амаллаб нариги томонга тушди ва дарвозанинг бир табақаси- ни эҳтиётлик билан очди. Полвон билан Сўфи ўзларини ичкарига урди. Ҳовлига киришганда Сўфини баттар ҳаяжон босди. Унинг юраги гурсил- лаб, кўксини ёриб чиққудек урар, худди маст одамдек деворни ушлаб шерикларининг ортидан эргашиб борарди.

– Имилламай юр, Сўфи! – жеркиб берди Ҳасан. У негадир «Сўфи» сўзига алоҳида урғу берди.

Уй эшиги ичкари томондан беркитилганди. Ҳасан уни бир тепиб очди. Ичкаридан гуп этиб уфуриб иссиқ ҳаво юзига урилди. Ўқдек отилиб кирган босқинчилар Раҳимхоновнинг қўл-оёғига ёпишишди. Эндигина кўзи илинган Раҳимхоновнинг узатган қўли тўппончага етиб бормади. Хона деразадан мўралаб турган ой нурида ёришиб турарди. Раҳимхо- нов қўлига ёпишган ниқобли одамни таниди.

– Полвон! – унинг оғзидан шу сўз чиқди. Ҳасан хўжайиннинг оғзига кафтини босди. Димиқа бошлаган хўжайиннинг катта-катта кўзлари ой нурида совуқ ялтиради. Бу кўзлар косасига сиғмаётгандек катталашиб кетганди. Хўжайиннинг боши узра кўтарилган ва ой шуъласида ялтира- ган пичоқ кўксига санчилди. Хўжайин бақувват эди. Пичоқ санчилган жойдан фавворадек қон отилиб чиқишига қарамай, оёқ-қўлини босиб турган полвон билан Ҳасанни икки томонга улоқтириб ташлади. Бироқ Ҳасан уни ўрнидан туришга йўл қўймади. Қўлидаги қонли пичоқни яна

Раҳимхоновнинг жун босган кўкрагига санчди. Хўжайин ҳолсизланди, кўксини чангаллаб ёнбошига ағдарилди-ю, гилам устига йиқилди. Ҳасан қонга ботган пичокни Сўфига узатди.

– Рўмолчанга ўраб қўйнингга солиб ол!, – деди бўғиқ овозда. Кутилмаган воқеадан ҳангу- манг бўлиб қотиб қолган Сўфининг қулоғи том битган, кўз ўнгини туман қоплаган, нима килишини билмай дир-дир титрарди. У Ҳасаннинг қўлидан пичокни қандай олганини-ю, қай тарзда рўмолчасига ўраб қўйнига яширганини билмади. Полвон воқеанинг бу қадар кескинлашувини хаёлига ҳам келтирмаганди. Раҳимхоновнинг ўлими эмас, балки бу ерда яширилган олтинлар уни кўпроқ қизиқтирарди. Содир этилган даҳшатли қотилликни ўйлаш мавриди эмасди. У чаққон ҳаракат қилиб ўзига таниш бўлган фанерни четга сурди. Ҳасан эса шкафлар ичини титкилай бошлади.

У пул ахтарарди, сервантдаги қимматбаҳо буюмлар уни қизиқтирмасди. Шкафни очганда ҳозиргина узиб олинган хушбўй ҳид таратаётган олмалар Ҳасаннинг кўзини қамаштирди. Улардан бир дона тишлади-ю, тишлари зирқираб кетди. Шоша-пиша олмани вазага қўйди. Полвон чаққон ҳаракат қилиб ўзига таниш бўлган фанерни четга сурди. Қўлини суқиб ичкаридан темир фанерни олди...

Гули остонада қалтираб турган хушторини кўриб, ўзини унинг қучоғига отди. Соғинганди. Кўпдан буён учрашмай қўйишганди. Юзига игнадек санчилаётган соқолининг ачиштирганига ҳам аҳамият бермади. Титроқ, қон қочган лабидан бўса олди-да, ичкарига судради. У вужудидаги хоҳишини сездирмаслик учун ҳавонинг совиб қолганидан шикоят қилди.

– Ташқари совук, қотиб қолаёздим – деди паст овозда. У шими ва қўйлагига сачраган қон доғларига эътибор бермади.

– Нега кўринмай кетдинг? – деди Гули Ҳасаннинг кийимларини илгакка илар экан. – Ҳар куни йўлингни пойлайман.

– Қорним оч, бирор егулигинг борми?!

– Ҳозир ҳаммасини тайёрлаймиз, бироз сабр қил! – Гули ошхонага ўтди. Ҳасан шимининг орқа томонига қистириб олган тўппончани олиб ёстиқ остига яширди. Юмшоқ курсига ўзини ташлади. Шу заҳотиёқ кўзига уйқу илинди. Гули қовурдоқни олиб кирганида йигит ухлаб

қолганди. Аёл унинг тепасига келиб совуқ юзларига тикилди. Кўкариб кетган лаблари, қони қочган яноқларининг тинимсиз учаётганидан Ҳасанга нимадир бўлганини пайқайди. Кутилмаганда у ўрnidан сакраб турди. Худди йиғлаётган овозда нимадир деди. Кўзларини очар экан, қарши-сида турган Гулини кўриб жилмайди:

– Алахсирадим! – деди қайта ўрнига ўтираркан.

– Бирортаси билан уришдингми? – секин сўради Гули. Ҳасан бепарво қўл силтади.

– Йигитчиликда бўлиб туради.

– Кап-катта бўлсанг ҳам эсинг кирмас экан, – аёл йигитнинг тиззасига ўтирди. Ҳасаннинг қўнғир сочларини силади.

Йигитнинг кенг бағрига сингиб кетган аёл нозланиб шивирлади:

– Овқат тайёр, жоним.

Ҳасан оппоқ тўшак устида сочлари ёйилиб ётган Гулининг бағрини бўшатишни истамади. Хуркак кабутар мисоли учиб кетадигандек маҳкам қучоқлаб ёноқларидан бўса оларди. Бу лаҳзалар йигитнинг юрагидаги қўрқувни ҳайдаган, у яқиндагина бир инсоннинг бағрига пичоқ санчиб ўлдирганини унутганди. Дераза ортидан мўралаб турган ойнинг сурмаранг нурлари тўшак устидаги икки яланғоч инсоннинг баданларида жилва қиларди. Гули йигитнинг эркалашларидан, ширин бўсаларидан, кўкрагини силаётган бармоқларидан лаззат олиб, ширин энтикарди. Аёлнинг нозли ҳаракатлари йигитнинг эҳтиросини жунбушга келтирди. У ўзини жиловлай олмас, хушторининг сержун кўкрагини силар, лабларидан бўса олар ва айна дамда эҳтиросли лаҳзалар узоқ давом этишини истарди.

– Соқолингни олсанг бўларди.

Қуёш терак бўйи кўтарилганда уйғонган Ҳасаннинг юзини силаб шу сўзларни айтди. – Ўзингга қарамай қўйибсан.

– Соат неча бўлди? – уйқуга тўймаган кўзларини базўр очиб тепасида турган аёлдан сўради Ҳасан.

– Қаёққа шошасан, ҳали вақт эрта!

Ҳасан кийинар экан, шимига сачраб қотиб қолган қон доғларини кўрмади. Бироқ бу аёлнинг эътиборидан четда қолмади.

– Бу қон шимингга қаердан сачради? – деди ташвишланиб

– Кеча тиш олдиргандим шунга бўлса керак, – қисқа жавоб қилди Ҳасан. Бироқ у ўзининг ёлғон сўзларини тишидан оққан қон шимни бунчалик бўямаслигини яхши тушунарди.



– Ҳа, айтмоқчи, мабодо тиш қўйдириш ниятинг йўқми? – бу сўз билан аёлнинг фикрини чалғитишга уринди йигит.

– Вой, ичимдагини топиб гапирасан-да жоним, – қувониб кетган Гули ёш боладек сапчиди. – Унда индинга «Черёмушка»даги тиш даволаш шифохонасига ўт, кеч соат 17 ларда сени ўша ерда кутаман.

Ҳасан Гули билан шу тариқа хайрлашди.

Гули «Садаф» тиш даволаш шифохонасига айтилган вақтда келди. Бироқ ичкарига кирмади. Ташқарида кутди. Кўчада одам сийрак, гоҳ-гоҳида автобуслар ўтиб турарди. Гули ҳамон юрагидаги қувончни кўксига сиғдирилмасди. Соғлом ва бақувват тишларини суғуртириб, ўрнига тиш қўйдиришни кўлдан бери орзу қиларди. Ҳасаннинг бу борадаги таклифидан сўнг, ўша орзулар рўёбга чиқадигандек туюлди. Кун бўйи ойна атрофидан кетолмади. Хозир ҳам йўлакда у ёқдан бу ёққа юрар экан, миясига тинчлик бермаётган «совға» уни безовта қила бошлаганди. «Тепа жағимга қўйдираймикан ёки пастгами?» деган саволга жавоб тополмасди. Гули пастга яқинириб турган изқуварларнинг эътиборини ўзига жалб қилди. Аёлнинг безовта ҳаракатлари уларда шубҳа уйғотганди, бироқ олифта кийинган бу аёл айнан ўзлари изига тушган йигитга қарашли эканлигини, уни сабрсизлик билан кутаётганини хаёлларига келтиришмаганди. Изқуварлар вақти - вақти билан боғланиб воқеа-ҳодисалар тўғрисида бошлиқларига ахборот узатиб туришарди.

Вақт ўтиб борарди. Кўчаларда одамлар гавжумлаша бошлади. Дақиқаларнинг имиллаб ўтишидан Гули безовталанди. У тез-тез қўлидаги соатга, олисларга чўзилиб кетган йўлакка қараб кўярди.

Зангори «Тико» тиш даволаш шифохонасидан бир неча ўн метр нарида тўхтади. Кабинадан ўрта бўйли қотмадан келган йигит тушди. У қўлидаги машина калитини ўйнаб шифохона томон кела бошлади. Самадов рация орқали номаълум объект ҳақида Камоловга маълумот берди. Гулининг бирдан йигитга кўзи тушди. У томон чопди. Бўйинини чўзиб Ҳасаннинг юзидан ўпди. Улар бир неча сония кўча ўртасида туриб нима ҳақидадир суҳбатлашишди. Постдагилар диққат-эътиборини шу икки шахсга қаратишганди. Шифохонада ҳаким ва ҳамшира қиз қолганди. Бошқа ходимлар иш вақти тугаганлиги боис, уйларига кетишганди. Ҳамшира халатини ечиб кетишга тараддулланиб турганди. Абдуваҳоб мижозини кўриб:

– Бир дақиқага улгурдингиз.

– Айбдорман доктор! – қўлини кўксига босиб узр сўради Ҳасан.

- Кечикканимизни мана шу билан ювамиз.
  - У стол устига бир шиша коньяк қўйди. Чўнтагидан шоколад чиқарди.
  - О, зўридан-ку! Феруз!! - қўшни хонага қараб қичқирди доктор.
  - Лаббай, доктор!
  - Стоканларни ювиб чиқ! - Абдуваҳоб Ҳасанга юзланди.
  - Хўш, оғриқ қолдимми, дўстим?
  - Бир оз қонаганини ҳисобга олмаганда, деярли безовта қилмади.
- Абдуваҳоб стол остига ўрнатилган микрофонга уланган тугмачани босди. Махсус микрофон ишга тушди. Хонадаги суҳбат постдаги кузатувчиларга узатила бошлаганди.

- Қани столга ўтиринг, примеркани кўрайлик-чи?
- Ўтиришдан олдин юзтадан отиб олсак-чи?
- Яхши таклиф!

Абдуваҳоб коньякни очди, унинг кўзлари остонада турган кўхликкина аёлнинг нигоҳлари билан бир неча бор тўқнашди. Унинг чиройли, ёқимли чеҳраси таниш кўринди. Бироқ қаерда кўрганини эслай олмади.

Ҳасан ҳамёнидан ваъда қилган тилла тангани чиқарди.

- Ортиб қолганини мана шу хонимчага қўйиб қўясиз, - деди аёлга ишора қилиб.
- Жоним билан, - деди ҳар доимгидек қувноқлик билан тиш доктори.
- Бироқ уларнинг тишлари тилладан кам эмасга ўхшайди.

Улар коньякни ичишди. Ҳасан курсига ўтирди. Абдуваҳоб дераза тоқчасидаги қолипни олди. Пост ичидаги яшил чироқ ёнди. Орадан бир неча дақиқа ўтиб Камолов иягини боғлаб олган ҳолда докторнинг хонасига кириб келди.

Кутилмаганда алоқа узилиб қолди. Хўжайиннинг дили гаш бўлиб ўзини бетоқат сеза бослади. У бир неча бор асабий ҳолда тепага сигнал юборди. Афсуски уларнинг бирортасига жавоб келмади. Шундан сўнг унинг юрагига гул-гула тушди. Асабийлашиб сўкина бошлади. Сўфи эса нима қилишини билмай, бурчақда писиб ўтирганча хўжайиндан кўзини узмасди. Олдиндан келишилганидек, эртага бу қасрни тарк этишлари лозим. Модомики, ташқаридаги тўс-тўполонлар босилмаган бўлса, яна бир-икки кун шу ерда туришларига тўғри келади. Хўжайиннинг кўнгли-

даги ғашлик илон захридек вужудига ёйилди. Хаёл уни турли кўчаларга олиб кирди. «Кўлга тушиб қолган бўлса-я» деган хавотир уни тинч қўймасди. Ҳасан уларни сотиб қўймаслигига ишониб бўлмасди.

Сўфи борган сайин безовта бўла бошлади. Худди милиция бостириб келаётгандек тиззаси устига ташланган қўллари титрар, юзи докадек оқариб кетганди. У қўлини қонга ботиришни ўйламаганди. Ҳасаннинг олдига иш сўраб боргани, унинг сўзларига ишониб кутилмаганда қотилликка илашиб қолганидан изтироб чекарди. Мана энди пешонасига «қотил» деган тамға босилди. Жиноятчиларга шерик бўлди. Улар шунчаки «хўжайинни қўрқитиб бойлигини олиб чиқамиз» дейишганди. Ким билсин, балки бу аблахлар илгари ҳам кимларнингдир қонини тўкиб, бойлигини ўмариб, қабиҳ ишларини яшириш мақсадида бу ерда жон сақлашгандир.

Сўфининг кўзига дунё тор кўриниб, аламдан юраги қонга тўлиб кўзларига ёш келди. У ёш боладек энтикиб йиғлади. Атрофида уюлиб ётган даста-даста пуллар, кўзни қамаштирадиган тилла тангалар энди илондек совуқ кўринди. Даҳшатли қўрқув уни шу қадар ўз исканжасига олган эдики, ёнида бағрини ерга босиб ётган бошлиғига бирор сўз айтишга ҳам ботинолмади. Ниҳоят юрак ютиб:

- Худо хоҳласа, ишлар босилиб кетса, менга рухсат берасиз хўжайин,
- деди овози титраб.

Хўжайин бошини кўтарганида тунд, салқиб кетган башараси шу қадар совуқ кўриндики, Сўфи айтган сўзидан афсусланди.

- Бўри боласини қанчалик меҳр билан парвариш қилмасин, бари-бир у ўзини ўрмонга уради, деган нақл ҳақ экан. Сен хунаса, шукр қилиш ўрнига биздан ажралишни истайсан, энди ҳеч қаёққа қочиб кетолмайсан. Тўрга илиндинг.

- Ундай деманг хўжайин. Ҳали бола-чақаларим ёш, қўлидан иш келмайди, - у ҳеч кимни сўзини қайтармайдиган, қўрқувдан юраги титраётган сўфининг сўзи эди. - Менсиз улар қийналиб қолишади.

- Нима, бола-чақа фақат сенда борми? Биттамиз қўлга тушсак, биласанми нима бўлади? Отишади. Бизнинг ишимиз «группавой» жиноятга киради.

Сўфи нафрат билан қовоғини уйиб, Полвонга кўз ташлаб деди:

– Мен нима гуноҳ қилдим?

Хўжайин ўрнидан турди, унинг жигарранг сўлгин юзида ғазаб акс этарди.

– Ҳали ўзингни гуноҳсиз ҳисоблаяпсанми? Ахир кимсан, вилоятда номи чиққан Раҳимхоновнинг қотилисан-ку! – тантанавор оҳангда деди хўжайин.

– Мен уни ўлдирганим йўқ! – кескин жавоб қайтарди Сўфи.

– Нима, нима, мен қотил эмасман! Мен ўлдирмадим деяпсанми? Ҳов, хомкалла, уни шахсан ўзинг бўғгандинг-ку.

– Ёлгон, тухмат! – қўлларини мушт қилиб қичқириб юборди Сўфи.

– Пичоқни сен ушладингми? Раҳимхоновнинг қони кимнинг кўйлагига сачраган, қонга ботган пичоқни ким рўмолчасига ўраб каналга ташлади. Ҳарқалай мен бўлмасам керак. Билиб қўй, чўғни ким ушласа, ўшанинг қўли куяди. Пичоқда сенинг бармоқ изларинг қолган.

Сўфи қайғу-аламдан, тухматдан зим-зиё бўлган бошини чангаллаб йиғлаб юборди.

Хўжайин кўрқоқ, латта одамларни ёқтирмасди. Сўфини бу йўлга эргаштириб хато қилганини англади. Жиноятчиларнинг қонуни бундай одамларни кечирмайди. Уларни тезда ўртадан олиб ташлашади. Хўжайин қўлини кўйнига солди. Тўппончани совуқ дастасидан тутди-ю, ҳозир уни ишлатиш ўринсиз эканлиги ёдига тушди. Қўлини гилам устида сочилиб ётган олтин тангаларга чўзди.

Ҳасан қўлга олиниб зудлик билан ички ишлар бўлимига, Раҳимхоновнинг қотили сифатида тергов столига ўтказилди. У аввалига «тобим йўқ, жавоб беришга ярамайман» деб туриб олди. Тез ёрдам бўлиmidан чақирилган навбатчи ҳақим унда ҳеч қандай касаллик аломатлари йўқ эканлигини аниқлади. Бунинг сабаби вақтдан ютиш эди. Белгиланган соатда алоқага чиқмаса, шериклари шубҳаланиб жойини тарк этиши лозим эди. «Сиз Раҳимхоновнинг ўлимида айбланмоқдасиз», дея айблов варақаси ўқилганда, Ҳасан буни яна инкор этиб, «Раҳимхоновни танитайман», деб туриб олди. Суд тиббий экспертизасининг хулосаси, далилий ашё сифатида сақланаётган олма олдига қўйилганда тили айланмай қолди.

– Бу рўмолча сизникими?, – терговчи целлофан халтадаги қонга беланган рўмолчани ҳам Ҳасаннинг олдига қўйди. Ҳасан уни шу заҳотиёк таниди. Сўфи пичоқни ўраётганда назари тушганди. «Дарров топишибди-да» нафрат билан ҳаёлидан ўтказди, «у қаерда тушиб қолдйкин?». Бўйнига олай деса рўмолчани қаердан топиб олинганидан беҳабар, олмаса шерикларини сотиб қўйиши мумкин. Таваккал қилишга мажбур бўлди.

– Меники, – деди терговчининг ўқдек қадалиб турган кўзларига қараб.

– Буни қаерга ташлагандингиз? – Ҳасаннинг бўзрайган чехраси терговчининг бу саволини эшитганидан кейин яна ҳам оқариб кетгандай туюлди.

– Эсимда йўқ, – бепарволик билан жавоб қайтарди айбланувчи.

– Яхшилаб ўйлаб кўринг, балки асфальт йўл четидаги ўт-ўланлар ичига улоқтиргандирсиз.

Ҳасан терговчининг атайлаб ўсмоқчилаб сўроқлаётганини тушунди. Шу боис жавоб қайтаришга ошиқмади.

– Бўлса бордир, ахир мен ўша куни маст эдим.

– Биз буни шимолий Фарғона каналининг бешинчи километридан топиб олдик. Уни эса шерикларингиз улоқтириб кетишибди, – ростини айтди терговчи. Ҳасаннинг оқарган чехрасида ҳаяжон аломатлари пайдо бўлди.

– Айтдим-ку сизга, менинг шерикларим йўқ, ёлғиз ўзим эдим.

– Балки бу рўмолча Сўфиникидир, – терговчи унга чўғдек ёниб турган ярқирок кўзларини тикди.

– Нима, уларни тутдиларингми?, – безовта бўла бошлади Ҳасан.

– Ҳозирча уларни қўлга олганимиз йўқ. Аммо Сўфи сизнинг шеригингиз эканлиги тўғрисида бизда маълумотлар бор, – босиқлик билан деди терговчи. Ҳасан катта хатога йўл қўйганини, қаршисида турган терговчининг тузоғига осонгина илинганини тушунди. Энди айбни яширишнинг фойдаси йўқ. Ҳасан бошини чангаллаганча бўлиб ўтган воқеани сўзлаб бериш учун терговчига юзланди...

Хўжайин уйғониб соатига қараганда вақт тунги 04:30 бўлганди. Ҳадемай тонг ёришади. Ҳасандан дарак бўлмади. Телефон жирингламади. Демак, унга нимадир бўлган. Тили узун йигит эди, бирор ерда гуллаб қўйган. Қўлга тушгани аниқ. Бу ерни тезроқ тарк этиш, қўшни Қирғизистон томонга қочиш лозим. Ўтаётган дақиқалар ганимат. Хўжайин гўжанак

бўлиб ётган Сўфининг оёғига тепиб, уйғотди.

– Наҳс, босиб ётаверасанми иблис! Тур ўрнингдан, тезроқ кийин, кетамиз!

Сўфи уйқуга тўймаган кўзларини ишқалаб, ўрнидан турди. Хўжайин атрофда сочилиб ётган пулларни йиғиштирди. Темир қутини кўйнига тикди.

Тугунни Сўфига тутқазди.

– Тайёрмисан, қани кетдик!

Хўжайин чироқни ўчирди. Сўфи қоронғида ҳеч нарсани кўрмай қолди. Хўжайин темир шотини пайпаслаб топди ва тепага тирмашди. Ортидан Сўфи эргашди. Ташқарига чиқишганда аста-секин тонг ёришаётган, осмоннинг бир чети бўзариб қолганди. Барвақт уйғонган қушлар кўкда чарх уриб кезарди. Жимжитлик қўйнида мудраётган қабристон уларни совуқ қарши олди. Сўфи осмонга тикилди. Тонгнинг енгил ҳавосидан симириб-симириб нафас олди. Хўжайин қопқоқни беркитиб, устига шох-шабба ташлади.

– Энди қаёққа? – секин сўради Сўфи.

Хўжайин жилмайди. Жилмайди-ю, бу табассум унинг юзидаги совуқ ифодани, кўзларидаги газабни яшира олмади.

– Энди шу ерда ажрашамиз. Мен бошим оққан томонга кетаман. Сени эса... Афсуски ортимдан эргаштириб кетолмайман, – хўжайин кўйнидан тўппонча чиқарди. – Сен билан шу ерда хайрлашимизга тўғри келади.

Тўппончани кўриб Сўфи тахтадек қотиб қолди.

– Ундай қилманг, бола-чақаларим бор, худо хайрингизни берсин, ўла-ўлгунимча қулингиз бўлай! – Сўфи йиғлаб юборди.

• Гумбирлаган ўқ овози қабристондаги сукунатни бузиб юборди. Қуриб-қовжираб қолган ўт-ўланлар остида яшириниб ётган ўткинчи қушлар ҳуркиб, кўкка кўтарилди. Осмонда доира ясаб учишди. Бирок, борар манзилларини билмай, яна кўноқларига қайтишди. Кўзларини юмиб олган Сўфи, ўқ бошқа жойга кетганини тушунди. Кўрқа-писа бошини кўтариб, хўжайинга қаради. Унинг қўлидаги қурол кўринмасди. Сўфи атрофга аланглади. Кўзи тепалик сари тирмашиб чиқаётган тўрт нафар милиция ходимига тушди. Хўжайин қочмоқчи бўлиб пастга бурилди.

– Мақсуд! – қичқирди майор Камолов, – ортиқча ҳаракат қилма. Атроф қуршаб олинган!

Сўфи шундагина қонга беланган хўжайиннинг исми Мақсуд эканлигини билди...

## МУНДАРИЖА

Сўз боши .....	3
Терговчи хотиралари .....	12
Бошсиз жасад .....	13
Деворга сачраган қон .....	18
Қотилга айланган эр .....	22
Фирибгар қотил .....	24
Чойхонадаги қотиллик .....	26
Ташландиқ гўдак .....	29
Жасад кўксига қолган пичоқ .....	32
Чангалзордаги қотиллик .....	34
«Божимой» ҳикояси .....	44
«Пахан»нинг ҳикояси .....	49
Қабр остидаги қаср .....	56

*Адабий - бадний нашр*

**Олимжон ДОЛИМОВ  
Исҳоқжон НИШОНОВ**




## **ТЕРГОВЧИ ХОТИРАЛАРИ**

*Ҳаётий лавҳалар*



Муҳаррир:	<b>Эрмамат НУРМАТОВ</b>
Мусаввир:	<b>Алижон ТУРДИАЛИЕВ</b>
Тех. муҳаррир:	<b>Ғанижон МУЛЛАБОЕВ</b>
Мусахҳиҳлар:	<b>Фарруҳ АЗИМОВ Султонхон ХОЖАЕВ</b>



Теришга 17.11.2004 йил берилди. Босишга 19.11.2004 йил рухсат этилди.  
Газета қоғозига офсет усулида босилди. Бичими 60x84. 1/16. Ҳажми 6,0  
босма табақ. Адади 200 нусха. Буюртма № 1202. Баҳоси келишилган нарҳда.

---

«Наманган» нашриёти. Наманган ш. Навоий кўчаси, Матбуот уйи, 3-қават.  
«Чуст босмаҳонаси» МЧЖ, Чуст шаҳри, Сўфизода кўчаси, 8-уй.